

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**САВДО ЖАРАЁНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ

ТОШКЕНТ - 2006

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»
«Авиатармоқда маркетинг» кафедра мажлисида
мухокама килинган ва тавсия этилган
Кафедра мудири_____ проф. Икромов М.А.
кафедра мажлисининг____ сонли баённомаси
«_____»_____ 2006 й.

Тузувчилар: Каримов О.А. Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш. Маъruzалар матни. - Т.. 2006

Ушбу маъruzалар матни «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил» этиш фани буйича ўқув дастури асосида тайёрланган. Унда савдодаги жараёнлар технологиясининг назарий асослари, шунингдек улгуржи ва чакана савдо корхоналарида савдо жараёнларини ташкил этиш масалалари атрофлича ёритиб берилган.

Маъруза матнлари олий ўқув юрти талабалари ва колледж ўқувчилари учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

Кириш.	4
1-мавзу. Савдо жараёнлари технологиясининг тузилиш асослари.	6
2-мавзу. Улгуржи савдо ташкилотлари, уларни вазифалари, типлари ва турлари.	13
3-мавзу. Товар омборлари, уларни тузилиши ва планировкаси.	17
4-мавзу. Омборларни технологик жихозлари.	27
5-мавзу. Савдо омборларида умумий технологик жараёнлари	35
6-мавзу. Савдода тара ва тара операциялари.	42
7-мавзу. Юкларни транспорт воситаларида бошқа жойга ташиш технологияси.	50
8-мавзу. Магазинларда савдо-технологик жараёнларни ташкил этиш.	60
9-мавзу. Чакана савдо корхоналарини синфланиши, вазифалари ва уларни жойлаштириш принциплари.	73
Изоҳли луғат	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	81
 Иловалар:	
1.Адабиётлар шархи.....	83
2. «Савдо жараёнлари техкологияси ва уни ташкил этиш» фанидан янги педагогик технологияни қўллаш бўйича услугбий кўрсатмалар.....	84
3. «Савдо жараёнлари техкологияси ва уни ташкил этиш» фанидан информацион-техкологияни қўллаш бўйича тайёрланган материаллар.....	87
4.БМИ ва МИ мавзуларидан маъruzаларда фойдаланиш рўйхати.....	93

К И Р И Ш

Бозор иқтисодиёти шароити бозорни ривожланишига янада катта ўзгаришлар киритди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эга бўлиши ҳам иқтисодий ислоҳотларни мустақил равишда: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов таклиф қилган модели замирида амалга ошириш учун хукуқий асос яратди.

Ўзбекистон иқтисодий барқарорлаштириш ва таркибий ислоҳотлар борасида кейинги вактда катта тараққиётга эришди.

Иқтисодий йўналишдаги энг устивор вазифа - бу халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва товар етишмовчилигини қисқартиришdir.

Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Конунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашга бағишлиган нутқида «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»¹ деб таъкидлади.

Мана бу мақсадларга эришиш учун жамият ва шахс манфаатларини йўналтиришнинг иқтисодий манбалари аввало товарлар ва хизматлар бозорига маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнат натижаларини тенг айирбошлашларига асосланиши шарт.

Бозор муносабатларига мос бўлган барча воситалардан, энг янги тажрибалардан ғоят самарали фойдаланишимиз керак. Мазкур «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанидан ёзилган маъруза матнлари айнан шу фан бўйича тузилган дастур асосида бажарилди.

Юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш, савдо жараёнларини ташкил этилиши ва технологиясига янги ёндашиш эҳтиёжини юзага келтирди.

Замонавий технология, савдо ташкилотларида амалга ошириладиган товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етиб боргунча бажариладиган барча савдо - технологик жараённи назарда тутади.

Савдо - технологик жараёни товарларни ишлаб чиқаришдан келтириш, уларни аввал омборларга қабул қилиб олиш, сақлаш, сортировкалаш, чакана савдо тармоқларига жўнаташга тайёрлаш ва у ерда бевосита истеъмолчиларга сотишни амалга оширади.

¹ КаримовИ.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатнинг кушма мажлисидаги маъруза. – Тошкент. «Узбекистон» Нашриёт-МАТБАА Ижодий уйи, 2005 й.

Бу борада улгуржи ва чакана савдоны актив иштирок этиши ҳам яққол күрсатылади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидан истемол соҳасига ўтишда товарлар савдо поғоналари бўлиб ҳисобланган улгуржи ва чакана ташкилотларидан ўтади. Товар ҳаракатини барча босқичида, яъни товарларни ишлаб чиқаришдан улгуржи савдо омборларига транспортировкалаш, уларни омбор ичидаги ҳаракати, қабул қилиш ва сақлаш, чакана савдо тармоғини товар таъминоти, магазин ичидаги операциялар, харидорларга товарларни сотиш ва қўшимча хизмат кўрсатишда ҳар хил восита ва меҳнат қуроллари қўлланилади. Шу туфайли дастурда ва маъruzалар матнида улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида бажариладиган савдо-технологик жараёнлар кўриб чиқилган.

«Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фани бўлажак тижоратчи, тадбиркор ва маркетологларни тайёрлашда ҳар томонлама ёрдам беради.

1-МАВЗУ. САВДО ЖАРАЁНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТУЗИЛИШ АСОСЛАРИ (2 соат)

Режа:

- 1.1. Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш фанининг моҳияти ва тушунчаси.**
- 1.2. Товарларни тармоқлардан ўтиб бориши.**
- 1.3. Технология ва унинг усулларидан фойдаланиш.**
- 1.4. Савдо технологик жараёнига таъсир этувчи омиллар.**
- 1.5. Технологик жараёнларнинг рационал тузилиш тамоиллари.**

1.1. Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш фанининг моҳияти ва тушунчаси.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади - бу иқтисодиётда бозор тизимларини шакллантириш, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва ҳоказолардир. Иқтисодиётни ўрганиш жараёнида албатта бозор иқтисодиётини чуқур ўрганиш назарда тутилади. Бозор иқтисодиёти деганда эса, биринчи ўринда аҳоли ҳолати, уни яшаш даражаси, замонавий туриш-турмиши кўзда тутилади. Бозор иқтисодиёти тўла-тўқис амалга оширилди ва керакли чўққисига етди дегани - бу аҳолининг турмиш даражаси ошиши, барча зарур керакли бўлган товарларга эга бўлиши, шу билан бирга ишлаб чиқариладиган ёки хорижий мамлакатлардан келтириладиган маҳсулотларни аҳоли талабига тўла-тўқис жавоб бериши, яъни замонавий йўсинда, замонавий хом ашёлардан, юқори даражадаги сифатли маҳсулотлар бўлишини талаб қиласи.

Аҳоли эҳтиёжларини турли хил товарлар ва хизматлар билан қондириш зарурдир. Хўш, ўша товарлар қаерда, кимлар томонидан яратилади ва уларни қайси йўллар ва усуллари билан харидорларга етказиб берилади?

Мана шу саволларга жавоб олиш учун биз «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиши» фанини чуқур ўрганиб чиқамиз. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳар хил тармоқлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари «қишлоқ хўжалиги» тармоқида, «книйим-кечак», «оёқ кийимлар», «енгил саноат» тармоқларида, уй жиҳозларни, озиқ-овқатларни қайта ишлов беришда ва нормал истеъмол ҳолатига келтиришда бошқа тармоқлар ҳам иштирок этади.

1.2. Товарларни тармоқлардан ўтиб бориши.

Тармоқларнинг баъзилари яхши ривожланган, баъзилари эса яхши ривожланмай қолган бўлиши мумкин. Бу ҳолат мамлакатдаги об-ҳаво, иқлим, урф-одат, фан-техниканинг ривожланишига ва бошқа омилларга боғлик.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хом ашё давридан то истеъмол давригача битта, иккита ёки ундан кўпроқ тармоқлардан ўтиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқаришда тармоқлар бир-бири билан узлуксиз боғлиқдир.

Биринчидан, табиий бойликларни саноатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, боғдорчилик, балиқчилик, ҳирмон ресурсларини етказиш жараёнини ўз ичига олади.

Иккинчидан, биринчи гурух тармоқларига қайта ишлов берувчи тармоқлар киради. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш, матолардан кийим -кечаклар тикиш, ўрмон маҳсулотлардан мебеллар ясаш ва ҳоказолар.

Учинчидан эса, биринчи ва иккинчи гурух ишлаб чиқариш тармоқларига хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Улар хом ашё ва товар маҳсулотларини сақлаш, савдо-сотик, реклама ва ахборот билан таъминлашдан иборатdir.

Тармоқлар корхоналардан ташкил топган бўлиб, иқтисодиётда мавжуд етиштирилган товарларнинг барчаси корхоналарда ишлаб чиқарилади. Бунда корхоналар маблағларига хом ашё ва керакли нарсалар сотиб оладилар. Олинган хом ашё қайта ишланиб, товарлар ва хизматлар яратилади ва бозорга чиқарилади. Шу тариқа корхона билан бозор ўртасида айланма ҳаракат давом этади. Тармоқларда етиштирилган товарлар тезроқ ўз харидорларини топиш учун уни талабга жавоб берадиган ҳолда ишлаб чиқарилиши зарур. Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун технология, яъни материалларга ишлов бериш усусларидан фойдаланиш зарур.

1.4. Технология ва унинг усусларидан фойдаланиш.

Технология - бу, у ёки бу ишни бажариш учун керак бўлган операция, ҳаракат ва усуслар кетма-кетлигидир.

Технология қанча пухта ўйлаб чиқарилган бўлса, иш натижалари ҳам шунчалик яхши бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил ташкилий-хуқуқий шаклдаги ташкилотлар вужудга келганлиги туфайли, савдо жараёнлари технологиясида янги ёндошишларга эҳтиёж ошиб бораяпти. Бу албатта профессионал мутахассисларни тайёрлашга янги талаблар қўяди. Олий ўқув юртларини талabalari товарларни ишлаб чиқариш жойларидан то истеъмолчига етказиб беришда самарали усусларини аниқлаш ва қўллаш, айрим савдо-технологик погона ва операцияларни жадаллаштиришни билишлари учун «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанини ўрганиш моҳияти ва аҳамияти жуда каттадир.

Савдо ташкилотлари технология саволларини, товар ҳаракати жараёнини, илмий ташкил этишда умумназарий ва методологик қоидалар ва савдо ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш асосида амалга оширилади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига йўналганда, товарлар улгуржи ва чакана савдо поғоналаридан ўтади ва маълум савдо-технологик жараёнларни амалга оширади.

Товар ҳаракатини ҳар бир босқичида, яъни товарларни ишлаб чиқаришдан улгуржи савдо омборига транспорт воситаларида етказилиши, уларни омбор ичидағи силжиши, қабул қилиниши ва сақланиши, чакана савдо тармоқларидағи товар таъминоти, магазин ичидағи операциялари, товарларни харидорларга сотилиши ва уларга қўшимча хизмат кўрсатилиши ҳар хил меҳнат қуроллари ва воситалари ёрдамида амалга оширилади.

1.5. Савдо технологик жараёнига таъсир этувчи омиллар.

Савдо технологик жараёни деганда биринчи ўринда товар ва уни ҳаракатланишини кўз олдимизга келтирамиз. Ишлаб чиқарувчилардан маҳсулотлар улгуржи ва чакана савдо орқали истеъмолчиларга ётиб келади. У нафақат товарларни ишлаб чиқариш жойларидан истеъмол жойларига ўтиб бориши, балки уларни сақлаш, сортировкалаш ва савдо ташкилотларида сотишга тайёрлаш операцияларини ўз ичига олади.

Савдо ташкилотларида истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кетган айланиш воситаларини жараёни якунланади, товар қиймати шаклидан пул қийматига ўтади ва товар ишлаб чиқаришни тиклашга иқтисодий асос яратилади. Шунинг учун савдо технологик жараёнини рационал ташкил этилиши, савдонинг энг асосий вазифаларидан биридир. Шу мақсадда товарларни ҳаракатланиш йўналишлари ва энг қулай оқимлари аниқланиши, товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмол жойларига етказишда самаралироқ транспорт турларидан фойдаланиши, ҳамда мос ва зарур бўлган омборларни вужудга келтирилиши шартдир. Савдо технологик жараённинг қанчалик рационал тузилиши, аҳолига юқори савдо хизматини кўрсатиш даражасига, ҳамда товар-моддий бойлигини айланиш вақтига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, савдо технологик жараёнида шундай технологик занжир вужудга келиши керакки, бунда товарлар ишлаб чиқаришдан истеъмолчига зарур бўлган микдорда, кенг ассортиментда, кам сарфланган меҳнат, моддий восита ва муддат ичиди, юқори сифатли маҳсулотларни тинимсиз ўз вақтида етказиб берилиши ва таъминлаши шарт. Товарлар ишлаб чиқариш соҳасидан, истеъмол соҳасига бир ёки бир нечта омбор поғоналаридан ўтиб боради. Савдо технологик жараёнининг рационал ташкил этилиши эса шу поғоналарни минимал сонини танлашни кўзда тутади.

Савдо технологик жараёнининг ташкил этилишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Уларни қўйидаги гурухларга бирлаштириш мумкин: ишлаб чиқариш, транспорт, социал ва савдо.

Ишлаб чиқариш омилларига қўйидагилар киради: ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ишлаб-чиқариш ташкилотларини ихтисослаштириш, айрим товарларни мавсумий ишлаб чиқариш.

Товарларни етказиб бериш жараёнига, ишлаб чиқаришни жойлаштириш катта таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш ташкилотларини хом ашё манбаларига яқинлаштириш, уларни мамлакат худудида нотекис тақсимлашига, истеъмол районларидан узоқлашишига олиб келади, бу эса ўз йўлида товар етказиш жараёнини қийинлаштиради, чунки товарларни узоқ масофаларга ташиш, уларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказишни секинлаштиради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳам товарларни истеъмолчиларга етказиб келтиришни сусайтиради, чунки тор ассортиментдаги товарлар кичик чакана савдо тармоқларига фақат улгуржи ташкилотларда сортларга ажратилгандан кейин келиши мумкин, бу эса товарларни бир неча погоналардан ўтишига олиб келади.

Айрим халқ истеъмол товарлари мавсумий ишлаб чиқариш характеристига эга, бу эса айнан шу товарларни фақат ўзини мавсумига мос пайтда харид қилишга ва истеъмол қилишга олиб келади ва технологик жараёнга таъсир кўрсатади.

Шу туфайли товар харакати жараёнида иштирок этувчи товар ассортименти йил давомида сезиларли ўзгаради, бу эса товар харакатининг технологик жараёнини ташкил этилишига мос равища ўзгаришлар киритилишини талаб этади.

Транспорт омилларига эса қўйидагилар киради: транспорт алоқа йўлларининг ҳолати, товарларни етказиб беришда қўлланадиган транспорт турлари.

Хозирги вақтда, хали кўп регионлар яхши ривожланган тармоғиға эга эмас, шунинг учун, уларнинг айримларига товарларни етказиш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ (мавсумий характеристига эга, рационал бўлмаган транспорт турларини қўллаш ва бошқалар). Транспорт воситалари паркини тузилиши товар харакати жараёнини рационал ташкил этиш талабларига жавоб бериши учун мос бўлган иктинослашган транспортга хар хил юк сифимли транспорт воситаларига эга бўлиши керак.

Савдо технологик жараёниниг товарларни етказиб беришига **социал омиллар** ҳам таъсир кўрсатади, яъни аҳолини жойланиши, аҳоли пул даромади даражаси. Зич жойлашмаган аҳолига товар етказиб бериш бир мунча мурраккаб, кўп харажатларни талаб қиласи ва ўз йўлида товар етказиб бериш жараёнини сустлаштиради. Товар харакати жараёнининг жадаллашига аҳолини кўп даромадлик даражаси ҳам таъсир кўрсатади.

Савдо омиллари ҳам савдо технологик жараёнига катта таъсир кўрсатади. Булар қўйидагилар: савдо ташкилотларини жойланиши, катта-кичиклиги, ихтисослашганлиги, товар ассортиментини мураккаблик даражаси ва уларни хусусиятлари, чакана савдо тармоқларини товар таъминланишини ташкил этиш даражаси. Товар харакати жараёни етарли даражада товарларни ассортименти ва хусусиятларига боғлиқ. Масалан, мураккаб ассортиментдаги товарлар чакана савдо тармоғига ўтишдан аввал улгуржи бўғинда сортларга ажратилади. Товар харакати жараёнида тез бузулувчан махсулотлар махсус шароитлар яратилишини талаб этади.

1.5. Технологик жараёнларнинг рационал тузилиш тамойиллари.

Технологик жараённи рационал ташкил этиш қуйидаги асосий тамойиллардан иборат:

- товарларни келтиришда қисқа йўлларни қўллаш;
- чакана савдо тармоқларини таъминлашда марказлашган етказиш усулларини кенг қўлланиши билан биргалиқда товарларни келтириш оптимал шакли ва поғоналарини белгилаш;
- рационал транспорт воситаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- ортиш-тушириш ва омбор ишларида механизация воситаларини ва тара жиҳозларини кенг қўллаш;
- товар ҳаракатини технологик занжирларини доимо такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

Товарлар ишлаб чиқариш районларидан истеъмол районларига қисқа йўллар билан етиб келиши керак, бу эса уларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчиғача энг қисқа йўл билан ўтиб боришини ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиришни ва товар ҳаракати учун энг кам ҳаражатларни сарфланишини таъминлаб беради. Товарларни келтиришда транзит ва омбор усулларидан фойдаланилади. Транзит усули товарларни ишлаб чиқариш корхоналаридан тўғридан-тўғри чакана савдо тармоғига келтиришдан иборат. Оддий товар ассортиментлари бўйича кўпроқ транзит усули қўлланилади. Товар ҳаракатининг омбор усули асосан мураккаб ассортиментдаги товарларни чакана савдо тармоғига етказиб беришда қўлланилади. Бунда товарлар уларни сортларга ажратиш мақсадида омбор поғоналаридан ўтади. Товар ҳаракатини омбор усуллари бир поғонали ва кўп поғонали бўлади. Омбор поғоналигини аниқлашда қуйидаги формула:

$$K = \frac{T_{yo}}{Tch}, \text{ коэффициент қўлланилади.}$$

Бунда, T_{yo} - улгуржи-омбор товар айланиши; Tch - чакана товар айланиши.

Бу усулда товарлар кўп поғоналардан ўтиб келади ва кўпроқ ҳаражатларни талаб қиласди.

Технологик жараённи товар келтирилишини ташкил этишда транспорт воситасини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ташиш масофаси, товарни тури ва физикавий-кимёвий хусусиятлари эътиборга олинади. Шу билан бирга транспортга максимал даражада юк ортишни, уларни туриб қолишни қисқартиришни, ортиқча бўш юришларини йўқ қилишни таъминлаш керак. Идиш-жиҳозларни қўллаш ҳам самара беради, меҳнат унумдорлигини ва савдо маданиятини оширади. Товар ҳаракати жараёнида идишларнинг кенг қўлланилиши нафақат оғир қўл жараёнини йўқ қилишни, балки уни жорий этишдан кўп иқтисодий самараларга эришилади.

Масалан, 1т юкни келтириш ва сотилишда идиш-жиҳозлардан фойдаланиш харажатларини 40-45 фоизга камайтиради, автотранспорт унумдорлигини 1,8 марта оширади, автомобилларга ортиш ва тушириш вақтини 5 марта қисқартиради. Бундан ташқари, идиш-жиҳозларини қўллаш савдода 8 та ва транспортда ва таъминловчилар ташкилотларида 13 та технологик операцияларини қисқартиришга олиб келади.

Технологик жараёнини барча погоналарида ортиш-тушуриш ишларини механизациялаш воситалари кенг қўлланилиши керак. Уларни қўллаш транспорт воситалари ва иш кучидан самаралироқ фойдаланишга, товар харакати жараёнини сезиларли даражада тезлаштиришга олиб келади.

Барча технологик занжирини доимий равишда такомиллаштириш ва жадаллаштириш товар харакатининг юқори даражали самарадорлигини таъминлайди. Бунга технологик занжирни бирлиги, унинг юкларга кетма-кет тўхтовсиз ишлов бериш талабларига мос келиши билан эришилади. Бу холатда ҳар бир аввал бажарилган жараён бир вақтни ўзида кейингисига тайёргарлик бўлиб ҳисобланади. Бунда товарларни сотишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар (уларни қадоқланиши, ўралиши, керакли ассортиментни комплектлаш ва ҳоказо) муҳим аҳамиятга эга. Замонавий шароитларда бу жараёнлар хам улгуржи хам чакана савдоларда катта хажмларда амалга оширилади.

Барча юқорида айтиб ўтилган асосий тамойилларга амал қилган ҳолда товар харажатини технологик занжирини ташкил этилиши товар харакати жараёнининг юқори самарадорлигини таъминланшга йўл очиб беради.

Таянч иборалари

Аҳоли ҳолати. Аҳоли талаби. Маҳсулот тармоқлари. Табиий бойликлар. Қайта ишлов берувчи тармоқлар. Хизмат кўрсатувчи тармоқлар. Технология. Товар ҳаракати. Улгуржи савдо. Чакана савдо. Транспортировка этиш. Сақлаш. Рационал ташкил этиш. Технологик занжир. Минимал погоналар сони. Омиллар таъсири. Нотекис таҳсимланиш. Транспорт омиллари. Савдо омиллари. Тара - жиҳозлари.

Назорат ва мuloҳаза саволлари

1. «Замонавий технология асослари» фанини моҳияти нималардан иборат?
2. Товар ассортименти ишлаб чиқариш тармоқлари билан боғлиқ деганда нимани тушунасиз?
3. Технология нималарни ўз ичига олади?
4. Савдо технологик жараёнида товар ҳаракати таъсири қай даражада?
5. Самара ва унумдорлик бир-бирига қандай таъсир кўрсатади?
6. Рационал тамойиллар нималардан иборат?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ

етишидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Тошкент. «Ўзбекистон» Нашриёт-МАТБАА Ижодий уйи, 2005 й.

- 2.Каримов И.А. 2003 йил якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-«Ўзбекистон овози» газетаси, 2004 йил 10 февраль, 16 сони.
- 4.Егоров В.Ф. Организация торговли. Учебник. Москва-Санкт-Петербург: Питер.2004.
5. Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. Учебник. Москва: Издательский дом «Дашков и К», 2000.
- 6.www.dis.ru. Маркетинг. Журнал в России и зарубежом.
7. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и Ко», 2006 г.
8. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъх предприятий.Учебник. М.:«Дашков и Ко»,2006 г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Аванесов Ю.А.,Клочко и другие. «Основы коммерции».М., То «Плюкс-арт», 2000.
2. Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2001.
3. Замковский Д. Я.Оптовая торговля непродовольственными товарами. М. Экономика, 2000.
4. Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.
5. [www.4p.com.ua.\(books\)4.html](http://www.4p.com.ua.(books)4.html)

2-МАВЗУ. УЛГУРЖИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, УЛАРНИ ВАЗИФАЛАРИ, ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ. (4 соат)

Режа:

1-мавзу. (2 соат)

- 2.1. Савдо-технологик жараёнида улгуржи савдонинг роли.
- 2.2. Улгуржи савдонинг замонавий масалалари.

2-мавзу. (2 соат)

- 2.3. Улгуржи ташкилотларни типлари.
- 2.4. Улгуржи ташкилотларнинг турлари ва вазифалари.

2.1. Савдо-технологик жараёнида улгуржи савдони роли.

Улгуржи савдо - бозор иқтисодиёти шароитида товар харакати жараёнини тезлаштириш ва зарур бўлган интенсивлаштиришни таъминловчи асосий звенодир. Улгуржи савдо товарларни тақсимлаш каналлари бўйича харакатни ташкил этиш билан бирга товарларни ишлаб чиқарилишини ва истеъмолини бир-бираига мос холда ишлашига ёрдам беради.

Хозирги шароит улгуржи савдони қайта қурилишини талаб қиласди. Шунинг учун улгуржи савдони ривожлантиришда давлат сиёсатини асосий узоқ муддатли масалаларидан - бу тузилиши бўйича қайта ўзгариши, кичик тадбиркорлик йўналишида улгуржи поғонада ҳизмат кўрсатишидир.

Оҳирги йилларда улгуржи операцияларни ҳажми қисқарди.

Чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлаш ҳам кескин қисқаради.

Шу туфайли, давлат сиёсатини иккинчи босқичи бўлиб улгуржи ташкилотларни ролини қисқарришини тўхтатиш ва улгуржи операцияларини ҳажмини стабиллаштириш бўлиб ҳисобланади.

Оҳирги йилларда мавжуд бўлган улгуржи савдони моддий-техника базаси бир нечта ўн йилликлар давомида вужудга келган. Омбор хўжалиги янгилашни талаб қиласди. Бу холда нафакат уларни янгисини қуриш, балки эскисини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, моддий-техника баъзасини ривожлантиришни талаб этади.

Давлат сиёсатини кейинги масалаларидан бири улгуржи савдода рақобатбардошликтини ривожлантириш ва улгуржи савдо фаолияти бозорида монополияга чек қўйиш, маҳаллий молларни кўпроқ сотиши.

2.2. Улгуржи савдони замонавий масалалари.

Улгуржи савдони олдига қўйиладиган янги масалалар, янги мақсадлар кўзда тутилади:

- товархаракати каналларини ривожланган структурасини тузиш;
- товар оқимини керакли интенсивлашини қўллаш;
- товархаракати жараёнини молиявий таъминлашни қўшимча манбаларини шакллантириш;

- муомала ҳаражатларини камайтиришни таъминлаш.

Хўжалик муносабатларининг бозорга йўналган тизимида улгуржи савдо вазифалари ҳам ўзгариб боради. **Улгуржи савдони улгуржи харидорларга нисбатан вазифалари қўйидагилар:**

- талаб ва таклифни баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ассортиментини савдо ассортиментига айлантириш;
- товар захираларини тўплаш ва сақлаш;
- товарларни етказиб бериш;
- кредитлаш;
- информацион ва консалтинг ҳизматини амалга ошириш.

Улгуржи савдони товар таъминловчиларга нисбатан вазифалари:

- тижорат фаолиятини бир жойга тўпланиши;
- товарга бўлган мулк шаклини ўзгариш жараёнини қуллаб-қувватлаш;
- товарҳаракати жараёнини инвестиция ёрдамида таъминлаш;
- тижорат вазифасини камайтириш;
- маркетинг ҳизмати.

Улгуржи савдони мақсадли ва вазифали муносабатларини қайта йўналтириш нафақат савдода ислоҳатларни чукурлаштиришни, балки бутун истеъмол бозорини стратегик мустаҳкамлигини таъминлаб беради.

2.3. Улгуржи ташкилотларнинг типлари.

Аввал улгуржи савдо давлат ва кооперативга бўлинар эди. Хозир эса ҳар хил мулкчилик шаклида тақдим этилади.

Мамлакатда ўтказилаётган улгуржи савдонинг ривожланиш тузилмавий сиёсати узоқ муддатли мақсад қилиб тузилманинг бозор хилмачиллигини таъминлашни қуяди. Улар улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш билан бирга истеъмол бозорини товар билан тўлдиришига, олиб келади, уларни тўсиқларсиз тақсимлаш қаналлари бўйлаб харакатланишга шароитлар яратиб беради, миллий товар ишлаб чиқарувчиларини кўпайтиради.

Улгуржи савдо ташкилотлари умуммиллий (федерал) ва минтақавий (регион ичидағи)га бўлинади.

Умуммиллий даражасидаги улгуржи ташкилотлар товарларни бутун мамлакат бўйлаб сотади. Улар улгуржи савдонинг ички тармоқ тузилмасини асосий моҳияти бўлиб ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси бўлиб, хорижий товар ишлаб чиқарувчи ва таъминотчиларига ва мамлакатдаги йирик ишлаб чиқарувчиларга ҳизмат қилишга мўлжалланган ва товар харакатини зарур бўлган йўлларини ташкил этиш ҳисобланади.

Умуммиллий улгуржи ташкилотларни асосий ташкилий - хуқуқий шакли бўлиб очиқ типдаги акционер жамиятлари ҳисобланади, уларнинг бошланғич маблағларида давлат ҳам иштирок этиши мумкин.

Бундан ташқари давлат концернлари ҳам бўлади. Товарларнинг улгуржи сотиш жараёнини регионал даражадаги улгуржи ташкилотлар

якунлайди. Улар товарларни бевосита товар ишлаб чиқарувчилардан ва федерал даражасидаги улгуржи ташкилотлардан ҳарид қилиб олишади ва уларни ўз фаолият доирасида улгуржи ҳаридорларга етказади.

Уларнинг ҳизмат кўрсатиш асосий масаласи бўлиб регионал товар бозорларини товар билан таъминлашдир.

Минтақавий (регионал) даражасидаги ҳар хил бирлашмалар хам кенг авж олмоқда. Улар бир бири билан боғланган улгуржи савдо компаниялари ёки ихтиёрий улгуржи-чакана занжирлари сифатида вужудга келиши мумкин.

2.4. Улгуржи ташкилотларнинг турлари ва вазифалари.

Улгуржи ташкилотларнинг турлари қуйидагиларга бўлинади:

- мустақил бўлган улгуржи савдогарлар - улар сотиб олиш-сотиши операцияларини тўлиқ комплексини амалга оширади, бу ҳолатда товар улгуржи поғонани мулкига айланади;
- воситачи улгуржи тузилмалар - уларда товарлар ўз мулкига айланмайди (дистрибьюторлар);
- улгуржи айланма ташкилотлари.

Мустақил улгуржи савдогарларнинг вазифаси товар харакатини ўрта поғонасида йирик товар ишлаб чиқарувчиларни ва чакана савдогарларини бозорга чиқариш шарт-шароитларини ташкил этишдан иборатдир. Уларни кўрсатадиган ҳизмат турлари ҳар хил бўлиши мумкин.

Воситачи улгуржи тузилмаларда ташкилот-брокер, ташкилот-агент (дистрибьютор) сифатида иштирок этади, ўз клиенти номидан ва унинг хисоб рақами орқали фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий фаолияти маълумотлар билан таъминлашдир.

Улгуржи айланма ташкилотчилари - бу товар биржалари, улгуржи ярмаркалар, аукционлар, улгуржи озиқ-овқат бозорлари. Улар - улгуржи инфратузилмасини муҳим элементидир ва уларни асосий вазифаси бўлиб улгуржи савдони ташкил этиш учун шароитлар яратиш ҳисобланади.

Таянч иборалари

Улгуржи савдо. Товар ҳаракати. Узоқ муддатли масалалар. Товар билан таъминлаш. Рақабатбардошликни ривожлантириш. Монополияга чек қўйиш. Товар ҳаракати каналлари. Товар оқими. Муомала ҳаражатлари. Талаб. Таклиф. Умуммиллий ташкилотлар. Минтақавий ташкилотлар. Мустақил улгуржи савдогарлар. Брокер. Ташкилот-агент.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Нима сабабдан улгуржи операциялар ҳажми қисқарди ?
2. Улгуржи ташкилотлар бўйича давлат сиёсати нималарни қўзда тутади?
3. Улгуржи ҳаридорга нисбатан қандай вазифалар қўйилган ?
4. Улгуржи савдо такшилотлари қандай типларга бўлинади ?
5. Улгуржи ташкилотлар қандай турларга бўклиниади ?
6. Мустақил улгуржи ташкилотларнинг вазифасинимадан иборат?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъзуза. – Тошкент. «Ўзбекистон» Нашриёт-МАТБАА Ижодий уйи, 2005 й.
2. Голубков Е.П. Маркетинговӯе исследования: теория.меторология и практика: Учебник.-3-е изд.,Перераб. и доп.-М.:Издательство «Финпресс», 2003,-496 с.
- 3.Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговӯх процессов» М. Экономика 2001.
4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговӯх предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основӯ оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
- 2.Л.П.Дашков, В.К.Памбухчиянц. Организация, технология и проектирование торговӯх предприятий. М. Маркетинг, 2001.
- 3.Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.
- 4.“@RUS”- <http://atrus.ru/>;
- 5.List .RU- <http://www.list.ru/>;
- 6.Russia on the Net- <http://www.ru/>;
7. www.katalog.7st.ru.maket.phtml

3-МАВЗУ. ТОВАР ОМБОРЛАРИ, УЛАРНИ ТУЗИЛИШИ ВА ПЛАНИРОВКАСИ. (4 соат)

Режа:

1-мавзу. (2 соат)

- 3.1. Омборларни мақсади, вазифалари, уларни тавсифи.
- 3.2. Омборларни тузилишига қўйиладиган технологик ва умумтехник талаблар.

2-мавзу. (2 соат)

- 3.3. Омбор хоналарини турлари ва уларни планировкаси.
- 3.4. Омбор майдонларига ва омбор ҳажмига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.

3.1. Омборларни мақсади, вазифалари, уларни тавсифи.

Улгуржи базаларнинг асосий бўлинмаларидан бўлиб омборлар хисобланади. Улар товар захираларини мужассамлантириш ва сақлаш, савдо товар ассортиментини комплектлаш вазифаларини бажаради ва улгуржи савдо ташкилотларини асосий комплекс иншоатларини ташкил этади.

Кўп омборлар қуидаги асосий вазифаларни бажаради:

- таъминловчилардан товарларни олиш ва уларни сифатини назорат қилиш;
- товар захираларини тўплаш, уларни сақлаш шароитларини таъминлаш;
- товарларни саралаш ва сотишга тайёрлаш;
- улгуржи харидорларни буюртмаларини комплектлаш;
- чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлаш.

Улгуржи омборларига келтирилган товарларни сифатини назорат қилиш йўли билан чакана савдо тармоқларига сифатсиз маҳсулотларни кириб келишига тўсқинлик қиласди.

Омборларда товар захираларини сақлашни таъминлаш мақсадида товарларни ҳар хил физикавий - кимиёвий хусусиятларини хисобга олган ҳолда зарур бўлган сақлаш шароитлари яратилади.

Омборларни асосий вазифаларидан бири бўлиб, кўплаб товар таъминловчилардан омборларга тор ассортиментда келтирилган товарларни сортларга ажратиш хисобланади. Улгуржи база омборлари ишлаб чиқариш ассортиментини савдо ассортиментига айлантириш жараёнида чакана савдо ташкилотларини буюртмалари асосида товар келтиришни максимал даражада қондиришга интилишади.

Улгуржи омборлар зиммасига товарларни сотишга тайёрлаш ва чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлаш киради.

Омборлар бажариладиган вазифаларни характеристига кўра сараловчи-тақсимловчи, транзитли-ўтказиб юборувчи, мавсумий сақловчи, олдиндан келтирувчи ва жамғарувчига бўлинади.

Сараловчи-тақсимловчи омборларда одатдаги (текущий) товар захиралирини тўплаш мақсад қилиб қўйилади. Бу омборларда товарлар узок

муддат сақланмаганлиги туфайли уларнинг асосий вазифаларига товарларни сон ва сифат бўйича қабул қилиш, уларни саралаш ва беришга тайёрлаш ва чакана савдо тармоғига жўнатиш киради. Буларга истеъмол районларида жойлашган улгуржи савдо базалари, ҳамда чакана савдо ташкилотларининг омборлари киради. Бу омборларда чакана савдо ташкилотлари учун қулай ассортиментдаги товар оқимлари шакланади ва савдо тармоқларига жўнатилади.

Транзитли - ўтказиб юборувчи омборлар темир-йўл станцияларида, сув бўйлари пристанларида жойлашиб, юкларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиб юбориш мақсадида қабул қиласди. Бу омборлар юкларни қабул қилишни, қисқа муддатли сақлашни ва жўнатишни амалга оширади.

Мавсумий сақлаш омборларига картошка ва сабзавотлар омборхоналари ва мавсумий товарларга ишлов бериш ва сақлаш омборлари киради.

Муддатдан олдин келтирувчи омборларда узоқ вақт мобайнида сақланадиган товарлар жойлаштирилади. Бундай омборлар йилнинг айрим даврларида етказиш қийин бўлган районларда ташкил этилади.

Тўплаб борувчи омборлар саноат корхоналаридан кичик партияда товарларни қабул қилиб, катта партияларда истеъмол қилувчи районларга жўнатишади.

Ассортимент фазилатига қараб омборлар **универсал** ва **ихтисослашган** бўлади.

Универсал омборларда озиқ-овқат ёки ноозиқ-овқат товарларининг кенг ассортименти мужассамланади. Бундан ташқари, бу гурухга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларни асосий гуруҳларини сақлашга мўлжалланган омборларни киритиш мумкин. Бундай омборлар матлубот жамиятларининг омбор тармоғини асосий қисмини ташкил этадилар.

Ихтисослашган омборлар бир товар ёки бир неча бир бирига мос келган товар гуруҳларини сақлашга хизмат қиласди.

Омборлар ўрнатилган сақлаш режимларига кўра **умумтовар** ва **махсусларга** бўлинади.

Умумтовар омборлари савдодаги омборларни асосий тури ҳисобланиб, уларда маҳсус режимни талаб қилмайдиган озиқ-овқат товарлари сақланади.

Махсус омборларга сабзавот сақловчи омборлар, совуткичлар ва бошқалар киради.

Омборларни синфланишини бошқа фазилатларига омборхоналарни баландлилиги ва қаватлилиги, технологик жараёнларини механизациялаш даражаси, ташқи транспорт алоқалари таъсир кўрсатади.

Бу фазилатларига кўра омборлар бир қаватли - баландлиги 6, 12, 16 ва 30 м ва кўп қаватлига бўлинади. Аммо технологик жараённинг рационал ташкил этилишида бир қаватли омборлар афзалроқ деб ҳисобланади.

Омборлардаги технологик жараёнларни комплекс механизациялашган ва автоматлаштирилган даражасига қараб ва бундан ташқари кичик механизация воситалари қўлланиладиган омборларга бўлинади.

Ташқи транспорт алоқаларини ҳисобга олган ҳолда омборлар сув бўйларидағи тўхташ жойлари, темир йўлларига туташган жойларига эга бўлиши мумкин. Шундай жойларга эга бўлмаган омборларни (неприрельсовўй) темир йўлга туташмаган омборлар дейилади.

Омборлар тузилишига қараб очик, ярим ёпиқ ва ёпиқларга бўлинади.

Очиқ омборлар ер майдонлари ва устунларга ўрнатилган майдонлар ёки лентасимон фундаментлар сифатида жойлаштирилади. Бу омборлар қурилиш материаллари, ёқилғи, контейнердаги товарларни сақлаш учун мўлжалланган.

Ярим ёпиқ омборларни фақат тепаси ёпиқ бўлади ва булардан қурилиш материаллари ва бошқа ёмғиргарчиликдан сақлаш ҳолатларида қўлланилади.

Ёпиқ омборлар бир ёки кўп қаватли, иситиладиган ва иситилмайдиган бўлади. Иситиладиган омборларда иситиш жиҳози ва ҳаво айлантирувчи мосламалар бўлади. Уларда маълум намгарчиликни ва керакли температурани талаб этадиган маҳсулотлар сақланади. Иситилмайдиган омборларда 0°C паст бўлган ҳолатда ўз хусусиятини ўзгартирмайдиган товарлар сақланади.

Вақтинча сақловчи омборлар ҳам бўлади. Улар божхона ташкилотлари рухсатномаси билан таъминланган бўлиши шарт. Рухсатномани Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси томонидан берилади.

Вақтинча сақловчи омборлар очик ва ёпиқ турларга бўлинади. Очик турдаги омборлардан хоҳлаган шахс фойдаланиши мумкин, ёпиқ турдаги омборларда эса фақат аниқ шахсларни товарлари сақланади.

Вақтинча сақловчи омборлар мосламаларининг назорати божхона томонидан таъминланиши ва сақланаётган товар ва транспорт воситаларини учинчи шахслар киришидан ҳимоя қилиниши керак. Бу омборларда товарлар ва транспорт воситалари икки ойдан ортиқ сақланиши ман этилади, фақат айrim ҳолатларда Божхона Кодексида кўрсатилганча ўзгариши мумкин.

3.2. Омборларни тузилишига қўйиладиган технологик ва умумтехник талаблар.

Омбор иншоатларини қурилиши асосан темир бетон йигилувчи элементлардан амалга оширилади. Энг қулай ва арzon омбор мосламалари бу бир қаватли омборлар бўлиб ҳисобланади.

Омбор иншоатининг асосий конструктив элементлари: фундамент, деворлар, устунлар, қаватлар орасидаги томлар, поллар, том, рампалар, ойна ва эшиклар. Омбор фундаменти мустаҳкам ва узоқ муддатга чидайдиган материаллардан қурилади. Унинг конструкцияси маълум оғирликни кўтариши керак. Фундаментларни қурилишига темир бетон блоклар қўлланилади.

Омбор деворлари ғиштдан, темир бетон блоклар ва панеллардан бўлади. Улар жуда ҳам чидамли ва зарур бўлган харорат режимини ва ҳаво намлигини ушлаб туришга қодир бўлиши керак.

Омбор иншоатининг асосий элементи бўлиб, кўтариб турувчи устунлар ҳисобланади, улар ғиштдан, темир бетондан ва темирдан бўлиши мумкин.

Кўп қаватли омбор иморатларидан қаватлар орасидаги томлари учун катта оғирликларни кўтариш қобилиятига эга бўлган темир бетон панеллар қўлланилади.

Омбор хоналарини поллари ҳам оғир юкларни кўтарадиган, юқори даражада чидамли бўлиши керак. Полларни ёпиш учун бетон ва асфальтдан фойдаланилади. Омбор иморатларини томлари ҳаво ёғингарчиликларидан ишончли даражада сақлайдиган ўта чидамли материаллардан бўлиши шарт.

Омбор иморатларини конструктив ва ҳажмий планировкали ечимларини тавсиф қилиш учун қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: қадам (шаг), оралиқ (пролёт), ва баландлик.

қадам - кўндаланг қўйилган устунлар, яъни деворлар орасидаги масофа.

Оралиқ - узунасига қўйилган конструкциялар орасидаги масофа.

қават баландлиги - шип билан пол ўртасидаги масофа.

Бир қаватли омбор иморатларида бу кўрсаткичлар қуидагиларни ташкил этади: устунлар қадами - 6 ва 12 м; оралиқ узунлиги - 12, 18 ва 24 м; омбор хоналарини баландлиги - 6 м.дан кам бўлмаслиги керак.

Ортиш - тушириш ишларини амалга ошириш қулай бўлиши учун омбор бўйлаб рампалар қурилади, улар 2,5 дан 6 метргача бўлган платформа сифатида бўлади. Уларнинг баландлиги юклар келтириладиган ва жўнатиладиган транспорт воситалари турларига боғлиқ. Рампаларни тепасига ёғингарчиликлардан юкларни сақлаш учун мосламалар (козўрек) қилинади.

Омбор хоналарини эшиклари ҳар хил размерда бўлади. Уларни эни ва баландлиги юкларни омбор ичидан ждан жойга кўчириш учун қўлланадиган транспорт восита турларига боғлиқ.

Омбор хоналарини табиий ёритиш учун ойналар хизмат қиласиди. Бир қаватли омборларда уларни стеллажлардан баландроқда жойлаштирилади.

Омборларда товарлар билан мураккаб комплекс савдо технологик жараёнлар бажарилади, уларни натижали амалга ошириши учун омборларни тузилиши бир қанча технологик талабларга жавоб бериши керак.

Энг асосий технологик талаблардан бири омбор хоналарини майдони ва ҳажмининг технологик операцияларни характеристига ва ҳажмига мослиги. Омбор майдонларини ҳажмини катта-кичиклигига, омбор хоналарини тузилишига товар заҳиралариини ва товарооборотни тузилиши ва ҳажми таъсир кўрсатади.

Омборларни тузилишига қўйиладиган иккинчи асосий талаб бу омбор иморатларини параметрлари ва шаклларини бажариладиган операцияларни рационал технологик талабларига мослиги. Кўп омборларни турлари учун бу

талабга асосан энг қулайи иморатни түғри бурчак шакли ҳисобланади, чунки бунда келиш йўлларини ва ортиш-тушириш рампаларини рационал жойлаштириш имконини беради ва омбор ичидағи товар оқимларини маълум даражада тўқнашиб қолишдан асрайди.

Йирик омборларни иморатлари П-шаклида жойлашиши мумкин. Бу ҳолатда иморатларни параллел жойлашган қаторлари орасида дебаркадер (платформа) қурилади ва темир йўл шохобча йўллари ётқизилади.

Омбор иморатлари бажариладиган операцияни рационал талабларига жавоб бериши учун бу омбор мос бўлган аниқ эни ва узунликка эга бўлиши керак. Энг оптимал мослиги 1:2; 1:2,5; 1:3; 1:5 ҳисобланади.

Технологик жараёнлар оқимини ташкил этиш шароитларининг тузилиши омбор ичидағи пойдеворларни иложи борича камайтиришни кўзда тутади. Бу талабни ҳисобга олган ҳолда омбор иморатларида асосий пойдеворларининг сони жуда кам бўлиши керак ва зарур бўлганда қўшимча харажатларсиз омборнинг планировкасини қайта ўзгартириш мумкинлигини назарда тутиш керак.

Омборларни тузилиши уларни ишлатиш қоидаларига қўйиладиган техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш, шунингдек ёнфинга қарши хавфсизликни талабларига жавоб бериши керак. Бу талабларнинг бажарилиши учун омборлар вентиляция мосламалари билан таъминланади ва марказлашган иситиш системаси ўтказилади. Сув таъминоти ҳам ичиладиган сувга, ҳам ёнфинга қарши ва бошқа эҳтиёжларга зарур бўлган сувга талабни қондириши керак. Омборларни ёритилиши белгиланган нормаларга мос бўлиши керак.

Омбор майдонларининг планировкасига қўйиладиган маҳсус талаблар чиқиши, келтириш ва ўтиб бориш йўлларини зарур бўлган сонини таъминлаб бериши керак. Омборларни айrim иморатлари ва иншоатлари орасида уларни ёнфинга чидамлилигига қараб зарур бўлган масофани ўрнатиш керак.

Бу талабларни барчаси умумтовар омборларни тузилишига қўйиладиган умумий талаблардир. Маҳсус омборларни тузилиши физикавий-кимёвий хусусиятга эга бўлган товарларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш технологик жараёнини рационал ташкил этишга йўналган бўлиши керак. Масалан, совуткич омборларини қурилишида ҳар хил изоляцион материаллардан фойдаланилади.

Бундай омборлар фақат сунъий ёритишга эга ва зарур бўлган совуткич мосламалар билан таъминланади. Замонавий омбор совуткичларида яхлатилган маҳсулотларни эритиш ва нуқсони бўлган маҳсулотларни сақлаш маҳсус хоналари ажратилади.

Керосин сақловчиларни қурилишида уларни ва бошқа омбор хоналарини ўртасида максимал масофа бўлиши назарда тутилади. Уларни тузилиши ёнфинга қарши қўйиладиган талабларга жавоб бериши шарт. Кartoшка, сабзавот ва меваларни сақлаш учун мосламалар товарларни сақлашни гидротермик режимини таъминлаб бериши керак.

3.3. Омбор хоналарининг турлари ва уларнинг планировкаси.

Умумтовар омборларни барча хоналари қуидаги гурұхларга бўлинади: асосий ишлаб чиқариш мақсадига кўра, ёрдамчи, қўшимча техник ва административ-маиший. **Асосий ишлаб чиқариш мақсадига кўра** бўлинадиган хоналарни сақлаш, товарларни қабул қилиш ва бериш, қабул қилиб олиш, ўраш ва товарларни қадоқлаш хоналари киради.

Ёрдамчи хоналар идишларни, кўп оборотли контейнерларни сақлашга мўлжалланган. Бунга яна идишларни таъмирловчи хоналари киради.

Қўшимча-техник хоналар бу машина бўлимлари, вентиляция камералари, иситиш, хўжалик моллари ва инвентарларни сақлаш, таъмирлаш хоналари ва бошқалар ҳисобланади.

Административ-маиший хоналар административ - контора хизматлари, дам олиш ва овқатланиш жойлари, қизил бурчаклар, гардероб, товар намуналари зали, душ, санитари узеллари учун мўлжалланган бўлади.

Товар намуналари зали бевосита ҳисоблаш маркази ёки маълумотларни механизациялашган усулда ишлов бериш бюроси хоналари билан боғланган бўлиши керак.

Товарларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш технологик операцияларини бажариш учун мос бўлган зоналар ажратилади.

Умумтовар омборларда қуидаги асосий зоналар ажратилади: транспорт воситаларидан товарларни тушириш; товарларни қадоқлаш; харидорларни буюртмаларига асосан товарларни ажратиш ва комплектлаш; автомобиль транспортига ортиш.

Омборларни барча юқорида кўрсатилган зоналари бир-бири билан зарур бўлган ўтиш ва юриш жойлари билан боғлиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларини бўшатиш зоналари товарларни сони ва сифати бўйича қабул қилиш ва у ерда жойлашган товаровед-брәкерларни иш жойлари жойлашган зоналарига туташган бўлиши керак.

Омбор майдонининг асосий қисми товарларни сақлаш зоналарига ажратилади. Улар товар эгаллайдиган майдон ва ўтиш майдонларидан иборат.

Сақлаш зоналарига товарларни қадоқлаш ва упаковка қилиш, улгуржи харидорларни буюртмаларини комплектлаш зоналарига туташган бўлиши керак, ўз йўлида буюртмаларни комплектлаш зоналари товарларни жўнатиш жойлари билан ёнма-ён жойлаштирилиши керак.

Омборлар хоналарини ички планировкасини бундай принципи омбор технологик жараёнининг оқимлилиги ва узлуксизлигини таъминлашга ёрдам беради

Товарлар намуналари залини планировкасига маҳсус талаблар қўйилади. Асосий ишлаб - чиқариш жараёни учун зарур бўлган жихоз ва мебелларни жойлаштириш имкониятига эга бўлишда ва улгуржи харидорларга хизмат кўрсатиш вақтида тижоратчи - товароведлар учун қулайликлар яратишда функционал зоналари ажратилган бўлиши керак. Бундан ташқари барча товарлар намуналарига бемалол ўтиш имконияти яратилиши зарур. Одатла товарлар намуналари залида ишчи зоналар,

экспозиция зоналари ҳамда кутиш ва дам олиш, маълумотлар ва ўтиш зоналари ажратилади.

Ишчи зоналар товаровед-тижоратчиларни иш жойларини жойлаштириш учун хизмат қиласи. Улар идора столлари ва ишчи креслолар, ҳисоблаш техникалари ва шахсий компьютер, қўзғалувчан картотека, харидорлар учун стуллар ва ҳужжатларни сақловчи мебеллар билан жиҳозланади.

Экспозиция зоналари яна алоҳида кичикроқ зоналарга бўлинади, девор олдидаги ва орол шаклидаги товарларни кўрсатиш полкалари, горкалари, консоллари, штангалари билан таъминланади. Кичикроқ зоналар товарларни айrim ассортимент гурухларини намойиш этиш учун ажратилади.

Дам олиш ва кутиш зонаси харидорларни альбомлар, каталоглар ва товарлар рўйхати билан мустақил ишлаш ва товарларни танлаб бўлгандан кейин дам олиш учун мўлжалланади. Бу зона асосий товарларни экспозиция қилувчи ва товаровед - реализаторни иш жойидан ажралгани маъқул.

Дам олиш ва кузатиш зоналарини асосий жиҳози бўлиб, журнал столлари, креслолар ва банкеткалар, гулдонлар ҳисобланади. Худди шу ерда ҳар хил реклама материаллари (варақалар, проспектлар, каталоглар) ва сотиладиган товарлар ҳақида бошқа маълумотлар, норматив-техник ҳужжатлари (стандартлар ва ҳоказолар) бўлиши мумкин. Шундай қилиб кутиш ва дам олиш зоналари маълумот зоналари ёнида мужассамланиши мумкин.

Ўтиш зоналари товар намуналари залида юриш ва улгуржи омборни бошқа хоналарига ўтиш учун хизмат қиласи. Асосий ўтиш жойлари энига 2 м.дан кам бўлмаслиги ва бошқалари 1 м.дан кам бўлмаслиги керак.

Товарлар намуналари залида иш вазифаларини бажарувчи зоналарни ташкил этиш, уларни ажралганилиги мебель ва савдо жиҳозларини танлаш ва жойлаштирилиши кафолат вазифаларни мақсадга мувофиқлигига, балки интеръерни қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатиши керак.

3.4. Омбор майдонларига ва омбор ҳажмига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.

Янги қурилишларни ёки ишлаётган омборларни реконструкция қилиш саволларига ечимларни топишда, омбор майдонларига ва ҳажмига бўлган эҳтиёж аниқланади. У қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$S_n \leq NQ,$$

Бунда S_n - омбор майдони (ҳажми)га бўлган эҳтиёж; N - сифими 1 млн сўм товар захирасига тўғри келадиган нормативи; G - омборда сақланиши мумкин бўлган товар захираси.

Маълум қурилиш ҳажмига бўлган эҳтиёж ҳар хил усуллар билан аниқланиши мумкин.

Омбор майдонини (умумтовар майдонлари учун) товар захираларини шартли икки ўқли вагон сонида ва куб метрда, ҳамда (совутгич ва сабзавот-хўл мевалар омборлари учун) шартли тонналарда белгиланадиган кўрсаткичларида хисобланиши мумкин.

Бу ҳолатда аввал омборда мўлжалланган ҳар бир товар гурухи бўйича максимал товар захиралари қўйидаги формула бўйича аниқланади:

OK

$$\frac{Q_{\max} K}{365 C},$$

Бунда Q_{\max} - товарларни максимал захираси, шартли вагонларда; O - мос товар гурухи бўйича йиллик омбор товар обороти, млн. сўмда; K - товар захираларини шаклланишини нотекислик (неравномерность) коэффициенти, 1,2 - 1,3 га тенг бўлади; C - бир вагон товарнинг ўртача нархи, млн. сўм.

Кейин товарлар сақлаш усулини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир товар гурухини сақлаш майдонлари ҳисобланади. Бунда штабель шаклида таҳланадиган товарларни сақлашда ҳар бир шартли вагонга 25 кв.м. майдон нормаси белгиланган, баландлиги 2,5 м. бўлган стеллажларда сақланадиган ўрамидан очилган товарлар учун эса - 40 кв.м.

Омбор хажми шартли вагонларда ёки тагликларда аниқланади. Шартли таглик 1 қум.м (800 x 1200 x 1050 мм.) тенг. 20 тоннали икки ўқли вагон 42 шартли тагликка тенг, шартли контейнер (фойдали хажми 6 куб.метрли универсал контейнер) олтига шартли тагликни сифдиради. Омбор майдони ва тегишли хажми нормаларига эга бўлгандан сўнг, имбор сифими эҳтиёжини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Товарларни сақлаш учун майдон эҳтиёжини аниқлашнинг иккинчи усули қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқишга асосланган

$$\frac{Q K_1}{S_n K_2 h},$$

бунда S_n - товарларни сақлаш учун майдонга бўлган эҳтиёж, m^2 ; Q - зарур бўлган сақлаш хажми, m^3 ; K_1 - товарларни келтириш нотекислик коэффициенти; K_2 - омбор хоналарини хажмидан фойдаланиш коэффициенти; h - омбор хоналарини баландлиги м..

Мос бўлган товарлар гурухларини зарурий хажми омборлар суммасини 1 куб.м. товарлар нархига бўлиш йўли булган аниқланади.

Товарларни сақлаш учун омбор майдони эҳтиёжини аниқлангандан сўнг, товарларни сақлаш учун мўлжалланган хонани (намерани) умумий майдони аниқланади. Бунда бевосита стеллажлар ёки штабелларда юк майдони жойлашган тангликлардаги товарлар майдони билан бирга тагликлар орасидаги тирқишилар ва юкларни деворлардан, иситиш асбобларидан узоклашганлиги ҳамда асосий қатнов йўллари ва стеллажлар ва штабеллар орасидаги майдонлар ҳисобга олинади. Бунга яна товарларни қабул қилиш, танлаш ва товарларни комплектлаш зонасига ажратилган майдонлар ҳам киритилади.

Экспедиция ва административ-маиший хоналар, қадоқлаш цехлари, товарлар намуналари заллари, тангликларни сақлашга, юк коридорлари ва административ-маиший хоналарни бирлаштирувчи коридорлар майдонлари маҳсус нормативлар асосида аниқланади.

Совуткичнинг юк майдонини аниқлашда куб.метрда, ҳақиқий ва шартли тонналарда белгиланган тез бузулувчан маҳсулотлар захиралари кўрсаткичи хисобга олинади. Уни қўйидаги формулага асосан хисоблаш мумкин:

$$S_{\text{сов.}} = \frac{Q_{\text{зах.}}}{N h}$$

бунда $S_{\text{сов.}}$ - совуткични юк майдони, m^2 ; $Q_{\text{зах.}}$ -тез бузулувчан мос товар гурухи бўйича захиралар, ҳақиқатдаги тонналар; N - шу товар гурухлари бўйича совуткичларни тўлдириш нормалари, t/m^3 ; h - товарларни тахлаш баландлиги, м.

Совуткичнинг сақлаш камералар майдонини аниқлаш учун юк майдонини юк майдонининг коэффициентига бўлинади. Коэффициент эса юк майдонини умумий майдонга нисбати билан аниқланади.

Таянч иборалар

Товар омборлари. Технологик талаб. Товар захиралари. Комплектлаш. Комплекс иншоат. Сақлаш. Товар хусусияти. Сотишга тайёрлаш. Сараловчи - тахсимловчи. Сон. Сифат. Ассортимент. Универсал. Умумтовар. Маҳсус омборлар. Транзит. Мавсумий сақлаш. Ихтисослашган. Очиқ омбор. Темир бетон. Ёпиқ омбор. Қават. Конструктив элементлар. Қадам. Оралиқ. Хоналар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Товар омборларини мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Омборларга қандай талаблар қўйилади?
3. Омбор хоналарини планировкасини тузишда нималарни эътиборга олиш зарур?
4. Омборлар қандай турларга бўлинади?
5. Омбор иморатларини конструктив тузилишида қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?

Асосий адабиётлар:

1. В.Ф.Егоров. Организация торговли.М.-Санкт-Петербург.Питер.2004
2. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.
3. Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъюх процессов» М. Экономика 2001.
4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъюх предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.

Кўшимча адабиётлар:

- 1.Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладога, 2000.
- 2.Замковский Д. Я.Оптовая торговля непродовольственными товарами. М. Экономика, 2000.
3. www.katalog.7st.ru.maket.phtml

4 - МАВЗУ. ОМБОРЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ЖИХОЗЛАРИ (4 соат)

Режа:

1-мавзу(2 соат)

- 4.1. Товарларни сақлаш учун жиҳозлар.
- 4.2. Товарларни ташишда тагликлардан фойдаланиш.

2-мавзу (2соат)

- 4.3.Омборлардаги ортиш-ташиш жиҳозлари.
- 4.4. Транспортировка қилувчи машина ва мосламалар.
- 4.5. Оғирликни ўлчаш ва қадоқлаш жиҳозлари.

4.1. Товарларни сақлаш учун жиҳозлар.

Товарларни сақлаш учун жиҳозлар қуидаги гурухчаларга бўлинади: тарали-донали товарларни *таҳлаш* ва сақлаш учун; устма-уст ортиладиган ва уйма ва сочилиувчан товарларни сақлаш учун; суюқлик товарларни сақлаш учун.

Тарали-донали товарларни таҳлаш ва сақлаш учун стеллажлар ва тагликлар қўлланилади.

Ишлатилиши бўйича стеллажлар универсал ва маҳсусларга бўлинади. Конструктив ҳусусиятларига кўра йиғиладиган ва бўлакларга ажраладиган ва ажралмайдиган стеллажларга бўлинади. Йиғиладиган ва бўлакларга ажратиладиган стеллажлар унификациялашган қисм ва узеллардан йиғилади.

Тараларда ва тагликларда келтирилган озиқ-овқат ва ноозик- овқат бўлмаган товарларни сақлаш учун универсал стеллажлар қўлланилади. Улар полкабоп (полочнёе), катак, яшик, каркас ва гравитация сифатида бўлади. Энг кенг тарқалгани полкабоп стеллажлар, улар бир нечта қатор горизонтал бир-бирига вертикал устунларига маҳкамланган токчалардан иборатdir. Катакли стеллажларда токчалар вертикал пардеворлар (перегородка) билан бўлинган. Уларни кутига ва пачкаларга солинган кичик донали товарларни сақлашда қўллашади, бундан ташқари товарларни сортлари, турлари ва белгиларига қараб жойлаштиришда ҳам қўлланилади. Яшикли стеллажлар майда донали товарларни (радиодетальлар, ёруғликни сезувчи расм материаллари) сақлашга ҳизмат қиласди.

Яшиклар катак бўлиб ҳам ҳизмат қиласди. Каркас стеллажлар вертикал темирли рама ва горизонтал обрешеткалардан иборатdir. Перфорация ёрдамида устунларда обрешеткани ўрнини алмаштириши ва стеллаж катакларини баландлигини ўзгартиш мумкин. Каркас стеллажларини тагликларидағи товарларни механизация воситалари ёрдамида сақлаш учун қўллашади. Гравитацион стеллажларида юк токчалари қия жойлашганлиги учун юк ўзини оғирлиги ёрдамида ўтиб кетаверади.

Махсус стеллажлар муайян товарларни сақлаш учун ҳизмат қиласди. Уларни тираб қўйиладиган, консол (балканинг девордан чиқиб турган ва балкон, карніз сингариларини кўтариб турадиган қисм) ва механик стеллажлар-кийимосгичларга бўлинади. Тираб қўйиладиган стеллажлар

горизонтал рамадан ва унга бириктирилган устунлардан иборат. Консол стеллажларда юк кўтарувчи юзи «онсол сифатида бажарилган. Тираб қўйиладиган (стоечнўе) ва консол стеллажларда узун юклар(трубалар, сортли металлар ва бошқалар) сақлаш учун жойлаштирилади. Механик стеллаж-кийимосгичларга илинган устки кийим-кечак, костюмларни сақлаш учун қўлланилади.

Стеллаж типини танлаш, сақланадиган товарлар ассортиментига, тара ўринларини габаритларига, юклар билан иш олиб борувчи юк кўтарувчи-транспорт жиҳозларига боғлиқдир.

Стеллаж жиҳозларини эҳтиёжини аниқлашда қуидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

Qt

Qст қ -----, бунда

Vст

Qст - стеллажларни сони;

Qt - стеллажларда сақлаш учун мўлжалланган товарлар миқдори, куб.м.;

Vст – стеллаж ҳажми, куб. м.

4.2. Товарларни ташишда тагликлардан фойдаланиш.

5. Товарларни транспортировкалаш, штабелларга жойлаштириш ва юк накетларини шакллантиришда тагликлардан фойдаланилади. Кўллаш жараёнида улар универсал бўлади. Асосан ёғочдан ишлаб чиқарилади. Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.

Конструкциясига кўра текис, тиргакли тираб қўйиладиган ва яшик тагликларга бўлинади. Текис тагликлар товарларни яшикларда, қолларда ва бошқа тараларда пакетлаш учун қўлланилади. Тиргакли тагликлар тўртта тиргакли бўлади, уларни юклари билан кўп қаватли қилиб таҳлаш имкониятига эга бўламиз. Яшик тагликларни деворлари ечиладиган ёки ечиilmайдиган бўлади. Уларга қутичалардаги, ўралган, боғланган товарлар ва осон шикастланадиган юклар жойлаштирилади.

Тагликларни қўллаш омбор ичидағи ва ортиш-тушуриш ишларини тўлиқ механизациялаш, меҳнат харажатларини қисқартириш, омборлар ҳоналарини майдонидан ва ҳажмидан самаралироқ фойдаланиш зарур бўлган шароитларни яратиб беради. Бунда меҳнат унумдорлиги 3-4 марта ошади, транспорт воситаларини туриб қолиши 2-3 марта қисқаради.

Уйилган ва сочиладиган юкларни сақлаш бункер мосламаларида ва омборларда амалга оширилади.

Бункер мосламалар бу уйилган ва сочилган ҳолда юкларни вақтинча сақлаш учун маҳсус жиҳозланган омборлардир.

Улар туғри бурчакли, юмалоқ ва конус шаклида бўлади.

Тепада юк қабул киладиган (загрузочнўй) - пастда юк чиқарадиган қопқоқли туйнук. қандай материаллдан тайёрланганлигига қараб ёғочли,

темирбетон ва темирли бўлади. Уларнинг сифими 20 м. кубдан 100 м. куб бўлиши мумкин.

Үйилган юкларни вертикал пардевор (перегородка) билан ажратиб қўйилган жойлар омборлар (закрома) турига киради. Улар майдароқ бўлинмаларга бўлиниши мумкин. Кўпинча темирбетон ва ёғоч омборлар учрайди.

Суюқ юклар (ўсимлик мойлари, нефть маҳсулотлари ва бошқалар) резервуарларда (бакларда), бочкаларда ва бидонларда сақланади.

Резервуарлар кўпинча пўлатдан тайёрланади. Уларнинг сифими 5,10,25,50,75,100 куб.м. бўлади. Ўлчаш, тозалаш ва ремонт қилиш учун юклар билан таъминланган бўлади, бундан ташқари нефть маҳсулотларини қутиш ва тўкиш, ва ҳаво чиқариш учун мосламалар ҳам таъминланади.

Суюқ юкларни сақлаш ва ташиш учун маҳсус брутто оғирлиги 30,20,10,5 ва 1,25 т. Тенг бўлган контейнерлар қўлланилади. Уларни қўллаш иқтисодий жиҳатдан қулай бўлади, чунки суюқлик юкларни сақлаш ва ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни максимал даражада механизациялаш ва енгаллаштиришга ёрдам беради.

4.3. Омборлардаги ортиш-ташиш жиҳозлари.

Омборларда ортиш ташиш жиҳозларини қўллаш технологик жараёнини оғир ва сермаشاқат ишларни осонлаштиришга, ортиш-тушуриш операцияларини бажарилишини тезлаштириш, транспорт туриб қолиш вақтини қисқартиришга олиб келади. Омбор ишларини механизациялаш, ҳодимларни меҳнат унумдорлигини 3-5 маротаба оширади.

Юк кўтаргич-трансиорт жиҳозлари қутидаги асосий белгиларига кўра синфланади: функционал вазифаларига; ишларни такрорлаш принцинига; ишлов берилаетган юкни турига; электр кучи билан ишлайдиган узатма турларига (вид привода); меҳнатини механизациялаш даражасига.

Оункционал вазифаларига қараб учта гурухга бўлинади: юк кўтаргич машина ва механизмлар; транспортировка қиладиган машина ва мосламалар; ортиш-тушуриш машиналари.

Юк кўтаргич машина ва механизмларига кранлар, юк ташувчи лифтлар, лебёдка ва электр таллари киради.

Кранлар юкларни вертикал ва горизонтал ташилишида ишлатилади. Улар кўприксимон (мостовъе) консолга оид (консоннъе) чорпоя (козловъе) ва автомобиль кран-штабеллерлар.

Кўприксимон кранлар темир йўллар устида юрадиган, омбор деворларини бўртиб чиқсан жойларига ёки маҳсус устунларга ўрнатилган юк кўтаргич машиналардир. Улар оғир вазнли юк ва контейнерларни омбор ичидағи хоналарда, очик майдонларда, усти ёпик жойларда қўлланилади. Омборларда 5-10 тоннали юкни кўтаришга қобилиятли, 8-16 метр баландликка юк кўтарадиган кўприксимон кранлар қўлланилади.

Консолга оид кранлар оғирлиги кўп бўлмаган, кичик габаритли юклар билан ишлашга мўлжалланган ва уларда бир иш жойидан иккинчи иш жойига юкларни олиб бориш кўзда тутилади. Улар деворларга, полларга ёки омбор устунларига бириктирилиши мумкин. Краннининг айланиши 360 градусгачадир.

Электр чорпоя (козловъе) кранларини юк күтариш қобилияти 30 тоннагача, очиқ майдонларда ортиш-тушуриш ишларини амалга оширади. Кран типидаги жойлаш темир йүллар устида юради. Унумдорлиги юкори ҳисобланади.

Автомобиль кранлари автомобиль шосселарига ўрнатылған бўлади. Уларни юк кўтариш қобилияти 3 тоннадан 45 тоннагача ва юкларни 7 метр баландликка кўтаради.

Éðàí-øðàáåëëerplàð ,ièk ñíáíðëàðää íðòèø-ðóøðéø èøëàðëèé ìåðàíèçàöèÿèàø ó÷óí êåðäé. Óëàð éñüíðëèñëíí àà ñòåëëàæèàð ñèôàòèåàáûëèíàäé.

Êüïðèëñèìíí êðàí-øòàååëëерлàð êðàí êûòàðäè÷ëääí, ååðòëèàë êïëííåäàí åà þê кëñкè÷ëääí èäîðàò åúëääí ìåðàíèçìäàí òàøëëë öïñääí. Áó êðàíëàð ïïáîð áëññèëíä кóðèëëø êïïñòðóëëëëëàðëääí кóðèëääí ðàìèð êûëëàðëääí þðàäëëëàð.

Ñòåëìàæëàíâàí êðàí-øòàáåëëèerplàð êûòàðóâ÷è òðàíñïðò ìàøèíàñè áûëèá, ó óñòèà ðíî áéëèá կóðèëäàí àðàâà÷àëàí èáíðàò. Áó ðíïäà ýñà þê կëñçè÷è ýðíàðëëàí þðàäëàí êûòàðóâ iëàòòíðìàñè æíéëàøääí. Ñòåëëàæëàíâàí øòàáåëëèerplàð óëàðíè êíñòðóôëöèýñèäà կàðàá íñëäà ,êè ñòåëëäjklàðäà ûðíàðëëàí temir éûëëàðëëà ùàðàêàð կëëèøëàð ìòíèéí.

Êðàí-øòàáåëëерлàð þêëàðíè áàëàíäëèäè áí÷à áûëäàí øòàáåë ,êè ñòåëëàæëàðää òàùëäø ùàìäà òîñàðéàðíè ñàкëàø æîéëàðëäàí òàíëàøäà òîñàð àññîðòèìåíòèïè êíïéåëöëàø ó÷óí èøëàðëëäè.

Þê ëèòðè - þëëàðíè êûòàðèø âà ðóþóðèø ó÷óí þê êûòàðóþ÷è iññëàìäæð. Þê êûòàðèø kïáèëëýðè 150 êã äáí 5 ò ãâ÷àäæð.

Êää, äêäëäð þêëäðíè âåðòëëäë (êûòàðóâ÷è ëääëäëäëäð) âà òóøóðóâ÷è
ëää, äêäëäð (òîððóâ÷è ëää, äêäëäð) ùàðàëàòè ó÷óí èøëäòëëäëè. Óëäð կüë ,ðääìëäà
âà ýëäëðð ,ðääìëäà èøëäòëëøè ó÷óí èøëäá ÷èkàðëëäëè. Òîððèø êó÷è 1 ò ääí 10 ò
ãà÷à áûëëøè ìõîëëí.

Ýëåêòð òàëëàð қàðlîккà èëèfääí þêëàðíè âåðòèêàë âà ãîðèçíòàë ùïëàòäà ùàðàêàòëàíòéðóà÷è ìåðàíèçìäè. Äîðèçíòàë ùàðàêàòëàíèø ûðíàòèëäàí áèð темир éûë áûéëàá àìàëäà îþðèëèäàë. Ó êïïèàëè ìåðàíèçì îðkàëè áîðkàðèëäàë. Õëàðíè þê êûðàðèø қобилияти 0,5;1;5 ва 10 тоннали бўлади. Юкни кўтариш баландилиги 4 метрдан 30 метргача мўлжалланган.

4.4. Транспортировка қилувчи машина ва мосламалар.

Транспортировка қилувчи машина ва мосламаларга конвейерлар, гравитацион мосламалар, оғир юкларни транспортировка қилувчи полда юрувчи аравачалар ва бошқа жихозлар турлари киради.

Конвейерлар (транспортерлар) - бу тұхтосиз ишлов ва транспортировка қылувчи машиналар. Улар конструктив хусусиятларига күра лентали, пластинкали ва роликли бўлади, сочилувчан ва донали

юкларни горизонтал ва унчалик қия бўлмаган ҳолатда ҳаракатлантириш учун қўлланилади.

Гравитацион мосламаларга гравитацион конвейерлар ва вертикал қияликлар киради.

Юкларни транспортировка қилувчи полда юрувчи аравачалар юкларни горизонтал ва унчалик қия бўлмаган ҳолларда ҳаракатлантириш учун қўлланилади. Улар электр ва кул ёрдамида ишлатиладиган бўлади. Электр аравачаларни юкларни 1 километрга бўлган масофага ташиш учун қўлланилади. Уларни юк кўтариш қобилияти 500, 750, 1000 ва 2000 кг бўлади. Кул ёрдамида ишлайдиган аравачаларни уч-турт гилдиракли, юк кўтариш қобилияти 0,25 тоннадан 1тоннагача ишлаб чиқарилади. Юк ташувчи полда юрадиган аравачалар донали юкларни ташишда ишлатилади.

Электрортгичлар прицепли аравачалар ва тара-жихозларни гилдиракларда горизонтал ҳолатда ташиш учун қўлланади. Ташиладиган юклар оғирлиги 1500 килограммгacha бўлиши мумкин.

Ортиш-тушуриш машиналари - вилали юклагич ва штабеллерлар ортиш-тушуриш ишларини, омбор ичидаги ҳаракатларини ва юкларни омборда жойлаштиришни бажариши учун мўлжалланган.

Электр юклагичлар - рельссиз полда юрадиган электрлашган транспорт машиналари. Улар аккумуляторли батареяларда ишлайдиган электродвигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Асосий ишлаш органи бўлиб юкни тагидан кўтарувчи уни юқорига кўтарувчи, транспортировка қилувчи ва жойлаштирувчи вилалар ҳисобланади. Юк кўтариш қобилияти 0,5 тоннадан 5 тоннагача, юкни 2,0 метрдан 5,6 метргача баландликка кўтаради. Улар ёрдамида тара ва донали юклар горизонтал ҳолатда ташилади ва штабеллар ва стеллажларга жойланади. Улар юқори даражада чақкан ҳаракатли бўлади. Темир йул вагонларини, бортли автомобиллар ва автоприцепларни ортиш ва тушуришда қўлланилади.

Автоюклагичлар ички ёқилғи двигатели ёрдамида ишлайди, шу туфайли очик майдонларда ортиш-тушуриш ишларини бажаришда қўлланилади.

Юк кўтариш қобилияти 3,2 тоннадан 10 тоннагача, юкни 8,2 метргача баландликка кўтаради. (6-расм).

Электрштабеллерлар полда юрадиган рельссиз транспорт машиналарига киради. Поллари қаттиқ ва текис бўлган ёпиқ биноларда омбор ишларини бажариш учун ҳизмат қиласи. Улар ёрдамида баландлиги 4,5 метргача бўлган стеллаж ва штабелларга тарали-донали юклар жойлаштирилади. Юк кўтариш қобилияти 0,8; 1; 1,25; 1,6 ва 2 тонна бўлади.

Омборларни кўтариш транспорт жихозлари билан таъминлашда омборларни тузилиши қайта ишлов берилиши лозим бўлган юкларни ассортименти ва габаритлари, ортиш-тушуриш ва омбор ишлари ҳажми, механизмлар унумдорлиги, омборларни иш режалари эътиборга олинади.

Кўтарув транспорт машиналарига эҳтиёж қуйидаги формулага асосан аникланади:

$$V_{ro} * K_i$$

Qмаш қ -----;
Рмаш * Тр * Ссм * Нн

Áóíäà: Qмаш - эҳтиёжга эга бўлган машиналар сони,
бирлиги;

Vro - ёёёёё юк айланиш ўаæè, ò;

Kí - юк айланиш íðåéèñéё ёйýôðøðøáíòè;

Рмаш - машиналарни 1 соат ичида ишлатиш унумдорлиги,
т;

Тр - сменада машиналарни ишлаш соатлар сони;

Ссм - суткада машиналарни ишлаш сменалар сони;

Нн - бир йилда машиналарни иш кунлари сони.

Машиналарни ишлаш унумдорлигини аниклашда қўйидаги формулани
қўллаш мумкин:

Рмаш қ Рт * K1 * K2, бунда

Рмаш - машиналарни 1 соатда ишлатиш унумдорлиги, т;

Рт - машинани техник унумдорлиги, т.

K1 - машинани ишга тушириш бўйича қўллаш коэффициенти.

K2 - машинани вақт бўйича қўллаш коэффициенти

Бу вазиятда K1 ишнинг бир циклдаги ташилаётган юкни ўртача
оғирлигини машинани номинал юк кўтариш қувватига бўлинади.

Вақт бўйича машиналарни қўллаш коэффициенти K2 машинани
ҳақиқатда ишлаган вақтини иш сменани норматив вақтига бўлиш билан
аниқланади.

4.5. Оғирликни ўлчаш ва қадоқлаш жиҳозлари.

Конструкциясига кўра омборларда ишлатиладиган тарозилар тошли,
шканали - тошли, циферблатли, ярим автоматлашган ва автоматлашганга
бўлинади. Бундан ташқари тарозилар қўйидаги турларга бўлинади: вагонли,
автомобиль, кранли, платформали, столни устига жойлаштириладиган
(оддий, циферблатли, электрон).

Омборларни жиҳозлашда кўпинча ҳарактерланувчи платформали ва
стационар тарозилар қўлланилади. Уларни оғир ва катта ҳажмдаги юкларни
ўлчаш учун қўлланилади.

Оғирлиги 50 килограммдан 3 тоннагача бўлган юкларни ўлчаш учун
товар тарозилари қўлланилади, улар полга ўрнатилган ҳаракатланувчи
бўлади.

Тарозилар қўйидаги чегаравий ўлчашларига қараб бўлинади:

- шканали-тошли - 500 кг, 1, 2 ва 3 т;

- шканали 50, 100, 200, 500 кг, 1, 2 ва 3 т;

- циферблатли - 60, 100, 150, 300, 600 кг, 1,2 ва 3 т.

Барча товар тарозиларида энг кам оғирлик ўлчаш миқдорининг **1/20**
қисмини ташкил этади.

Ишлатишида энг күлай бўлиб шкалали ва циферблатли тарозилар хисобланади.

Катта ҳажмдаги юкларни ўлчаш учун платформали стационар тарозилар мўлжалланган.

Юкларни автомашиналар билан ўлчаш учун ўлчаш оғирлиги энг кўп миқдорли 10, 15, 30, 60, 100 ва 150 тоннага тенг бўлган автомобиль тарозиларида ўлчанади.

Улгуржи бозорларда тарозиларни вагонлар билан ўлчаш учун вагон тарозилари қўлланилдади. Уларни ўлчаш миқдори 7,5 - 100 ва 10 - 200 тонна бўлади.

Улгуржи бозорларда қадоқлаш жиҳозлари қўлланилдади. Ишлатилиши бўйича улар боққоллик товарларини қадоқлаш ва ўраш (автоматлашган дозатор, механизациялашган тўхтовсиз линияси) жиҳозларига ва картошка, сабзавот ва хўл меваларни қадоқлаш ва ўраш учун жиҳозларга бўлинади.

Қоғоз пакетларга шакарни ва қрупаларни 0,5 ва 1 кг дан қадоқлаш учун автоматлашган тарозилар қўлланилдади. Уларнинг унумдорлиги 1 кг дан қадоқланганда соатига 1500 пакетга тенг бўлади.

Уларни марказлашган қадоқлаш цехларида қўллашади. Полга стационар ҳолатда ўрнатилади. Давлат стандарти органлари томонидан текширилди ва тамғаланади.

Таянч иборалари.

Тара. Стеллажлар. Тагликлар. Катаклар. Токчалар. Пардеворлар. Уйма товарлар. Суюқлик товарлари. Вертикал устунлар. Пардеворлар. Яшикли стеллажлар. Гравитацион стеллажлар. Махсус стеллажлар. Бункер мосламалари. Кран-штабеллер. Юк лифти. Электр талллар. Ортиш - тушуриш машиналари. Юк ушлагич. Электр штабеллерлар. Омбор тузилиши. Механизм унумдорлиги. Эҳтиёж. Стационар тарозлар. Шкалали- тошли тарозлар. Платформали тарозлар. Механизациялашган линия. Оқим линиялари. Қадоқлаш.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Товарларни омборларда сақлашда қандай жиҳозлардан фойдаланилдади?
2. Стеллажлар қандай турларга бўлинади?
3. Юк кўтаргич - транспорт жиҳозлари қандай турларга бўлинади?
4. Транспортировка қилувчи машина ва мосламаларга қандай жиҳозлар киради?
5. Электр ёрдамида ишлайдиган қандай жиҳозларни биласиз?
6. Кўтарув-транспорт машиналарига эҳтиёж қандай аниқланади?

Асосий адабиётлар:

1. Голубков Е.П. Маркетинговъе исследования: теория.меторология и практика: Учебник.-3-е изд.,Перераб. и доп.-М.:Издательство «Финпресс», 2003,-496 с
- 2.Егоров В.Ф. Организация торговли», М.-Санкт-Петербург. Питер. 2004.
- 3.Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъх процессов» М. Экономика 2001.
4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъх предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Аванесов Ю.А.,Клочко и другие. «Основъ коммерции».М., То «Плюкс-арт», 2000.
- 2.Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основъ оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
- 3.ДашковЛ.П.,Памбухчиянц В.К. М. Маркетинг, 2001.
4. www.katalog.7st.ru.maket.phtml

5-МАВЗУ. САВДО ОМБОРЛАРИДА УМУМИЙ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР (4 соат)

режа

1-мавзу (2 соат)

- 5.1. Омбор технологик жараёни ва уни ташкил этиш принциплари.
- 5.2. Омборларга товарларни келтириш ва қабул қилиш технологияси.

2-мавзу (2 соат)

5.3. Товарларни жойлаштириш, таҳлаш ва сақлаш технологияси.

5.4. Омборлардан товарларни бериш технологияси.

5.1. Омбор технологик жараёни ва уни ташкил этиш принциплари.

Омборларда товарларни келтириш, сақлаш ва бериш бўйича ҳар хил бирин-кетин бажариладиган операциялар мажмуи амалга оширилади. Бу операцияларни биргаликда **омбор технологик жараёни** деб аталади.

Омбор технологик жараёнинг мазмуни ва ҳажми омбор турига, у ерда сақланадиган товарларни физик-химёвий хусусиятларига, юк ҳажмига ва бошқа факторларга боғлиқ.

Товарлар омборларга ҳар хил транспорт воситаларида келтирилади. Товарларни келтирилиши билан боғлиқ бўлган операцияларга уни транспорт воситасидан тушириш, қабул қилиш жойига товарни етказиш, очиш ва сон ва сифат бўйича қабул қилиш киради.

Қабул қилинган товарларни сақлаш жойларига етказиш ва пештахталарга жойлаштириш керак.

Омбор технологик жараёнини самарали ташкил этиш асосида қўйидаги муҳим тамойиллар амалга оширилиши керак: режали ва ритм асосида, товар оқимларини самарали ташкил этиш, омбор операцияларини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат воситаларини самарали қўллаш, товар хусусиятларини тўлиқ сақлаш.

Омбор технологик жараёнининг рационал ташкил этиш шартларидан ходимлар ўртасидаги вазифаларни тўғри тақсимлаш ҳисобланади.

Омбор технологик жараёни аниқ режалаштирилган бўлиши керак. Бу мақсадлар учун календар режалар ва товарларни келтириш ва бериш графиклари тузилиши керак.

Щар хил операцияларни маълум teng бўлган вақт ичida барча технологик жараён циклини ритмик равишда қайтарилишини белгилаб берилади.

5.2. Омборларга товарларни келтириш ва қабул қилиш технологияси.

Омборнинг нормал ишлиши учун товарларни келтириш ва қабул қилиб олишни тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Товарлар товар етказиб берувчининг омборида, юк оловчи омборида ва темир йўл станцияси ёки сув пристанида қабул қилиниб олинади.

Темир йўл ёки сув транспорти воситасида етказиб бериладиган товарлар вагон (барча) очиладиган ва тушириладиган жойларда жойлар сони ва брутто оғирлиги бўйича қабул қилинади. Идишларга жойланмаган товарлар нетто оғирлиги (соф оғирлиги) ва товар идишчалари миқдорига кўра олинади. Вагон ёки барча очиладиган ва тушириладиган жойларда товарлар сифати, ташқи кўринишини кўздан кечириш йўли билан тахминий текширилади.

Товарларни қабул қилишда бутун тараларда келтирилган товарлар очиб кўрилмайди ва тара ичидаги товарлар миқдори ва сифати текширилмайди. Товар миқдори ва сифати одатда энг охирги харидор омборида, яъни магазинда текшириб кўрилади.

Аммо баъзи ҳолларда идишларга жойланган товарларнинг миқдори ва сифати омборда ҳам текширилади. Бундай текшириш шартномада кўрсатилган бўлса амалга оширилади.

Юк, вагон ёки контейнерда олинганида, харидор аввало вагон ёки контейнерларнинг бутунлигини, пломбаларнинг бор йўқлиги ва бутунлигини текшириб чиқиши зарур. Пломбаларнинг бутлиги текширилаётганда тамғаларнинг аниқлигига эътибор берилади.

Агар пломбалар шикастланмаган бўлса, юк камайиш аломатлари бўлмаса, бундай ҳолларда юк оловчи қоидаларга мувофиқ юк оғирлигини текшириб кўрилишини талаб қилиши мумкин. Юк оғирлиги текширилмай берилса, юк оловчи бунинг исботи тариқасида транспорт накладнойининг тескари томонига станциянинг маҳсус белги (штемпел) босилишини талаб қилиши лозим.

Юкларни белгиланган станция (пристань ёки порт) омборидан олишда юк оловчи идишларнинг бутунлигини, улардаги маркаларнинг бор йўқлигини, юкнома, оғирлиги ва товар ўринлари сонининг транспорт ҳужжатида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ келишини текшириб чиқиши шарт.

Агар юк пломбалари бузилган ёки транспорт ҳужжатига мувофиқ келмайдиган пломбалари (оралиқ станцияда қўйилган) бўлган шикастланган вагон ёки контейнерда етиб келган бўлса, бундай ҳолларда юк оловчи транспорт органларидан юк оғирлигининг, товар ўринлари сонининг, идишнинг бутунлигини ва товар ўринлари ҳамда товарларнинг счёт-фактура бўйича текширилишини талаб қилиш керак. Товарларнинг камлиги ёки бузилганлигини аниқланганда юк оловчи станциядан ёки портдан савдо (коммерция) актини тузишни талаб қилиш лозим. акт тузишдан бош тортилса юк оловчи транспорт органларидан норозилик билдириб, юқори транспорт органларига шикоят қилиши ва товарларни Давлат арбитражи тасдиқланган амалдаги инструкцияга мувофиқ қабул қилиб олиши шарт. Агар юк сифати вагон бузуқлиги асосида ўзгарган бўлса, коммерция актига қўшимча **техник акт** ҳам тузилади.

Станциянинг товар идораси юкларни беришдан олдин юк олувчи билан узил-кесил ҳисоб-китоб қиласи. Юкларни сақлаш, оғирлигини текшириш ҳалқлари, юк келганлиги ҳақида ҳабар бериш ҳақи, вагонларнинг бекор турганлиги учун жарима тўлаш ва хоказо ана шу ҳисобга киритилади. Щисоб-китоб нақт пул эмас, балки чеклар билан амалга оширилади. Экспедиторга шу мақсад учун лимитланган чек дафтарчasi берилади.

Агар омборга товарларни қабул қилиш пайтида сифатсиз товарлар аниқланса, юк олувчи жавобгарликни ўз бўйнига олиб, бу товарларни сақлаш учун қабул қиласи ва ҳақ тўлашдан воз кечади ҳамда бу ҳақда товар етказиб берувчига хабар беради.

Товар етказиб берувчи хабар олган пайтдан бошлаб қабул қилинмаган товарларни 10 кун ичида, тез бузиладиган товарларни эса 24 соатдан кечиктирмай фойдаланиш тўғрисида кўрсатма бериши шарт. Белгиланган муддатда жавоб келмаса, юк олувчи товарни товар етказиб берувчига қайтариб юбориши мумкин.

Моддий жавобгар шахслар товарларни омборда миқдорига қараб қабул қилиб олишга жавоб беради. Товарларни сифатига қараб товаршунослар ва товаршунос - бракчилар қабул қилиб олади.

Товарни қабул қилиш жараёнида товар ортиғи билан чиқса актда бу ҳақида кўрсатилиши керак.

Товарни сони бўйича қабул қилиш акти барча иштирок этган шахслар томонидан кўл қўйилиши керак ва қабул қилувчи ташкилотни раҳбари томонидан тузилган кунни эртаси кунидан кечиктирилмасдан тасдиqlаниши зарур.

Товарларни камомати ёки ортиқчалиги тўғрисидаги актга товар билан бирга жўнатилган хужжатлар, ўрам ёрликлари, этикетка ва тара ўринларини пломбаси ва барча бошқа камоматни тасдиқловчи хужжатлар актга қўшилиши керак.

Товарларни сифат бўйича қабул қилиш муддатлари таъминлаш шартномаларида кўрсатилган бўлиши мумкин. Бошқа вазиятларда товарларни сифати ва бутлиги бўйича қабул қилиш қўйидаги муддатлари белгиланади:

- бошқа шаҳар таъминотида - 20 кундан кечикмасдан. тез бузулувчан маҳсулотлар бўйича - товар омборга келганидан кейин 24 соатда - битта шаҳар таъминотида - 10 кундан кечикмасдан, тез бузулувчан маҳсулотлар бўйича - товарлар омборга келтирилгандан кейин 24 соат ичида.

Қабул қилишда товарларни сифатсизлиги аниқланса акт тузилади ва таъминотчини вакили чақириллади 24 соат ичида бу тўғрисида огохлантириш юборилади (телеграф ёки телефон орқали), тез бузулувчан маҳсулотлар бўйича шу захотиёқ огохлантириллади. Уч кун ичида бошқа шаҳар таъминотчисини иштирокчиси етиб келиши керак. Бир шаҳар ичида бўлса, эртаси кундан кечикмасдан етиб келиши шарт. Товарларни узил-кесил қабул қилиб олиш акти белгиланган станцияга улар келиб тушган кундан бошлаб уч кундан кечиктирилмай тузилиши лозим. Товарларни қабул қилиб олишда ва акт тузишда базанинг камида учта ходими иштирок этиши лозим.

Товарларнинг камлиги ёки сортларга қайта ажратилганлиги маълум бўлса, товар қабул қилиш тўхтатилади, бу операцияни давом эттириш учун савдо палатаси, Давлат экспертизаси ёки Савдо министрлиги маҳаллий органларининг вакили, агар шартномада кўзда тутилган бўлса, товар етказиб берувчининг вакили чақирилади. Актлар уч нусхада тузилади: уларнинг бирида товарларнинг нархи ва суммаси кўрсатилмай фақат товар бирликлари миқдори кўрсатилади.

5.3. Товарларни жойлаштириш, таҳлаш ва сақлаш технологияси.

Товарлар омборда сақланаётганда уларнинг дастлабки сифати ва миқдори тўлиқ сақланиши лозим. Бунинг учун қуидагилар зарур: ҳар бир бир товар учун энг қулай сақлаш режимини яратиш; товарлар сақланаётганида уларнинг муттасил қузатиб бориш ва товарларга қараб туриш; товарни сақлашга оқилона жойлаштириш; моддий жавобгарлик тизимини тўғри ташкил қилиш ва шундай иш шароити яратиш керакки, бунда уларнинг ўтируланишига йўл қўйилмаслиги керак.

Товарларнинг омборда сақланиши уларнинг магазинларда сақланишидан фарқ қилиб, ўзига хос бир қанча хусусиятларига эга. Товарлар омборда узоқ вақт ва анча катта партиялар билан сақланади. Товарларнинг ҳар бир тури учун уларнинг физик-химёвий хусусиятларига боғлиқ ҳолда омборларда товар сақлашнинг анча қулай шароитлари яратилади.

Товар сақлаш учун қулай режим яратиш - омбор биносини танлашдан бошланади.

Товарларни сақлаш учун иситиладиган, совук ўтмайдиган ва совук ўтадиган омбор биноларидан, совутадиган бўлимлардан, шийпонлар ҳамда очиқ майдонлардан фойдаланилади. Иситиладиган омборларда физик-химёвий хусусиятлари доимий иссиқ ҳарорат ва муайян намлик бўлишини талаб қиласиган товарлар сақланади. Бундай товарларга газмол, тикувчилик буюмлари, бош кийимлар, пойафзал, атторлик ва парфюмерия товарлари, фото ва радио товарлар, мусиқа асблолари, ўйинчоқлар ва бошқа саноат товарлари киради. Совук ҳароратда ўз сифатини йўқотмайдиган, аммо ҳароратнинг ва ҳаво намлигининг кескин ўзгаришини ҳимоя қилишини талаб қиласиган товарлар совук ўтмайдиган биноларда сақланади. Бу товарларга идиш-товоқлар, **метиз-хўжалик буюмлари**, велосипед ва мотоцикллар, хўжалик совунлари, тамаки маҳсулотлари, ун, дон, крупа, ем бўладиган донлар ва ҳоказолар киради.

Совук ўтадиган омборларда ҳарорат ва ҳаво намлигининг ўзгаришларига бардош бера оладиган, бироқ ёмғир-сочиндан ҳамда қуёш нури таъсиридан тез бузиладиган товарлар сақланади. Бунга цемент, алебастр, қофоз, туз, мих, электр ўтказгичлари ва электр шнурлар, кароватлар ва бошқалар киради.

Фақат ёғин-сочиндан сақлашни талаб қиласиган товарлар шийпонларга қўйилади. Бундай товарлар жумласига томга ёпиладиган ва сортли

тунукалар, ёғочдан ишланган товарлар, фанер, стандарт утлер, толь, рубероид, бўр ва бошқалар.

Очиқ майдонларга ўзининг сифатини очиқ ҳавода анча узоқ сақлай оладиган товарларгина қўйилади. Буларга ёқилғи, ёғоч, ёғоч-тахта, ғишт, чўян ва асбоцемент қувирлари киради.

Совутадиган бўлимларда физик-химёвий хусусиятига кўра сақлаш пайтида паст ёки совуқ хароратни талаб қиласиган озиқ-овқат товарлари сақланади. Бу товарларга гўшт, колбаса маҳсулотлари, ёғ, мол ёғи. сут маҳсулотлари. тухум, балиқ маҳсулотлари ва янги балиқ ва бошқа тез бузиладиган маҳсулотлар киради.

Айрим товарлар учун энг қулай харорат ва ҳаво намлиги турличадир. Саноат товарлари учун қишида харорат 15-18 ва ҳавонинг нисбий намлиги 60-70%, озиқ-овқат товарлари (тез бузиладиган товарлар бундан мустасно) учун харорат 6-10 ва ҳаво намлиги 70-75% бўлади.

5.4. Омборлардан товарларни бериш технологияси.

Кўпчилик савдо омборларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар товарларни бевосита чакана савдо корхоналарига юборадилар. Омборларнинг товар етказиб беришнинг энг илғор усули - бу омбор транспорти ёки омборга хизмат қўрсатаётган транспорт ташкилотининг транспорти воситасида товарларни магазинларга марказлашган тартибда етказиб беришdir.

Омборнинг товар беришга оид ишлари буюртмалар олиш, мавжуд товар ассортименти билан харидорларни таништириш, товарларни магазинларга беришга тайёрлаш ва бу товарларни чакана савдо шохобчасига етказиб бериш ишлари билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Омборларнинг бир текис ишлаши, транспортдан тўхтовсиз равишда таъминлаб туриш мақсадида омборда буюртмалар олиш, товарларни бериш ва уларни магазинларга етказиб бериш жадваллари тасдиқланади.

Товарлар ёзилган счёт- фактура асосида беришга тайёрланади. Товарларни беришга тайёрлаш қуйидаги операцияларни ўз ичига олади: товарларни сақланаётган жойларидан танлаб олиш ва ўраладиган жойга ташиб келтириш; магазинларга элтиб бериш учун экспедицияга топшириш.

Таянч иборалари

Товарларни келтириш. Омбор технологик жараёни.Юк ҳажми. Транспорт воситалари. Сифат. Товарни сони. Товарни сақлаш. Рационал ташкил этиш. Режа. Ритм. Товар оқими. Механизациялаш. Товар хусусияти. Графиклар тузиш. Брутто оғирлиги. Шартнома. Пломбалар бутлиги. Транспорт накладнойи.Вагон. Контейнер.Счёт-фактура. Акт. Моддий жавобгар. Камомат. Товар хусусиятлари ,Харорат. Марказлашган усул. Буюртмалар олиш.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Омбор технологик жараёнини қандай ташкил этиш тамойиллари мавжуд?
2. Омбор технологик жараёнини рационал ташкил этилиши қандай амалга оширилади?
3. Товар қандай белгиларига қараб қабул қилинади?
4. Товарларни қабул қилишда қандай ҳужжат асос бўлиб ҳисобланади?
5. Товарларни сақлашда қандай шарт-шароитлар яратилиши керак?

Асосий адабиётлар:

1. Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. М. Дашков и К. 2000
2. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.
3. Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъх процессов» М. Экономика 2001.
4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъх предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
6. Rambler-<http://www.rambler.ru/>;
7. Яndex- <http://yandex.ru/>;

Қўшимча адабиётлар:

1. Аванесов Ю.А., Ключко и другие. «Основы коммерции». М., ТО «Плюкс-арт», 2000.
2. Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
3. Замковский Д. Я. Оптовая торговля непродовольственным товарами. М. Экономика, 2000.
4. Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.
5. “@RUS”- <http://atrus.ru/>;
6. List .RU- <http://www.list.ru/>;
7. Russia on the Net- <http://www.ru/>;

6-МАВЗУ. САВДОДА ТАРА ВА ТАРА ОПЕРАЦИЯЛАРИ (2 соат)

- 6.1. Савдо технологик жараёнида ўрамни ва тараларни роли.
- 6.2. Тараларга қўйиладиган талаблар.
- 6.3. Тараларни асосий турлари тавсифи ва таснифи.

6.1. Савдо технологик жараёнида ўрамни ва тараларни роли.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг оғишмай ривожланиб бориши натижасида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Халқ истеъмоли товарларининг ишлаб чиқариш жараёни уларни корхона цехида тайёрлаш билан тугамайди. Товарни истеъмолчига етказиб берилгандагина уни тайёр деб ҳисоблаш мумкин.

Кўплаб турдаги хом ашё, материал, ярим фабрикат ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш доирасидан истеъмол доирасига ўtkазилаётганда ўзининг физикавий-кимёвий хусусиятларига қараб турли хилдаги харажатларни талаб этади ва давлат бюджетида муҳим ўрин тутади. Кўплаб турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва материалларини, айниқса. суюқлик, химикат, газ ва бошқа материалларни тарасиз сақлаш ва ташиш мумкин эмас. Бу ерда тара маҳсулотлари бир жойдан иккинчи жойга ташиш ва сақлашни таъминловчи зарур восита ҳисобланади.

Тара маҳсулот сифатини, асл хусусиятини сақлашни, намлик, ёргулик ва ҳароратнинг зарарли таъсиридан асрashни таъминлайди.

Бинобарин, тара юқори сифатли маҳсулот учун курашнинг муҳим воситаларидан бири ҳамдир.

Тара, шунингдек, маҳсулот миқдорини сақлашни, уни сочилиб ёки оқиб кетишдан ҳамда ташиш ва сақлаш пайтидаги бошқа нобутгарчиликдан асрайди. Тара бундай ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулотни тежаш ва сақлаш омили бўлиб хизмат қиласи.

Товарларни пухта ўраш-жойлаш, уларнинг сифатини сақлаш, бинобарин, товарларни йўлда нобуд бўлиши билан боғлиқ рекламацияларни камайтириш, ўраш-жойлаш қийматини ташишдаги транспорт ва харажатларни камайтириш имконини беради.

Товарларни жойлашда сақлаш, ташиш учун транспортбоп ҳолатга келтириш, ихчамлаш ва кичрайтириш ҳамда кимёвий, физикавий, механик ва бошқа ўзгаришлардан асрash учун тара ўраш-жойлаш воситаси ҳисобланади.

Товарларни ташиш жараени ташиладиган маҳсулот ва материалларни кўпинча тарага жойлаш йўли билангина амалга оширилиши мумкин. Бунда тара маҳсулотларини транспортбоп этиш, ташишга тайёрлашда ёрдамчи восита ҳисобланади. Таранинг бундай иштирокисиз маҳсулотни ташиш мумкин бўлмас эди. Тара транспорт операцияларини соддалаштиришда ва енгиллаштиришда уларнинг ишлаб-чиқариш техник даражасини оширади.

Тара меҳнат воситаларининг алоҳида тури сифатида хом ашё материал, ярим маҳсулот ва тайёр маҳсулот миқдори ва сифатини асраган ҳолда товарларни ишлаб чиқаришда истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида ҳисоб-китоб ва ортиш-тушириш ишларини енгиллаштиради. Савдо шароитида тара савдо-технологик жараенларини такомиллаштириш омили бўлади.

Тара ишлаб чиқаришнинг ривожланиши савдода ўзига-ўзи хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Савдода фан-техника тараққиёти самарали савдо технологиясига ўтиш учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқдир.

Замонавий технологик товарлар ва савдо фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчилар сари ҳаракати кенг механизациялаш, автоматлаштириш, шунингдек, электрон-ҳисоблаш техникиси кўмагида жараёнларни режалаштириш ва бошқариш имкониятини беради. Технологик қонуниятларига амал қилиш товарларни чакана савдо тармоқларида сотишнинг технологик жараенларини бундай шарт-шароитларига товарнинг келиб тушиши, уни сақлаш, сотишга тайёрлаш, таклиф қилиш ва истеъмолчиларга жўнатиш кабилар киради. Чакана савдо тармоқларида технологик жараёнларнинг давомийлиги товарнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчи сари ялпи ҳаракати анча таъсир кўрсатади. Айрим технологик хили ва миқдори етказиб бериладиган товарларнинг истеъмол қилиш учун қанчалик тайёр эканлигига боғлиқ бўлади. Бунда янги турдаги тараплар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Турли хил тагликлардан фойдаланиш савдонинг илгор шаклларини жорий қилишда энг истиқболли йўлларидан биридир. Товарлар саноат корхоналарида пакетларга, яшиклик тагликларга, контейнерларга тахланади, улгуржи ва чакана савдо корхоналарига шу тара келиб тушади ҳамда шу ҳолда харидорга реализация қилинади. Бундай транспорт тараси магазиндаги жихозлар ўрнини босади. Бунинг учун магазин хийла катта бўлиб, товар қабул қиласидиган эстакада ёки платформаси, санчиқли авто юклагичлари бўлиши керак. Бундан ташқари магазиннинг поллари ва қаватлараро шиплари мустаҳкам бўлиши, ёердамчи бинолари ва савдо заллари кенг эшикли ҳамда ўтиш жойлари бўлиши керак.

Савдода саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришни таъминлаш лозим. Товарларни сақлаш ишига кўмаклашиши туфайли тара савдосига бу муҳим вазифани бажаришда ёрдам беради. Бундан ташқари тара савдо reklamasи воситаси бўлиб, реклама маданий хизмат кўрсатиш мақсадларига қаратилиши керак.

Тагликлардан транспорт тараси ва товарни очиб қўйиш воситаси сифатида фойдаланиш, товарларни тарада ўраш-жойлаш ва ечиш-очиш, шунингдек, бошқа бир қанча ортиқча ишларни бартараф қилиш имконини беради. Щозирги пайтда тагликлардан ўраб-жойланган турли товарларни магазинларга ташиш ва сотишида муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Савдодаги муайян товарларни ташиш ва сақлаш зарурати тақозоси билан яшикли ва устунли тагликлар хили анча кўпайтирилди.

Кейинги вақтда чет элда ярим тагликлардан фойдаланилмоқда. Уларнинг таг сатхи 800-1200 мм ли стандарт тагликлардан икки баравар кичик. Товар танлаш пайтида харидорлар олд деворнинг юқори қисмини пастга туширишлари мумкин. Савдо залида бундай ярим тагликлар бир ёки икки қилиб ерга ёхуд стеллаж полкаларига ўрнатилади.

Бундай таралардан фойдаланиш магазиндаги айрим технологик операцияларни бажаришда вақт ва меҳнат сарфини хийла тежаш имконини беради. Масалан, ҳозир транспорт тарасини очиш ва 200 кг озиқ-овқат маҳсулотини савдо залидаги стеллажларга қўйишини бир ишчи 20 минутда бажаради. Ярим тагликлар ва қўлда ишлатилган гидравлик аравачаларидан фойдаланганда ўша ишчи 300 кг озиқ-овқат маҳсулотини ташиш ва сотишга тайёрлашни 2,5 минутда бажара олади.

Пакетларда бериш, қабул қилиш вақтини қисқартиради. Бу эса савдонинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишда жуда муҳимдир.

Товарлар саноат корхонасида ёки улгуржи савдо омборида тагликлар устида пакетланиб, қайта ишловсиз ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган магазиннинг савдо залига бевосита ташладиган бўлса, ишни шу залда ташкил этиш жуда яхши самара беради. Харидорлар товар харид қилаётганларида уни тагликлардаги пакетлардан доналаб олади. Товар темир трубалардан ясалган кўп қаватли ва роликли аравачаларда пакетланади; бу аравачаларга 360 пакет сифади. Пакет тахланган арава магазиннинг савдо залига ғилдиратиб келинади ва маҳсус совутгич шкафига жойланади.

Бу усулни бошқа товарлар учун ҳам қўллаш мумкин. У юклаш ишларида тежамкорликка эришиш, қўл меҳнатини камайтириш ҳамда магазин майдончаларидан максимал фойдаланиш имконини беради.

Шундай қилиб, тара ва ўраш-жойлаш ишлари янги типдаги савдо корхоналарини яратиш, муомала харажатларини камайтириш, ҳозирги магазинларнинг одатдаги жиҳоз ва ускуналарини алмаштириш имконини беради. Бу эса интеръерларни эстетик жиҳатдан безашга таъсир қиласи.

Товар, жиҳозларга шундай жойлаштирилиши керакки, бунда улар кўриниб турсин ва очиб қўйилиши осон бўлсин. Савдо жиҳозлари етарли даражада сифимли бўлиб, кўп жой эгалламайдиган бўлиши керак. У мустаҳкам, озода ва арzon бўлиши лозим. Щозирги савдо тармоқларида ҳамон эски жиҳозлардан фойдаланилмоқда. Бу товар сотишнинг замонавий усулларига ўтиш ҳамма савдо майдончаларидан оқилона фойдаланишга ҳалақит бермоқда. Аммо эндилиқда жиҳозларнинг янги турларидан муваффақиятли фойдаланаётган савдо корхоналари ҳам оз эмас. Товарларни очиб тахлаб қўйиш учун асосий жиҳозларидан ташқари эшиклар ёки деразалар орасидаги бўш жойлар ва колонналар тагига қўйиладиган перфорацияланган пакетлар, турли хил тагликлар, симдан тўқилган маҳсус саватлар сингари қўшимча жиҳозлардан ҳам фойдаланилмоқда. Булардан товарларни омбордан савдо залига ўтказишка тара сифатида ҳамда товар тахланадиган ва сотиладиган жиҳоз сифатида фойдаланилади. Ишлар қулай бўлиши учун ғилдиракли маҳсус яшик ва тагликлардан фойдаланилади.

Товар савдо залида бевосита яшиклар ва ёғоч тагликларга тахланиши мумкин.

Мамлакатимизда бу йўлда энг кўп тарқалган усул - нон-бўлка маҳсулотларини ташиш ва реализация қилиш муаммоси ҳал этилганлигидир.

Шундай қилиб, таранинг янги турларини жорий қилиш, меҳнатни комплекс механизациялаш учун шароит яратади, омборлар ва чакана савдо корхоналаридаги мустаҳкам қурилган жихозларни алмаштириш, савдода технологик жараёнларни рационализациялаш имконини беради. Бунда товарларнинг магазин ичи рекламаси ва харидорларни хабардор қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Харидор ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазинларда, товарлар ўзига хос ахборотчи вазифасини ҳам ўтайди. Демак, магазинда товарларни тўғри тахлаш, айнан мос жихоз ва таралар танлаш чакана савдо тармоқларида товар рекламасининг муҳим тадбирларидан биридир. Тара харидор бехабар товар ҳақида хабар ташувчи асосий омил бўлиб қолади.

Савдонинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули ривожланган сари истеъмол товарларини ўраш-жойлаш билан харидорлар ўртасидаги ўзаро таъсирининг аҳамияти ошиб бормоқда. Ўраш-жойлаш айнан ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазинда илгари сотувчилар бажарган айrim функцияларни бажармоқда.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазинларда харид қилинган барча буюмларнинг тахминан 60 % и олдиндан мўлжалланмай сотиб олингани аниқланган. Бунда тара ва ўраш-жойлаш муҳим роль ўйнайди.

Ўраб-жойлаб қўйилган товар харидор эътиборини тортади, қизиқтиради, харид қилиш иштиёқини уйғотади. Бундай товар ҳал қилувчи пайтда товар билан харидор ўртасидаги воситачилик ролини ўйнайди, товар сотиш технологиясига катта таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб ҳозирги шароитда савдонинг технологик жараёнини такомиллаштириш тара ва ўраш-жойлаш ишининг янги замонавий турларини қўллаш билан узвий боғлиқдир.

Тара - сақлаш ва ташиш учун ишлатиладиган буюмдир. Яшиқ, бочка, битон, фляга, катта шиша бутилка, флакон, бутилка, бонка, қоп, барабан, панжара, қути, ўраш материаллари ва бошқа тара шу жумлагага киради. Товар жойланадиган таралар шакли, ўлчами ва ясаладиган материалларга қараб жуда ҳам хилма-хилдир. Тара турларининг жуда кўп бўлиши товарларнинг хоссаларига, хусусиятларига, уларни ташиш шароитларига боғлиқ.

6.2. Тараларга қўйиладиган талаблар.

Тара ўз вазифасига мос бўлиши учун унга маълум техник ва ижтимоий талаблар қўйилади.

Техник - талаблар шундан иборатки, бунда тара ясалган материаллар ва таранинг тузилиши товарларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни сақлаш учун энг қулай шароитлар яратилишини, уларни ташиш пайтида уларнинг яхши сақланишини таъминланиши лозим. Тара мустаҳкам,

енгил ва ортиш - тушириш ишларини бажаришда ҳамда идишларга солинган товарларни ташишда қулай бўлиши керак.

Товар сотиш илғор усууларнинг кенг жорий этилиши, савдо маданиятининг юксалиши кўп жиҳатдан товарларни олдиндан қадоқлаб қўйилишига боғлиқдир. Тара ўлчамлари унга жойланган товар ҳажми ёки оғирлиги бўйича харидорлар эҳтиёжларини қондириши лозим.

Иқтисодий талаблар идишнинг арzon бўлишини тақозо қилади. Кўп ишлатиладиган таралар энг кўп иқтисодий самара беради. Тарага техник ва иқтисодий талаблардан ташқари эстетик талаблар ҳам қўшилади. Харидорларга тараларга (шишага, банкага, қутига, флаконга ва ҳоказоларга солиниб сотиладиган товарлар таранинг ташқи қўриниши билан бирга харидорлар диққатини ўзига тортиши лозим. Шунинг учун тара шакли, унинг безатилиши (ранги, расмлари, ёзувлари) товарларнинг жозибали ва ажойиб қўринишга эга бўлишига, уни ташвиқот қилишга, буюмнинг хусусиятлари ва уни истеъмол қилиш усули тўғрисида харидорларни хабардор қилишга ёрдам бериши шарт.

Тарага қўйиладиган иқтисодий ва эстетик талаблар бир-бирини ўзаро тўлдиради. Бу талаблар ГОСТларда ёки техник шартларда акс эттирилади. Таралар ана шу ГОСТларга ва техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқарилади.

ГОСТлар (техник шартлар) тара (яшик, қути, битон, бочка, бонка, қоп ва х.к.), тара ясаладиган материал, тара ўлчамларини, қайси нуқсонлар бўлганида тарадан фойдаланишга йўл қўйилиши ва бошқа шартларни ўзида акс эттиради.

Мамлакатнинг товар оборотида таралар ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Модомики шундай экан, товарларнинг аксарияти ишлаб чиқаришдан харидорга тараларга жойланган ҳолатда етиб боради. Товарнинг оғирлиги ва шакли ортиш-тушириш ишларида катта аҳамият касб этади: тара қанчалик енгил ва қулай бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Щар йили тара тайёрлаш ва ремонт қилишга анча маблағ сарфланади. Шу сабабли, тарани эҳтиёт қилиш, унинг кўп ишлатилиши (айланиши)га эришиш муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга.

Фан ва техниканинг ўсиши, кимё соҳасида ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, тара хўжалигини такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга оширишга, тара тайёрлаш учун енгилликлар яратади.

6.3. Тараларни асосий турлари тавсифи ва таснифи.

Тара турлари ва типларининг хилма-хиллиги товарларнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари ва уларни тайёрлашга сарфланадиган материалларнинг ўзаро фарқига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Махсулотни ўраш-жойлаш учун қўлланиладиган тара **ташқи** ёки **транспорт** тараси, **ички** ёки **истеъмол** тараси каби турларга бўлинади. Ташқи тара товар сақлаш ва ташиш учун фойдаланилади. Булар яшик, панжара, бочка, барабан ва флягалар, туника идиш, шиша, қоп ва шу кабилардир.

Ички тара истеъмолчига товар билан бирга келадиган дастлабки ўрамлардир.

Транспорт тараси маҳсулот тайёрланадиган жойда маҳсулот ортиб - жойлаб истеъмол пунктига ташиш учун мўлжалланган. У турли товарлар ўраб жойланадиган - универсал ва бирор муайян маҳсулот ўраб-жойланадиган - ихтисослаштирилган бўлади.

Мустаҳкамлиги ёки механик чидамлилиги даражасига қараб транспорт тараси **қаттиқ**, яrim **қаттиқ** ва **юмшоқ** хилларга бўлинади.

Фойдаланиш даражасига қараб тара **бир маротабали** ва **кўп айланадиган** бўлади. Кўп айланадиган таралар товардан бўшали билан қайта фойдаланиш учун товар етказиб берувчи ёки тара йиғувчи ташкилотларга албатта қайтарилади.

Қаттиқ тара маълум геометрик шаклда бўлади, ўраб-жойланган маҳсулотни механик шикастланишидан сақлайди, тара деворларига ичкари ва ташқаридан тушадиган юк босимига бардош беради. Шунингдек, маҳсулотни ташиш пайтидаги туртки ва силтовлардан асрайди.

Қаттиқ тарага металл, ёғоч ва фанердан ясалган яшик, бочка ва барабанлар киради.

Юмшоқ тара юкни механик шикастланишдан сақлайди, маҳсулот тўлғазилгандагина муайян шаклга киради. Юмшоқ тара асосан сочилиб (тўкилиб) кетадиган маҳсулотларни ташишда ишлатилиб уларни чангланиш, ифлосланишдан сақлашга мўлжалланган. Юмшоқ тара қофоз, мато ва чиптадан ясалган пакет ва қоплардир.

Яrim қаттиқ тара ўзининг дастлабки шаклини сақлай олади. Лекин юк оғирлиги таъсирида сал ўзгариши ҳам мумкин. Яrim қаттиқ тарага картондан ясалган коробка ва яшик, тўқима сават ва қутилар киради.

Тара турлари бошқа хусусиятларга қараб ҳам белгиланади:

а) қандай материалдан - ёғоч, металл, ойна, қофоз, картон, мато ва х.к.;
б) йиғиладиган, бўлакларга ажralадиган ёки ажralмайдиган ва ҳоказо конструктив хусусиятларига қараб;

в) яшик, бочка, коробка, шиша, бонка, панжара, битон, қоп, чипта қоплар ва ҳоказо шакли ва ташқи кўринишига қараб;

г) қўйма, штампланган, бочки, перфолента ёки сим билан маҳкамланган ва ҳоказо ясалиш усулига қараб;

д) газ ўтказмаслик, нам ўтказмаслик, геометрик, ногеометрик каби специфик тузилишига қараб.

Ёғочдан ясалган тара - ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган тарадир. Таранинг бу турига тахта ва фанер яшиклар ва фанерлардан ясалган тарновчалар, ёғочдан ва фанердан штамплаб ясалган бочкилар, фанер барабанлар киради. Ёғочдан ясалган яшиклар тузулишига қараб бўлакларга ажратиладиган, ажralмайдиган ҳамда ёзиладиган, зич ва панжарасимон бўлиши мумкин. Ёғоч яшиклар озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотларини ўраш-жойлашда кенг қўлланилади.

Металл тара - (бочка, балон барабан, коробка, битон ва бонкалар). Бу тара рухланган томбоп пўлатдан ҳамда ялтироқ туникадан ясалади ва хийла

қиммат тара ҳисобланади. Металл тара жуда учувчан, ўз-ўзидан аланга оладиган товарларга, шунингдек, ўсимлик мойлариға ишлатилади.

Түқима тара - (зигир, жут ва канопдан ясалган қоплар). қанд солиш учун матодан ясалган қоплар уч турли бўлади:

а) 50 кг ҳажмли, хошияси мустаҳкам тикилган зигир-жуфт каноп қоплар;

б) 50 кг ҳажмли, юқори чидамли зигир-жут-каноп қоплар;

в) зигир-жут, жут-канопдан ўққилган қоплар.

Қофоз ва картон тара - (қофоз қоплар ва пакетлар, картон яшик, коробка ва қутилар). Бу тара ёғоч тарадан анча енгил, ҳажми кичик бўлиб ўзининг изоляцион хусусиятига кўра бошқа кўп хил таралардан афзалдир. Гофрировка қилинган картон яшиклар турли хил товарларни ўраш-жойлаш учун мўлжалланган. Макарон, кир ва атир совунларни ўраш-жойлаш учун яхлид қўйилган ва прессланган қофоз яшиклардан фойдаланилади.

Шиша тара - суюқ ва ярим суюқ озиқ-овқат товарларини қувиш ва сақлаш ҳамда консерваланган маҳсулотларни ҳавосизлаб бекитиш учун фойдаланилади.

Пластмассадан ясалган тара - бу тараларни ясаш учун полиэтилен, полистерол, поливинилхлорид, формалдегид смоласи каби полимерлардан фойдаланилади. Пластмасса тара маҳсулотни чанг ва хидланишдан, шунингдек, чириш ва бошқа микробиологик ўзгаришлардан сақлайди.

Таянч иборалар

Тара. Тара маҳсулоти. Тежаш. Сақлаш. Нобудгарчилик. Транспортбоп. Физикавий-кимёвий хусусият. Операцияларни соддалаштириш. Металл яшиклар. Контейнер. Самарали фойдаланиш. Ўраб-жойлаб сотиш. Техник талаб. Иқтисодий талаб. Ёғоч тара. Ички тара. Қаттиқ тара. Шиша тара. Юмшоқ тара.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Қандай тара турларини биласиз?
2. Тараларга қандай талаблар қўйилади?
3. Тараларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида таралардан фойдаланиш қандай самара беради?

Асосий адабиётлар:

1. Егоров В.Ф. Организация торговли. М.-Санкт- Петербург: Питер. 2004
2. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.
3. Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъюх процессов» М. Экономика 2001.
4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.

5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговых предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Аванесов Ю.А.,Ключко и другие. «Основы коммерции».М., То «Плюкс-арт», 2000.
- 2.Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
- 3.Замковский Д. Я.Оптовая торговля непродовольственными товарами. М. Экономика, 2000.
- 4.Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.
- 5.List .RU- <http://www.list.ru/>;
6. www.katalog.7st.ru.maket.phtml

7-МАВЗУ. ЮКЛАРНИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА БОШҚА ЖОЙГА ТАШИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (2 соат)

Режа:

- 7.1. Савдода транспортлар ёрдамида ҳар хил операцияларни бажариш ва уларни роли.
- 7.2. Темир йул транспорти ёрдамида товарларни бошқа жойга тасиши.
- 7.3. Автомобиль транспорти ёрдамида товарларни тасиши технологияси.
- 7.4. Товарларни сув ва ҳаво транспортида тасиши.

7.1. Савдода транспортлар ёрдамида ҳар хил операцияларни бажариш ва уларни роли.

Транспорт ёрдамида операциялар деганда товарларни омборлардан жўнатиш учун тайёрлаш, уларни транспортга ёки юк жўнатувчига топшириш, юкларни транспортдан олиш, юкларни тасиши хужжатларини ва юк тасиши ҳисоб- китобларини расмийлаштириш , шунингдек зарур транспорт воситаларини юбориладиган жойга ўз вақтида келтиришни таъминлашга доир операциялар тушунилади.

Товарларни ишлаб чиқарилган жойидан чакана савдо тармоқларига шунингдек, улгуржи савдо омборларидан магазинларга тасиши учун улар орасидаги масофа ва бошқа шароитларга қараб транспортнинг ҳар хил турларидан: темир йул, денгиз, автомобиль ва ҳаво транспортларидан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш ривожланган сари, уни ихтисослаштириш ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг аҳамияти ортиб боради. Бунда юк жўнатувчилар ва юк қабул қилувчиларга юк тасишида кўрсатиладиган, марказлаштирилган транспорт ёрдамида хизматлари муҳим халк хўжалик аҳамиятига эга.

Тўлиқ равишда транспорт ёрдамида хизмат кўрсатиш, товарларни юк эгасининг иштирокисиз юк жўнатувчининг эшигидан юк қабул қилувчининг эшигига қадар етказиб беришни назарда тутади ва жўнатувчи омборидан юкни қабул қилиш, уни юк жўнатиладиган темир йул станциялари, портлар ва пристанларга етказиб бериш , юкларни вагонларга, кемаларга ва самолётларга ортиш, юкларни тасишига доир ҳисоб-китоб ва товар-транспорт хужжатларини расмийлаштириш, йўлда юкни кузатиб бориш, божхона операцияларини расмийлаштириш, юкларни тушириш ва хужжатларни текшириб чиқиш, , юкларни юк қабул қилувчи омборига етказиб бериш ва топширишни назарда тутади.

Щозирги вақтда транспорт ёрдамида операцияларни темир йул, денгиз ва дарё портлари, умумий фойдаланишдаги транспорт автохўжаликлар ва бошқармаларга қарашли автохўжаликлар воситалари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Темир йўл транспортида хизматлар темир йўл ва автотранспорт корхоналари томонидан турли хил технологик схемалар ва махаллий тартиб қоидалар бўйича амалга оширилади.

Автомобиль корхоналари кейинги йилларда транспорт хизматлари (жўнатиш, ортиш, тушириш операциялари, юкларни станция ва портларга марказлаштирилган тартибда ташиб келтириш ва ташиб кетиш, товарларни савдо тармоқларига марказлаштирилган тартибда ташиб келтириш) сезиларли даражада кенгайтирилган. Бу транспорт даражасини анча камайтиришни, меҳнат унумдорлигини ва транспорт воситаларидан фойдаланиш самарамдорлигини ошириш имконини беради.

Транспорт ёрдамида хизмат кўрсатиш операциялари ташкилотлар ва корхоналар ўртасидаги шартномаларга биноан режа асосида амалга оширилади. Уларда хизматлар характеристи ва ҳажми, уларни бажариш тартиби ва ҳақ тўлаш кабилар белгилаб берилади.

7.2. Темир йўл транспорти ёрдамида товарларни бошқа жойга ташиш.

Ташкилотлар ва корхоналар темир йўл транспортида юк ташишнинг йиллик режалари лойихаларини(зарур ҳисоб - китоб ва асослар билан бирга) 1 июндан кечиктирмасдан Савдо вазирлигига топширадилар. Бу лойихалар темир йўл бошқармасига ҳам топширилади . Темир йўл транспортида юк ташишнинг йиллик режалари лойихаларини ҳам марказлаштирилган тартибда, ҳам жойларда юк ташишни квартал режалаштиришнинг юклар номенклатурасини бирлаштирувчи номенклатура бўйича ишлаб чиқарадилар.

Хўжалик фаолиятининг режа лойихалари ва буюртмалари асосида юк ташишнинг (тонна ҳисобида) ялпи ҳажми бўйича йиллик режа лойихасини ишлаб чиқариш ҳамда Алоқа йўллар вазирлигига топширади. Юк ташишнинг квартал ва йиллик режалар, шунингдек, айrim Ўзбекистоннинг қарорларида белгиланган юк ташиш топшириклари асосида ишлаб чиқлади. Савдо ташкилотлари юк ташиш режаси лойиҳаларини режалаштирилаётган квартал бошидан камида 50 кун олдин Ўзбексавдога() такдим қиладилар .Юк ташишнинг квартал режалари лойихаларида вагонлар ва тонналарнинг ўртacha суткалик миқдори кўрсатилади .Юк ташиш режалаштирилаётганда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва ортиб жўнатишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Ўзбекистон темир йўллари уставига биноан тайёрлов ташкилотлари ва корхоналари сабзавот, картошка, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини режа асосида, шунингдек, ортиш бошланишидан 5 кун олдин бериладиган буюртмалар бўйича ортиб жўнатадилар. Бундай холларда ойлик режалар 5 кунлик буюртмалар асосида аниқланади, режа бажарилгани учун жарималар 5 кунлик буюртмалар йигиндисига қараб ҳар қайси декада учун ҳисоб-китоб қилинади.

Кварталлик юк ташишлар вагонлар ва тонналар бўйича ёки фақат вагонлар бўйича режалаштирилади. Юк ташиш режалари Алоқа йўллари вазирлиги ва темир йўллар бошқармаларида келишилиб, тасдиқлангандан сўнг Ўзбексавдо () кварталлик ва ойлик юк ташиш

режаларини режалаштираётган квартал бошланишидан 20 кун олдин Ўзбексавдо Акционер Компаниясига ва юк жўнатувчи корхоналарга ҳабар қиласди.

Юк жўнатувчилар ўзларига ажратилган вагонлар лимитига биноан ой бошланишидан 14 кун олдин темир йўллар бошқармасига юк ташишнинг кенгайтирилган режасини тақдим этадилар. Бу режада юк жўнатувчи тўлиқ номи ва адреси, хисоб-китоб счёти рақами ва Давлат банки бўлими, юкнинг аниқ номи, юк жўнатиладиган ва юк етказиладиган станциялар, вагон ва тонналар сони, харакатдаги составнинг тури кўрсатилади. Режалар З нусхада тузилади, корхона раҳбари томонидан имзоланади ва мухир билан тасдиқланади.

Юк жўнатувчилар юк ташиш ойлик режалари асосида декада бошланишидан уч кун олдин станция бошлиқлари орқали темир йўл бўлими бошлиқларига юк ортиш учун буюртма берилади.

Станция ва бўлимларнинг бошлиқлари юк жўнатувчиларга декада бошланишидан 1 кун олдин вагонлар берилаётганини ҳабар қиласди. Режадан ортиқ ёки режадан ташқари юк ортиш зарур бўлиб қолганда юк жўнатувчилар юк ортиладиган вақтдан камида 5 кун олдин темир йўл бошлиғига буюртма берадилар. Юк жўнатувчининг бундай буюртмасини бажариш имкони бўлмаса, бу хақда у З кун ичida ҳабардор қиласди. Жорий ойда темир йўл орқали юк ташиш режасини бажармасалар, юк жўнатувчилар шу кварталнинг кейинги ойларида бунинг ўрнини ҳам тўлғазишлари керак.

Юк ташиш режалари ўзгартирилганда квартал режалари юк жўнатувчи бошқарма ва идораларнинг тавсияси билан режалаштирилган квартал тугашидан камида 35 кун олдин ўзгартирилиши, ойлик режалар эса жорий ой тугашидан камида 15 кун олдин юк ташиш режасини тасдиқлайдиган ташкилот томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Юкларни темир йўлда ташиш турли қатнов йўллари билан бажарилади:

маҳаллий қатнов - юк битта йўлда ташилади;

бевосита қатнов - юк икки ва ундан ортиқ йўлда ташилади;

бевосита-аралаш қатнов - юк темир йўлда транспортнинг бошка турлари иштирокида ягона ташиш хужжати бўйича ташилади;

бевосита ҳалқаро қатнов - икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг темир йўллари иштирокида юк ташиш.

Ташиладиган юк партиясининг ҳажмига қараб юк ташиш куйидагиларга бўлинади:

майда жўнатишлар - бунда юкнинг оғирлиги 10 тоннадан ошмаслиги, лекин 20 кг дан кам бўлмаслиги, ҳажми эса тўрт ўқли вагоннинг **1/3** қисмдан кўпини эгалламаслиги керак;

кичик тоннали жўнатишлар - тўрт ўқли вагон оғирлиги 10 тоннадан 20 тоннагача бўлган ва шу вагоннинг яримидан кўпини эгалламай, битта накладной билан ташиладиган юк партияси;

вагонбай жүнаташлар - бунда юкнинг вазни ёки хажми алоҳида вагон талаб қилса, битта накладной билан жүнаташлариди;

маршрутли жүнаташлар - бунда юк бутун поезд составига ортиш учун етарли микдорда бўлади;

группалаб жүнаташлар - бунда маршрутли жүнаташ учун етарли бўлмаган юкни вагонлар группасида жүнаташлариди;

Ташиш юкли тезликда (оддий юк поездларида), катта тезликда (тезюар поездларда) ва юк багажи тарзида пассажир поездларида амалга оширилади.

Юк жүнатувчи ҳар қайси юк жүнаташда асосий ташиш хужжати бўлган накладнойни юк жүнаташ станциясига бериши керак. Накладной юк билан бирга жүнаташлариди ва юк тайинланган станцияга боргач, қабул қилувчига юк билан бирга топширилади.

Темир йул транспортида **умумий, алоҳида** ва **маҳаллий** тарифлар амал қилади. Умумий тарифлар темир йулларнинг барча тармоқларида кўлланилади ҳамда ҳисоб-китоб алоҳида ва маҳаллий тарифлар бўйича ўtkaziladigan юк ташишдан бошқа барча юк ташишлар учун таълуқлидир.

Темир йул тарифлари юк тури ва юк ташиш масофасига қараб фарқланади. Умумий тарифларнинг асосий тури вагонбай тарифдир. Бу тариф, одатда, юкли тезликда (оддий юк поездларида) юк ташилган вагонга хақ тўлаш учун белгиланади. Тарифларнинг бундай тузилиши юк жўнатувчиларни ҳаракатидаги составнинг юк кўтариш қувватидан фойдаланишини яҳшилашдан иқтисодий манфаатдор қилади. Вагонга қанча кўп юк ортилса, транспорт ҳаражатлари шунча кам бўлади. Юкларни катта тезликда ташишда вагон ҳаки икки баровар кўпаяди.

Майдо юк жүнаташларда тариф бўйича ташиш ҳаки юкнинг асл вазнига қараб белгиланади. Бу тарифлар даражаси, одатта, вагонбай жўнаташларга қараганда икки баравар юқори бўлади.

Тез бузиладиган юклар совутилган холда ташилганда ташиш тўловларидан ташқари, юк жўнатувчи совитиш транспорти учун ҳам ҳак тўлайди. Тарифлардан қўшимча операция ва юмушлар учун ҳам йиғимлар, шунингдек, жарималар белгиланади.

7.3. Автомобиль транспорти ёрдамида товарларни ташиш технологияси.

Юкларни қисқа масофага ташишда транспортнинг асосий тури автомобиль транспортидир. Ташиладиган юкларни хажми бўйича автотранспорт биринчи ўринда турадики, бунинг сабаби ташиш масофасининг қискалиги. Агар 1тонна юк темир йул транспортида ўртача 800 км масофага ташилса, автомобиль транспорти билан фақат 13 - 15 кмга ташилади, ҳолос.

Автомобиль транспортида транспортнинг бошқа барча турлари (хаммаси қўшиб ҳисоблагандагига қараганда таҳминан 3,5 баробар юк ташилади. Автотранспортнинг юк обороти унчалик катта эмас (мамлакат

юк айланиш умумий ҳажмининг 5,9%ни ташкил этади. Аммо автотранспорт салмоғи асосан районлараро ва областлараро юк ташиш ҳисобига йилдан йилга ортиб бормоқда.

Савдо ташкилотлари товарларининг асосий қисми автомобиль транспортида ташилади.

Автомобилда юк ташишни муваффақиятли уюштириш ҳамда товарларни ташиш ҳаражатларининг минимал бўлишига эришиш учун аввало автомобиль транспортининг ишлаб турган зарур микдордаги состави керак. Юк автотранспортининг ҳаракатдаги составига автомобиллар, автомобиль торткичлар, прицеплар, яrim прицеплар ва транспорт учун мўлжалланган ажралма прицеплар киради.

Юкларни ташиш учун юк кўтариш қуввати турлича бўлган юк автомобилларидан фойдаланилади. 1 тоннагача ва 1 тоннадан 2 тоннагача юк кўтара оладиган автомобилларидан кичик партиядаги юкларни савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига ташиб бериш учун фойдаланилади. Юк кўтариш қуввати ўртacha бўлган, яъни 2 тоннадан 5 тоннагача юк кўтарадиган ҳамда юк кўтариш қуввати кўп бўлган, яъни 5 тоннадан 10 тоннагача юк кўтарадиган автомобиллар товарларни бир область доирасида ташишда ҳам областлараро йирик партиялар ташишда ҳам хизмат қилади. Юк кўтариш қуввати жуда кўп бўлган, яъни 10 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган машиналардан ҳам фойдаланилади.

Автомобилда юк ташишни уюштириш тартиби ҳар бир республика қарорлари билан тасдиқланган автомобиль транспорти уставлари, шунингдек уставлар асосида нашр қилинган юк ташиш қоидалари билан белгиланади.

Автомобилда юк ташиш **маҳаллий** - 50 км гача, **шахарлараро** - 50 км дан ортиқ, **республикалараро** (2 ва ундан ортиқ республика) ҳамда **халқаро** (чет элга ёки чет элдан) юк ташишларга бўлинади. Автомобилда юк ташиш режали тартибда амалга оширилади.

Йиллик режалар Ўзбекистон Республикаси томонидан келишилгандан сўнг бошқа республикалар томонидан тасдиқланади ва автомобиль транспорти вазирликларига маълум қилинади. Бу вазирликлар тасдиқлаган режаларни юк жўнатувчи вазирлик ва ташкилотларга ҳамда автомобиль транспорти бошқармаларга етказадилар. Юк жўнатувчилари белгиланган муддатда тегишли автотранспорт бошқармаларига йиллик режа ўз қарамоқларидаги ташкилот ва корхоналар бўйича қандай тақсимланганини ҳабар қиладилар. Республика савдо ташкилотларга қарашли корхоналар учун йиллик юк ташиш режаларини тасдиқлайди. Улар бу режаларини, ўз навбатида, юк жўнатувчилар ва юк қабул қилучиларга тақсимлаб, автохўжаликларга маълум қиладилар. Квартал бошланишидан 10 кун олдин автотранспорт корхоналари квартал режаси доирасида юк ташишнинг ойлик ҳажмини белгилаб оладилар. Режа асосида автохўжаликлар юк жўнатувчилар ва юк қабул қилувчилар билан шартнома тузадилар. Бу шартномада юк ташишнинг ҳажми ва шартлари, ҳисоб-китоб тартиби, рационал маршрутлар ва томонларнинг мулкий

жавобгарлиги назарда тутилади. Юк жүннатувчи мавжуд йиллик шартномага биноан автохұжаликка юк ташиш тұғрисида буюртма беради.

Юк ташиш учун зарур бўлган автомобилларнинг сони ва тури ташиладиган юкнинг ҳажми ва характеристига қараб автохўжалик томонидан белгиланади.

Шаракатдаги составнинг керакли миқдори (A) ташиладиган юкнинг миқдори ва ҳаракатдаги составнинг муайян даврдаги иш унумига боғлиқ бўлади:

$$A \propto Q_0 / Q$$

$A \propto Q_{\text{dot}} / Q \propto Q_{\text{dot}} / I_{\text{dot}}$ g $\approx V_{\text{dot}}$.

бунда I_г- áèð ñìåíàäàè ðåéñëàð ñíîè; g- àâòïíàèëéíà ïê êûòàðèø կóââàòè; V_а - ïê êûòàðèø կóââàòèäàí ôîéäàëàíèø êíýôôèöåíò; Q_ö - þéíèíà ífèðëëäè (òïíà ùèñíàéäà).

Àéëàñìà ìàðøðóðëèàðäà èøëàíñàíäà ùàðàéàòäàäè ñîñòàâíèíà éåðàéëè ìèçäîðè
кóéèàäàäè ôîðìóëà áûéè÷à áåëëèèàíàäè:

$$A \propto Q_{TI}/Q_I \propto Q_{TI}/I_0 \propto g \propto V_{el}.$$

QT - аёеàñà ìàðøðóòíéíä ìàçéóð ïóíéòääí þê òàøèø áûéè÷à ùàðàéàòäääè ñîñòåà áèðëèäèíéíä ìàúëòí ààkðäääè èø óíóìè, ð; Z - маълум вақтдаги қатновлар сони; Z_i - ìàúëòí ààkðäääè айланма маршрутлар ñîñè; óñI - ìàçéóð аёеàñà ìàðøðóòäàí þê òàøèøäà þê êûðàðèø кóââàðëääí ôíéäàëàíèø êîýôðèøëåíðèíéíä ûððà÷à êûðñàðèè÷è; óñI - мазкур пунктдан юк ташишда юк кўтариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти.

Iàñàëàí, Qòóìóìèé - 54 ò, Zo - 2,

Q_{DJ} - 20 ò, Z - 3,

Q - 2.5 т, ус-0.9 бўлганда,

А к Q_{ðøiøièé} / Z ð g ð O_{c k} 54 / 2 ð 3 ð 2.5 ð 0.9 к 4 автомобиль бўлади.

Транспорт бекор туриб қолмаслиги учун юк эгаси ортиладиган барча юкларни товар - транспорт хужжатларини олдиндан тайёрлаб қўйиши ва юк жўнатиш ва қабул қилиш пунктларининг бетўхтов ишлашини таъминлаши шарт.

Ташишда бузилиш ва заарланишдан саклаш учун тарага жойлаш лозим бўлган товарларни стандарт талабларига жавоб берадиган тараларга жойлаш керак.

Автохўжалик олинган буюртмаларга мувофиқ белгиланган вақт ва микдорда техник жиҳатдан бекаму- кўст автомобиллар етказиб бериши шарт.

Айрим озиқ-овқат ва саноат товарларини маҳсус кузовли автомобилларда ташиш зарур. Юк жўнатувчи товарларни ташишга топширганда асосий юк ташиш ҳужжати ҳисобланган товар - транспорт накладнойни хайдовчига бериши керак. Бу ҳужжат тўрт нусҳада тузилиб, биринчи нусҳада ҳисоб-китоб, иккинчиси транспорт ишини ҳисобга олиш, учунчиси товарларни ўз жойига етказиб беришни назорат қилиш ва тўртинчиси товар оловчи учун мўлжаллангандир.

Хайдовчи юк қабул қилишда юк жўнатувчига хизмат гувохномасини ва автохўжалик муҳири билан тасдиқланган йўл варақасини кўрсатади.

Юкни ортиш, маҳкамлаш, ёпиш ва туғиш-боғлашни юк жўнатувчи, уни тушириш, боғлам-боғич ва ёпқичларни ечиб олиш юк қабул қилувчи томонидан бажарилади.

Юк жўнатувчи юкнинг оғирлиги ва тара ўринлари сонини товар-транспорт накладнойига ёзиб қўяди.

Хайдовчи-экспедитор товар-транспорт накладнойининг ҳамма нусҳаларини имзолаб, юк ташишга қабул қилинганини тасдиқлайди.

7.4. Товарларни сув ва ҳаво транспортида ташиш

Мамлакат транспорт тизимини самарали ишлашида сув ва ҳаво транспорти муҳим аҳамиятга эгадир.

Денгиз транспорти жуда арzon, товарни ўтказиш даражаси ҳамда универсаллиги юқори бўлиб ҳисобланади.

Дарё транспорти қўлланилиши чегараланганилигига қарамай айрим туманларда халқ истеъмол товарларни ташишда қўлланилади.

Ҳаво транспорти энг тезкор бўлиб ҳисобланади. Аммо бу транспортда юкларни ташиш нархи юқори бўлганлиги туфайли халқ истеъмол товарларини ташишда қўлланилиши чегараланган.

Денгиз транспорти қўлланиладиган жойларда денгиз орқали сузиш Савдо Кодекси, дарё транспортида юк ташишда Ички Сув Транспорти Низоми ёрдамида тартибга солинади.

Денгиз транспортида юк ташиш алоқа турлари бўйича портлараро алоқаси тўғридан-тўғри сув (денгиз ва дарё портлари ўртасидаги) алоқаси ва тўғри аралаш (темир йўл - сув ёки автомобиль) алоқаси.

Юкларни ташиш учун алоҳида тўғри ва аралаш алоқаларга тузиладиган буюртмаларда юк эгаси ҳақида маълумотлар, юк ташиш ҳажми тоннада, юкни номи ва ўрам тури, жўнатиш ва келтириш портлари кўрсатилган бўлиши керак.

Юкларни топширишда юк жўнатувчи ортиш ордерини тўлдиради, уни асосида портни юк идораси ташиб борувчи ҳужжатни - коносаментни ёзиб боради. Агар юк ташиш тўғридан-тўғри аралаш алоқа орқали амалга оширилса накладной ва йўл ведомости ёзилиши расмийлаштирилади, юк

жүннатувчи коносамент ўрнига квитанция берилади ва юк қабул қилинадиган жойда уни кўрсатилгандан сўнг юк берилади. Щар бир қабул қилинган юк ўрнига портда транспорт маржировкаси кўйилади.

Ортиш-тушириш ишлари порт маблағлари ва кучлари ёрдамида жўннатувчилар ва қабул қилувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Портда юк уч кун бепул сақланади. 24 соатдан кўп сақланган юкларга тўловлар тариф бўйича олинади.

Юк қабул қилувчи юкни олиш пайтида коносамент ва ишончномани биринчи нусхаси тақдим этилади. Камомат юкни бузилиши, айрим жойларни шикастланиши аниқланган ҳолда юк қабул қилувчи тижорат актини тузилишини талаб қилиши шарт.

Дарё транспортида алоқалар турлари бўйича ташишлар қуидагиларга бўлинадилар:

- ички сув алоқасида;
- битта кема хўжалиги ичида ташиш;
- тўғридан-тўғри ички сув алоқаси;
- бир нечта кема хўжалиги чегарасида;
- тўғридан-тўғри сув алоқасида;
- дарё ва денгиз транспорти иштирокида.

Битта юк ташиш ҳужжатга асосан дарё транспортида жўннатиш ҳолатида юкни ҳажмига кўра кичик партиялиги (офирилиги 20 т ортиқ бўлмаган), судовой нормадан камроқ ва судовойларга бўлинади.

Юкни жўннатишга тақдим этилганда юк жўннатувчи накладной тўлдиради.

Дарё портида юкни олиш учун юк қабул қилувчи накладной ва ишончномани кўрсатиши керак.

Дарё транспортида юк ташиш муддатига юкни тури, сув оқими даври, кеманинг тезлиги ва уни ҳаракат йўналиши таъсир кўрсатади.

Щаво транспортида юк ташишда тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб щаво Кодекси ҳисобланади. Кодекс асосида йўловчиларни, юкларни ва багажларни ташиш қоидалари тузилади.

Щаво транспортида юкларни ташиш шартнома асосида амалга оширилади.

Бир маротаба талабномалар билан кичик партиядаги тезкор ва қимматбаҳо юклар жўннатилади.

Юкларни жўннатиш юк накладнойини ёзиш билан расмийлаштирилади.

Ортиш-тушириш ишлари асосан аэропорт кучлари ва воситалари билан амалга оширилади. Щаво транспортида юкларни сақлаш ва бериш тартиби бошқа транспорт турлари каби бажарилади.

Таянч иборалар

Транспорт турлари. Юк жўннатувчи. Юк ташиш. Масофа. Темир йўл станциялари. Умумдорлик. Марказлаштирилган усул. Денгиз транспорти. Портлар. Вагон. Кема. Самолет. Технологик схема. Автомобиль транспорти.

Буюртма. Юк ортиш. Махаллий қатнов. Майда жүннатишлар. Тарифлар. Юк күтариш қуввати. Автохўжаликлар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Юк ташишда қандай транспорт турларидан фойдаланилади?
 2. Темир йўл транспортида юклар ташиш қандай амалга оширилади?
 3. Юк ташишда транспорт воситаларини қандай ютукли ва камчилик томонлари мавжуд?
 4. Юк ташишда қандай ҳужжат расмиятчиликлари амалга оширилади?
 5. Рӯз өтказадиган юк ташишларини сабабларидан келинганини кимни мавжуд?

Асосий адабиётлар:

1. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.
 2. Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. М.: Дашков-К.2000 г.
 3. Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъх процессов» М. Экономика 2001.
 4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
 5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъх предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Аванесов Ю.А.,Клочко и другие. «Основы коммерции».М., То «Плюкс-арт», 2000.
 - 2.Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
 - 3.Замковский Д. Я.Оптовая торговля непродовольственными товарами. М. Экономика, 2000.
 - 4.Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.
 - 5.“@RUS”- <http://atrus.ru/>;
 - 6.List .RU- <http://www.list.ru/>;
 7. www.katalog.7st.ru.maket.phtml

8- МАВЗУ. МАГАЗИНЛАРДА САВДО-ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (2 соат)

Режа

- 8.1. Магазинлардаги савдо-технологик жараённинг таркибий қисмлари ва уни рационал ташкил қилиш тамойиллари.
- 8.2. Магазинларга товарларни келтириш ва қабул қилиш технологик операциялари.
- 8.3. Товарларни сақлаш ва сотишга тайёрлаш технологияси.
- 8.4. Товарларни савдо залида жойлаштириш ва ёйиб кўйиш.
- 8.5. Товарларни чакана сотиш технологияси.

8.1. Магазинлардаги савдо технологик жараённинг таркибий қисмлари ва уни рационал ташкил қилиши тамойиллари.

Чакана савдо корхоналарида савдо - технологик жараён товарнинг магазинга тушишдан бошлаб, то харидорнинг шахсий мулкига айлангунга қадар босиб ўтган ҳаракати йўлида амалга ошириладиган алоҳида операцияларнинг йифиндисидан иборатdir.

Магазиндаги барча савдо - технологик жараёнлар асосий ва ёрдамчи жараёнларга бўлинади. Товарларни сотиш ва харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиш асосий жараёнларга киради. Булар савдо тармоқлариниг асосий вазифаларини бажариш билан бевосита боғлик бўлган алоҳида операциялардан ташкил топади ва магазиннинг савдо залида амалга оширилади.

Ёрдамчи жараёнларга товарларни қабул қилиб олиш, сақлаш, савдога тайёрлаш, уларни магазин ичкарисида ташиш, бўш тараларни қайтариб юбориш ва бошқалар киради.

Ёрдамчи жараёнлар асосий технологик жараёнларни бажариш учун зарурдир. Улар товарларни қабул қилиб олиш, сақлаш, сотишга тайёрлаш учун маҳсус ажратилган хоналарда амалга оширилади.

Харидорлар талабини ўрганиш, товар ассортиментини тузиш, реклама ва ахборотларни ташкил қилиш ва ҳоказолар билан боғлик бўлган савдо ишларининг баъзи турларини бажариш магазиндаги савдо-технологик жараённинг муҳим таркибий қисмларидандир.

Асосий ва ёрдамчи жараёнлар ҳамда операциялар маълум изчилликда, бир мунча узлуксиз ва бир йўлда бажарилади. Магазиннинг катталиги, унинг кўп қаватлилиги, бинонинг ҳажм жихатидан режалаш тузилиши, технологик жараёнларни бажариш учун мўлжалланган майдоннинг катта-кичиклиги, магазин товарларининг ассортимент структураси савдо-технологик жараённи ташкил қилишдаги муҳим омиллардандир.

Чакана савдо корхоналарининг савдо-технологик жараёни, магазин ходимлари билан харидорлар, товарлар ва асбоб-ускуналар бир-бирига таъсир кўрсатадилар.

Магазинда савдо - технологик жараёнларнинг ташкил қилиниши савдо ходимларини меҳнат самарадорлигининг ўсишига, савдо корхонасининг моддий-техник базасидан рационал фойдаланиши энг қулай меҳнат шароити ва товар - материал бойликларини бутунлигини таъминлашга харидорларга кам вақт сарфлаб, қулай шароитда товар харид қилиш имконини яратишга ёрдам бериши лозим.

Рационал савдо - технологик жараённинг асосий тамойиллари қўйидагилардир:

- савдонинг илгор усулларини жорий қилиш ва илмий техника тараққиётига эришиш;
- сермеҳнат операцияларни механизациялаш ва автоматлаштириш;
- тара - жиҳозлардан фойдаланиш билан товар таъминотининг энг қулай тизимини жорий қилиш;
- юк туширилган жойдан магазиннинг савдо залигача юкларни кетмакет ташиб бориш ҳаракатидаги технологик карта - схемаларини қўллаш асосида технологик операцияларнинг узликсиз бажарилишини таъминлаш;
- меҳнатни илмий ташкил этиш.

8.2. Магазинларга товарларни келтириш ва қабул қилиш технологик операциялари

Транспорт воситалари орқали дўконга етказиладиган товарларни тўхтовсиз қабул қилиб туришлари шарт. Юкларни ортиш-тушириш ишларини қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш керак. Тагликларга қўйилган товарлар автомобилдан электр юклагувчи ёрдамида туширилади. /илдиракли контейнерлар автомобиль воситалари ёрдамида туширилади.

Магазинга келган товарлар қабул қилиш зonasига етказиб берилади. Товарларни қабул қилиш магазин савдо-технологик жараёнини энг муҳим операциялардан бири бўлиб ҳисобланади ва моддий жавобгар шахслар орқали қабул қилиниши керак. Фақат стандарт талабларига жавоб берувчи ва юқори сифатли маҳсулотлар қабул қилинади.

Товарлар магазинда сифати ва микдори бўйича қабул қилиниш қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Микдор бўйича товарларни қабул қилиш. Бунда товар турларини кўплиги, жойларни сони, товарларни микдори, товар транспорт накладнойларини ва бошқа ҳужжатларини таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Агар товарлар магазинга керакли ҳужжатларсиз келса, у ҳолда келган товарларга акт тузилади, товарлар эса сақланишга олинади.

Микдор бўйича товарлар белгиланган муддатларда қабул қилинади. Очик, бузилган ёки тарасиз келган товарлар магазинга шу вақтни ўзида қабул қилиниши керак. Бутун тарада келган товарлар брутто оғирлиги ва жойларни микдори бўйича таъминотчидан келган пайтда қабул қилинади, нетто оғирлиги ва товар доналарини микдори бўйича эса, тара очилгандан сўнг

қабул қилинади, лекин 10 кундан кечикмаган ҳолда, тез бузулувчан товарлар эса 24 соатда. Келган товарлар миқдори хужжатда күрсатилған ўлчов бирлиги билан ўлчанади.

Нетто ҳажми бирлиги белгиланған қонун-қоидаларга риоя қилған ҳолда текширилади. Тара оғирлиги товарни нетто оғирлиги билан биргаликда текширилади. Текшириш натижалари акт билан расмийлаштирилади. Тара оғирлигини текшириш натижалари ҳақидағи актида товарлар нетто оғирлиги ҳам күрсатилади. Агар қабул қилиш жараёнида етишмовчилик аникланса, қабул қилишни тұхтатиб туриш лозим.

Товарлар сақланишини таъминлаш ва бошқа товарлар билан аралашып кетишига йўл қўйилмаслиги керак. Товарлар камоматлиги ҳақида акт тузилади.

Агар товарнинг брутто оғирлиги хужжатларда күрсатилған оғирлик билан тўғри келмаса, магазин тарани ва ўрамни очмаслиги керак.

Товарларни охирги қабул қилинишида икки томонлама акт тузилади, қатнашиш учун жўнатувчи шахслар таклиф қилиниши керак. Агар товарлар жўнатувчиси айбдор ҳисобланмаса, товар ишлаб чиқарувчиси чақирилади. Бошқа шаҳар ишлаб чиқарувчиси вакили шу ҳолларда чақирилғандыки, қачонки бу нарса шартномада күрсатилған бўлса. Бир шаҳар жўнатувчининг вакили чақирилған куннинг эртасига етиб келиши керак, тез бузулувчан товар бўлса, чақирилғандан кейин 4 соат ичида келиши керак.

Бошқа шаҳар вакили бўлса, чақирилғандан кейин 3 кун ичида етиб келиши керак.

Товарларни қабул қилиш охирги натижалари бўйича акт тузилади. Актда етишмаган товарлар миқдори, уларни қиймати, ҳақиқатдаги оғирлиги, камлиги ва бошқа маълумотлар күрсатилади. Акт белгиланған шаклга мувофиқ расмийлаштирилади.

Агар товар қабул қилишда ортиқча нарсалар аникланса, бу ҳақда ҳам акт тузилади.

Магазин манзилига жўнатилған жўнатма келмаганда почта бўлими орқали бу ҳақда қидирув талаб қилинади ва жўнатиш базасига хабар қилинади.

Агар таралардаги товарлар бутун пломбаларда етиб келган бўлса, қабул қилувчи транспорт органларидан уларни олишда тараларни дона миқдорини хужжатдаги билан тўғри келишини ва тарани бутунлигини текшириб олиши шарт. Таралар бутунлиги ҳақида ишонч пайдо бўлгандан сўнг, товарларни қабул қилувчи магазин ходими, товарлар бутун пломбада келганилиги ҳақида хужжатларда кўрсатади.

Товарларни сифат бўйича қабул қилиш. Товарларни сифат бўйича қабул қилиш белгиланған муддатда амалга оширилиши керак. Агар товар етказиб берувчи, магазин жойлашган жойда бўлса, ундан келган товарлар 10 кун ичида қабул қилинади. Агар товар етказиб берувчи бошқа шаҳардан бўлса, у ҳолда ундан келган товарлар 20 кун ичида қабул қилинади, тез бузулувчан товарлар эса 24 соат ичида .

Қабул қилиш жараёнида магазин ходимлари товарлар сифатини, тарасини, ўрамини ва маркировкасини белгиланған талаблар бўйича талаб қиласади.

Агар қабул қилған пайтда сифатсиз товарлар аниқланса, у ҳолда қабул қилиш тугатилади ва 1 томонлама шартнома тузилади.

Товарларни сифат бўйича тузиладиган акти қуидагиларни ўз ичига олади: товар қабул қилувчи магазиннинг номи ва магазин, акт рақами ва тузиш куни, товарларни сифат бўйича қабул қилишда ва акт тузишда қатнашган кишилар исмлари ҳамда шу шахслар сифат бўйича қабул қилиш қонунлари билан танишганликлари, жўнатувчининг исми, товарларни етказиш шартномасининг куни ва рақами, юкни белгиланган жойга келган куни, транспорт ташкилотига уни бериш вақти, тара ва ўрамларнинг бутунлиги ва бошқаларни.

8.3. Товарларни сақлаш ва сотишга тайёрлаш технологияси

Кўпчилик товарлар магазинларга тараларда ўраб-жойлашган ҳолда келиб тушади, бу фақат сақлаш ва ташиш учун зарурдир. Баъзи товарлар ташиш ва сақлаш жараёнида ўзининг дастлабки товарлик жараёнини йўқотади, эзилади, чангланади, баъзи ноозик-овқат товарларни бузилишдан сақлаш учун улар химоя мойи билан қопланади.

Товарларни сотишга тайёрлаш, магазинда савдо-технологик жараёнларни самарали амалга оширишида катта аҳамиятга эга бўлиб, товарларни сотишда янада илғор усулларни кенгроқ жорий қилишга шароит яратади ва харидорга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда тезлаштиришга ёрдам беради.

Товарларни сотишга тайёрлашга доир умумий операцияларга қуидагилар киради:

- товар солинган идишларини очиш - товарларни сиртқи таралардан бўшатиш. Ўрамни очишда товар, идиш ва ўрам сифатини сақлаш муҳим талаблардан биридир;

- товарларни саралаш - бу товарларни ассортимент кўрсаткичлари, яъни размери, фасони, сорти, нархи бўйича, шунингдек нархга тамға кўрсатилган сортига, илова қилинган хужжатларнинг преискурантга мос келиши бўйича группалашдир;

- товарларнинг сифатини яхшилаш - бунда товарлар чангдан тозаланади, дазмолланади, мойлари артилади, майда камчиликлар йўқотилади, озиқ-овқат маҳсулотлариниг устки қатламидаги йўқотилган дастлабки сифати тикланади;

- тамғалаш - товарга товар белгилари, яъни артикули, сорти, номери ва нархи кўрсатилган товарлик ёрлигини биркитиш. Товарга ёрликлар биркитилади, осилади, тикилиб қўйилади. Ёрлиқнинг бошқа томонига баҳосинининг тўғрилигини тасдиқлаб, магазин мудири имзо қўяди.

- қадоқлаш ва дастлабки кесиб қўйиш - товарларни харидорлар учун ўнғайроқ ўлчамларда қилиб, тортиб тайёрлаш ва гастрономия товарларини кесиб қўйиш;

- товарларни савдо залига чиқариб ёйиш учун тайёрлаш - маҳсус тараларга таҳлаш, маҳсус таҳтачаларга ёйиш, қисмларга бўлиб келтирилган товарларни йиғиш;

- совғабоп наборларни бутлаш - сервислар, совгалар ва гарнитуралар.

Унча катта бўлмаган магазинларда товарларни магазин сотувчилари харидорларга хизмат қилишдан бўш пайтларида сотишга тайёрлайдилар. Товарларни сотишга тайёрлаш маҳсус мўлжалланган ва зарур асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар ёрдамида тайёрланади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган магазинларда товарлар харидорларнинг товарларни мустакил танлашлари ҳисобга олинган ҳолда сотишга тайёрланади. Товарларни сотишга тайёрлайдиган хоналарда кўчма касеталар, катаклар тўлдириб қўйилади, суриладиган жавонлар, стеллажлар, аравачалар тўлғазиб қўйилади; тайёр кийимлар батамом тайёр кўринишида суриладиган осгичалар, штангаларга осиб қўйилади. Газламалардан олдиндан юбкалик, қўйлаклик, костюмлик, шимлик, пиджаклик, нимчаликлар тайёрлаб қўйилади. Щар бир кийимликка узунлиги, кенглиги, кийимлик нархи кўрсатилган ёрлиқ осиб қўйилади.

Озиқ-овқат товарларни сотиш вақтига, харидорлар оқимиининг интенсивлигига, товарларнинг харид қилиш тезлигига, сифатига, нархига қараб дозаларда қадоқланади. Қадоқланадиган товарларнинг дозаланадиган микдорлари харидор талабига мос тушиши зарур.

Қадоқлаш учун қофозли, целофанли, полиэтленли пакетлар ва халтачалар, капронли қоплар, шиша банкалар, қофоз стаканлар ишлатилади. Товарларни сотишга тайёрлаш ва уларни савдо залига ўтказишида хизмат зонасида товарлар зонасининг мавжудлиги, ҳар кунги сотиладиган товар ҳажми, айрим товарларни дастлабки сотиш зарурлигини ҳисобга олиш зарур.

8.4. Товарларни савдо залида жойлаштириш ва ёйиб қўйиш

Товарларнинг жойлашуви товар гурухлари ва гурухчалари бўйича уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда савдо залига кетма-кет жойлаштирилишини белгилашдан иборатdir.

Товар айланмасининг ҳажми ва структуралари, ҳаридор талабининг характеристери савдо залида товарларни жойлаштириш учун асос ҳисобланади.

Магазиннинг савдо залида товарлар assortimenti қуйидаги этаплар бўйича жойлаштирилади:

- савдо зали майдонини товарларнинг алоҳида гурухлари бўйича тақсимлаш;
- товарларнинг гурухлар ва гурухчаларга бўлиб кетма-кет жойлаштирилишини белгилаш;
- товарларни гурухлар ва гурухчалар бўйича жойлаштиришнинг технологик чизмасини ишлаб чиқиш.

Айрим товарларни жойлаштириш учун ажратиладиган савдо зали майдоннинг катталиги харидорларнинг товарларини кўздан кечириш ва танлашга сарфланадиган вақти, харид қилинган товарларнинг габарити ва

микдори билан аниқланади. Бу омилларнинг баъзи товарларни сотиш учун савдо зали майдоннинг ҳажмига таъсири 1 хар бир кадрат метрига савдо майдонидаги товар обороти микдорининг кўрсаткичидаги ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, баъзи товарларни сотиш учун ажратилган савдо зали майдоннинг ҳажмига уларни сотиш микдори ва магазин савдо зали майдоннинг умумий кўлами ҳам таъсир кўрсатади.

Савдо залига баъзи товарлар гурухини жойлаштиришда қабул қилиш ҳамда сақлаш хоналари билан уларнинг савдо залида турган ўрни орасидаги йўлнинг қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Магазиннинг савдо залига товарларни жойлаштиришнинг кетма-кетлиги кўп жиҳатдан талабнинг кам кўплиги билан аниқланади. Харидоргир товарларни улар сақланадиган ёки қабул қилиб олинадиган хоналарга яқинроқ жойлаштириш тавсия этилади, бу эса савдо залига товарлар запасини тўлдириб туришда магазин ходимларининг сарфлайдиган меҳнатини бир мунча қисқартиради. Харидоргир товарларнинг савдо залининг ичкарисига жойлаштириш тавсия этилади, бу билан магазинга кириш ва ундан чиқиши эшиги олдида харидорларнинг тўпланиб қолишнинг олдини олади.

Кам талаб қилинадиган товарларни уларнинг сотилишини тезлаштириш мақсадида харидорлар ҳаракати йўналиши бўйлаб ўнг томонга ўрнатилган участкаларга, яъни қулай зонага жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Савдо залида товарни жойлаштиришнинг кетма-кетлигини аниқлашда уларнинг габаритлари ва оғирликлари ҳам албатта ҳисобга олинади. Оғир ва йирик габаритли товарларни харидорлар ҳаракати йўналишининг охирига ва бу товарлар сақланадиган ҳамда қабул қилиб олинадиган хоналар яқинига жойлаштирилиши зарур.

Товарларни жойлаштиришда харидорлар ҳаракати йўналиши, уларнинг психологияси, товарларнинг физик-химёвий хусусиятларини инобатга олиш керак.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шароитида харидорлар оқими ҳаракатининг асосий қонуниятларидан бири унинг соат стрелкаси ҳаракатига тескари йўналишдир. Бу йўналишнинг қулайлиги шундаки, харидорлар инвентарь саватчани чап қўлда ушлаб, унг қўл билан товарларни bemalol танлайдилар ва уларни саватчага соладилар.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда гурух товарлар ва айрим товарлар учун доимий зоналар ажратиб қўйиш савдо залига товарларни тўғри жойлаштиришдаги муҳим шартлардан биридир. Харидорлар товарларни шундай жойлаштиришга кўникадилар ва савдо залини осонликча мўлжаллай оладилар.

Савдо залига товарларни жойлаштиришдаги якунловчи этап товарларни гурухлар ва гурухчаларига қараб жойлаштиришнинг технологик чизмаларини ишлаб чиқишидир.

Савдо залида товарларнинг жойлаштиришнинг технологик чизмасига қўйидаги талаблар қўйилади:

- харидорларнинг товар гурухлари жойлашган жойи тезда мўлжаллаб олишлари ва кам вақт сарфлаб, максимал қулайликлар билан харид қилишларини таъминлаш;
- барча товарларни илғор усуллар билан сотишни ташкил қилишни таъминлаш;
- савдо майдонидан унумли фойдаланишни кўрсатиш;
- товарлар ва моддий бойликларни назорат қилиш ва сақланишини таъминлаш;
- савдо залида захираларни тўлғазиб туришнинг энг қулай ҳал қилинишини назарда тутиш.

Савдо залига товарларни жойлаштириш билан бирга товарларни сотишда уларни савдо жиҳозларига ёйиб қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Товарларни мақсадга мувофиқ қилиб ёйиши жиҳозлардан унумли фойдаланишга имкон беради, харидорлар томонидан товарларни кўздан кечириш ва танлаш шароитини яхшилайди, савдо залида захираларни тўлдириб турувчи савдо ходимининг меҳнат сарфини камайтиради.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида товарларни мақсадга мувофиқ қилиб очиқ ёйиб сотиш катта роль ўйнайди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида товарларни уйиб, тахлаб, қаторлаб, осиб, дастлаб ёйиши усуллари қўлланилади. Товарларни уйиб ёйиб қўйиш бирмунча фойдали ҳисобланади, чунки ёйишига меҳнат кам сарфланади ва жиҳозларнинг намойиш қилинадиган майдонидан унумлироқ фойдаланиш имкон яратилади. Тара - жиҳозлар ва контейнерларда товарларни уйиб қўйиш айниқса қулай. Бундай ёйилиш усулидан қўпгина озиқ - овқат маҳсулотлари учун ва бир қатор ноозиқ-овқат товарлари учун фойдаланиш мумкин .

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида чиқариб қўйишнинг вертикал ва горизонтал усуллари қўлланилади. Вертикал ёйишнинг мазкур горканинг барча токчаларига бир хил номдаги товарлар вертикал бўйича, яъни тиккасига қўйилади, бу эса товарларни кўзга яхши кўринишини ва ёйилган товарларни аниқроқ фарқлашни таъминлайди.

Бир хил номдаги товарларни горизонтал усулда ёйиб қўйишида товарларни узунасига ўрнатилган жиҳозларнинг бир ёки икки токкасига узунасига жойлаштирилади. Бу усул йирик габаритли ва касеталардаги майда товарларни реализация қилишда бирмунча фойдали.

Ёйиб қўйишнинг горизонтал усулида қўйи токчаларга талаб кучли бўлган товарларни қўйиш тавсия этилади.

Амалда очиқ ёйиб қўйишнинг аралаш усули кенг қўлланилади. Бунда товарларни горизонтал ва вертикал ёйиши усуллари бирга қўшиб олиб борилади. Бу усулларда жиҳозларга ёйиши майдонидан унумлироқ фойдаланиш ва савдо залида товарларни кўпроқ жойлаштиришга.

Жиҳозларга товарларни очиқ ёйиб қўйишида қўйидаги асосий қоидаларни ҳисобга олиш зарур:

- товарларни жиҳозларга харидорлар қўли ета оладиган даражада жойлаштириш керак;

- савдо залида товарларнинг кўзга кўринарли бўлишини таъминлаш зарур. Одамларда кўз ҳолатининг ўртача баландлиги 1650 мм га тенг эканлиги учун савдо жиҳозларида товарлар жойлаштирилиши энг қулай, яъни 1100 дан 1600 мм гача баландликдаги зонада жойлаштирилади. Шунинг учун энг қулай зонага импульс эҳтиёждаги ва секин оборот бўладиган товарларни жойлаштириш лозим;
- ўраш-жойлашда товарлар тўғрисида баён қилинган ахборотнинг яхши кўринишили бўлишини таъминлаш;
- барча кўргазма майдонларидан унумли фойдаланишни таъминлаш;
- товарнинг ва ўраш-жойлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;
- товарларни намойиш қилиш майдонларига очик ёйиб қўйиш доимий бўлиши зарур;
- харидоларга товарларни танлаш имкониятини яратиб беришни таъминлаш;
- горкаларнинг юқори токчалари, иложи борича вазни енгил бўлган товар билан тўлдирилиши зарур;
- майда товар турлари горкаларнинг ўрта токчаларига ёйилади;
- товардаги баҳо белгилари аниқ ва равshan бўлиши лозим.

Магазиннинг савдо залига товарларни жойлаштириш ва очик ёйиб қўйиш ижодий ёндошишни, аниқ шароитларни, савдо залининг катта-кичиклиги ва шаклини, савдо жиҳозларининг турларини, товарларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ва бошкаларни ҳисобга олишни талаб қиласди.

8.5. Товарларни чакана сотиши технологияси

Товарларни савдоси магазин савдо - технологик жараёнининг энг охирги босқичи ҳисобланади. Бу босқичда қилинадиган операциялар жавобгарликни талаб қиласди, чунки улар харидорларга бевосита хизмат кўрсатиш билан боғлиқдир.

Товарларни сотиши бўйича операцияларни характеристири ва тузилиши биринчи ўринда реализация қилинаётган товарларни ассортиментига ва сотиши усулига боғлиқ. Шундай қилиб ҳар куни ишлатиладиган товарларни танлашда харидор кам талаб қилинган товарларга нисбатан камроқ вақт ажратади.

Чакана савдода товар сотишининг қўйидаги усуулари ишлатилади:

- ўз-ўзига хизмат кўрсатиш;
- намуналар бўйича;
- буюртмалар бўйича.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш сотиши операцияларни тезлаштиришга, товар сотиши ҳажмини кенгайтиришга имконият яратади. Танлаб олинган товарлар ҳисоб-китоби контролёр-кассир ёрдамида амалга оширади. Ўз-ўзига хизмат қилишда сотув залининг технологик планировкаси, моддий жавобгарликнинг ташкилланиши, товар таъминоти ҳамда магазин ходимларининг функциялари ўзгаради.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида ходимларнинг вазифалари асосан, харидоларга маслаҳат бериш, товарларни сақланишини назорат қилиш, ҳисоб-китоб операцияларини бажаришдан иборат:

- харидорларни кутиб олиш ва унга сотиладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумотлар бериш;
- товарларни танлаш учун харидоларга аравача бериш;
- харидор товарларни ўзи танлаб олиши ва ҳисоб-китоб жойига олиб бориши;
- танланган товарларни ҳисоб-китоби ва чекларни бериши.

Ҷозирги вақтда магазинларда карточкалардан кенг фойдаланилмоқда. Магазин карточкалари **2** хил бўлади: дисконт ва олдиндан тўлаш.

Бошлиғич тўловни тўлагандан сўнг, дисконт карточкасининг эгаси уни ҳар кўрсатишида маълум бир белгиланган савдо скидкасига эга бўлади.

Олдиндан тўлаш картаси бўлган клиент, ҳали сотиб олмаган товар учун аванс тўлови кўринишида бўлган ўзини пул маблағларини магазин кассасига қўяди. Кейинчалик хизмат кўрсатишида клиент картасидан маблағларни оддий кўчирилиши амалга оширилади. Харидорларни олдиндан тўлаш карточкаларига қизиқтириш учун қоидага кўра, магазинлар клиентга таклиф қилинадиган керакли савдо скидкалар ва керакли савдо тизимини ишлаб чиқарди. Шундай қилиб ҳисоб-китоб карточкалар дисконт карталарида бўлган элементларни ўзи ичига олади.

Магазин карточкаларини ишлатишни магазин товар айланишига яхши таъсир этади. Бундан ташқари, олдиндан тўлаш карточкаларига эга бўлган клиент, ҳали берилмаган товарнинг қийматига магазинни кредитлайди. Бу эса магазинга қўшимча пул маблағларини беради ҳамда берилган савдо корхонасининг статуси ва обрўсини оширишга сабаб бўлади. Магазин картаси шу картани чиқарган корхонанинг самарали реклама атрибути бўлиб ҳам ҳисобланади ва нафақат магазин обрўсини, балки мижоз обрўсини ҳам оширади, чунки пластик карталар ҳозирги пайтда товарлар ва хизматлар учун обрўли тўлов бўлиб ҳисобланади.

Пластик карталар билан ишлаш магазин автоматлашган тизими асосида доимий мижозлар базасидан тўловлар киритишига ва уларни сотиб олинган нарсалари динамикасини кузатишига имконият яратади.

Ҷозирги пайтда магазинлар магнит схемали ва микросхемали карточкалардаги магазин тизимини олганлар. Карточкаларни икки тури анча қулай бўлиб ҳисобланган, чунки улар тўла ҳимоялангандир. Бундан ташқари маҳсус терминал кассаларни ишлатилиши уларни авторизациясини осонлаштиради.

Магазинларда смат-карталар бўйича хизмат кўрсатиш пунктининг ташкилланиши **3** вариантда ишлатилиши мумкин.

Биринчидан, касса хизмат кўрсатиш автоматлашган тизимининг оддий электрон касса аппаратидан фойдаланиш мумкин. Бу аппарат эса пипад орқали ПИН кодни (мижозни шахсий инденцификация номери) киритиши учун клавиатура билан ва карталардан маълумотларни ҳисоблаш учун қўшимча ускуна билан таъминланган.

Иккинчидан, маҳсусланган савдо терминал кассаси ишлатилиши мумкин.

Учинчидан, магазинда терминал сифатида ПИН-кодни чиқариш учун пинпад билан ва савдо чекларини чиқариш учун принтер билан оддий шахсий компьютер ишлатилиши мумкин.

Харидорга хизмат кўрсатишда, оператор клиент картасини пинпадга қўяди ва унга ўзини ПИН кодини киритишга таклиф қиласди. Агар ПИН код нотўғри терилган бўлса ва карта номери хизмат кўрсатишга тақиқланган рўйхатда бўлса, унда операция бажарилмайди, карта эса ҳолатга қараб ё қайтарилади ё олиб қўйилади.

Кейин сотувчи терминалда товар қийматини теради. Терминал қийматни ҳисоблайди, электрон карта маблағини янгилайди, операцияни реестрда саклаб қўяди ва савдо чекини чиқаради.

Расталарда хизмат кўрсатиш орқали товарларни сотиш қўйидаги операцияларни ўз ичига олади:

- харидорна кутиб олиш ва уни истаганини бериш;
- товарларни таклиф этиш ва кўрсатиш;
- товарларни танлашда ёрдам қилиш ва консультация бериш;
- янги товарларни таклиф қилиш;
- технологик операцияларни ўтказиш, яъни ўлчаш ва тарозига қўйиш;
- ҳисоб-китоб операциялари;

- ўраш ва харид қилинган нарсани бериш.

Магазинга келган харидор сотув персонали томонидан хушмуомали муносабат билан кутиб олиниши керак. Агар савдо зали тоза бўлса, у ҳолда харидор бу магазин ҳақиқатда яхши фикрда қолади. Харидор ниятини билиш уни моделларга, фасонларга ва бошқа кўрсаткичларга бўлган муносабатида аниқланади. Бу операция савдо персонали томонидан мулойим формада бажарилиши керак.

Харидор ниятини билгандан сўнг сотувчи керакли товарларни кўрсатади. Шу пайтда сотувчи товарлар хусусиятларига эътибор беради ва йўқ товарларни ўрнига бошқа ўхшаш товарларни таклиф қиласди. Агар керак бўлса, сотувчи шу товарлар нима учун керак, уларни қандай ишлатиш кераклиги ҳақида харидорларга зарур бўлган маслаҳатларни бериши шарт. Маслаҳатлар янги товарлар ташвиқотига қўшилиши керак ва харидорларда эстетик дидларни тарбиялаши керак. Йирик магазинларда маслаҳатларни ўтказиш учун халқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналар мутахассислари, модельерлар, врач косметологлари ва бошқа мутахассислар таклиф қилинади. Сотувчи мажбуриятларига харидорга керакли товарларни таклиф қилиш ҳам киради.

Кесиши, ўлчаш, тарозига қўйиш билан боғлиқ бўлган технологик операцияларни бажаришга кўп вақт ва меҳнат сарфланади. Уларни бажариш сифатига ва харидорларга хизмат кўрсатиш даражасига сотув персоналини малакаси ва сотувчининг иш жойида хизмат кўрсатиши даражаси таъсир кўрсатади.

Товарларни сотилиши харидор билан ҳисоб-китоб ва товарларни бериш билан тугайди.

Техник томондан мураккаб бўлган ва гарантия муддати билан бўлган товарларни сотилишида, сотувчи товар паспортида белгилар қилиши шарт, товар чекини ёзиш ва нусҳасини харидорга бериш керак.

Товарларни намуна бўйича сотиш, намуналарни сотув залида қўйилиши билан кўрсатилади ва харидор уни ўзи (ёки сотувчи ёрдамида) кўради, товар танлангандан ва харид қилингандан кейин сотувчи харидорга намунага ўхшаш товарни беради. Савдони бу усулида ишчи захираларни намуналари алоҳида бўлган ҳолда жойлаштирилади. Бу усул шуниси билан қулайки, хатто майдони кичик бўлган савдо залида жуда кенг ассортиментдаги товарлар намуналарини қўйиш мумкин. Одатда бу усул техник томондан мураккаб бўлган ва катта габаритли товарларни сотища ишлатилади. Бу усул билан музлаткичлар, кир ювиш машиналари, иситиш ва ёритиш ускуналари, тикув машиналари, телевизорлар, радиоприёмниклар, мусика асбоблари, мотоцикллар, мотороллер, велосипедлар, мебеллар, газламалар ва бошқа товарларни сотишини амалга оширади.

Сотув залида қўйилган товар намуналари - товар номи, артикули, сорти, ишлаб чиқарувчининг номи, нархи аниқ кўрсатилганлар билан таъминланган бўлиши шарт. Керак бўлган вақтда сотувчилар харидорларга консультатив ёрдам кўрсатишади.

Намуналар бўйича катта габаритли товарларни сотилиши уларни магазин омборларидан, улгуржи базаларидан ёки саноат ишлаб чиқарувчи корхоналаридан харидор уйига етказиб бериш билан фарқланади. Бу эса ўз навбатида омборхоналардаги чакана савдо корхоналарига булган эҳтиёжни қисқартиришга, транспорт харажатларини камайтиришга ва харидоларни сотиб олинган товарларни етказиши билан бўлган қийинчиликларни осонлаштиришга имкон яратади.

Товарлар очиқ таҳланган ҳолда сотилишида харидорлар ўзлари сотувчи иш жойида қўйилган товарларни кўриш ва танлаш имкониятларига эгадирлар. Улар расталарга, пештахталарга, стендларга қўйилади. Бу усулда товарларни сотилишида сотувчи функцияларига харидорларга маслаҳат бериш, тарозида тортиш, ўраш ва танланган товарларни беришдан иборатдир.

Щисоб-китоб операциялари савдо залида ўрнатилган хоссаларда ёки сотувчининг иш жойида амалга оширилиши мумкин.

Товарларни очиқ таҳланган ҳолда сотилиши бошқа усулларга қараганда анча қулай, чунки кўп харидорлар сотувчиларни ўз функцияларини бажаришда чалғитмасдан туриб, ўзи очиқ ҳолда қўйилган товар намуналарини кўриш имкониятига эгадирлар. Бу усул эса ўз навбатида товарларни сотиш бўйича операцияларни тезлаштиришга, магазин маҳсулотларини ўтказиши имкониятларини оширишга ва сотувчини меҳнат қилиш ҳажмини оширишга катта имкониятлар яратади.

Таянч иборалар

Технологик жараён. Сотиш. Хизмат кўрсатиш. Сақлаш. Асосий жараёнлар.

Асбоб-ускуналар. Меҳнат унумдорлиги. Моддий-техника базаси. Товар харид қилиш. Самарали савдо. Савдонинг илгор усуллари. Тара-жихозлар. Карта-схема. Кантейнерлар. Товарларни қабул қилиш. Микдор. Сон. Сифат.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Магазин савдо-технологик жараёни қандай қисмлардан иборат ?
2. Магазинда иш фаолиятини самарали ташкил этиш қандай принципларини биласиз?
3. Товарларни сақлашда нималарга эътибор бериш керак?
4. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида товарларни сотишга тайёрлашда қандай ўзига яраша хусусиятлари мавжуд?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2003 йил якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўнўлишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси.Т. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2004 йил 10 февраль, 16 сони.
2. Голубков Е.П. Маркетинговъе исследования: теория.меторология и практика: Учебник.-3-е изд.,Перераб. и доп.-М.:Издательство «Финпресс», 2003,-496 с.
3. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.
4. Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъх процессов» М. Экономика 2001.
5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
6. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъх предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 .

Қўшимча адабиётлар:

1. Аванесов Ю.А.,Клочко и другие. «Основы коммерции».М., То «Пюкс-арт», 1995.
2. Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
3. Замковский Д. Я.Оптовая торговля непродовольственнўми товарами. М. Экономика, 2000.
4. Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 2002.
5. 9. “@RUS”- <http://atrus.ru/>;
6. 10.List .RU- <http://www.list.ru/>;
7. 11.Russia on the Net- <http://www.ru/>;
8. www.katalog.7st.ru.maket.php

9 - МАВЗУ. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ ТОВАР ТАЪМИНОТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ. (2 соат) Режа

- 9.1. Товар етказиб берувчи ташкилотнинг моҳияти ва унинг олдига қўйиладиган асосий талаблар.**
- 9.2. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашнинг ритмлилик даражаси.**
- 9.3. Товар таъминоти шакллари.**
- 9.4. Чакана савдо тармоғига товарларни ташиб келтириш схемалари.**

9.1. Товар етказиб берувчи ташкилотнинг моҳияти ва унинг олдига қўйиладиган асосий талаблар

Чакана савдо тармоғини товар билан таъминлаш деганда товарларни чакана савдо корхоналарига етказиб беришдаги тижорат ва технологик операциаларнинг мураккаб комплексини ўзида акс эттирувчи тадбирлар тизими тушунилади. Чакана савдо корхоналарида рационал ташкил этилган товар таъминоти товарлар ассортиментининг тўлиқлиги ва барқарорлигини, товар заҳираларининг зарурый даражасини, аҳоли талабини қондиришни ҳамда савдо ташкилотлари ва корхоналари ишининг юқори молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таъминлайди, яъни кафолатлайди.

Чакана савдо корхоналари товар таъминотини ташкил этишда қўйидаги асосий талабларни ҳисобга олиш керак:

- Таъминотнинг манбалари ва мақбул шакллари саноат ва бошқа ишлаб чиқувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ҳажми, ассортименти, чакана савдо корхонасининг таъминотчи савдо корхоналаридан худудий узоқлиги билан аниқланиши керак;
- Товарларни ташиб келтириш аҳоли талаби ҳамда магазинлар учун ўрнатилган мажбурий ассортимент режаси асосида амалга оширилиши керак;
- Келтирилайдиган товарлар ҳажми корхона типи, қуввати, товар айланмасини характерловчи ҳажми ва савдо майдонининг ўлчамлари билан аниқланиши керак. Савдо корхоналарини тегишли савдо-технологик воситалар (холодильники воситалар билан ва ҳ.к.) билан тўйинганлиги алоҳида аҳамиятга эга;
- Бир вақтда етказиб бериладиган товар партияси ҳажми мавжуд товар заҳиралари, кундалик ўртача реализация микдори ва ташиб келтиришни ўрнатилган вақт оралиғи асосида ҳисобланиши керак;
- Товар таъминотининг мукаммал ишлаб чиқарилган тизими товарларни ташиб келтириш ва сақлашдаги харажатларни минималлаштиришни таъминлаши керак.

Чакана савдо корхоналарининг товар таъминоти қуидаги асосий тамойилларга асосланиши керак:

- Режага асосланиш;
- Ритмлилик;
- Тезкорлик;
- Иқтисодий аҳамиятга эга бўлиш;
- Марказлашганлик;
- Технологиклик.

Режага асосланиши чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлаш жараёнининг режа билан олиб борилишини ифодалайди. Магазин ва бошқа сотиш пунктларига товарларни келтириш ассортимент турларни ҳисобга олган ҳолда, режа графиклари асосида олиб борилиши керак.

Таъминотнинг **ритмлилиги** товарларни бир хил вақт оралиғида келтирилишини кўзда тутади. Товарларни магазинларга етказиб беришдаги ритмлилик товар айланмаси тезлигини ошириш, чакана савдо корхоналари ишини товар етказиш муддати бузилган ҳолатларда тўхтатмаслик учун керак бўлган ортиқча товар заҳиралари пайдо бўлишининг олдини олади. Ундан ташқари, чакана савдо корхонаси товар таъминотининг ритмлилиги омбор, улгуржи база, транспорт корхоналарининг ишлаши учун оптималь шароитлар яратади. У ишчи кучидан унумли фойдаланиш имконини беради.

9.2. Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашнинг ритмлилик даражаси.

Чакана савдо корхоналарини товар билан таъминлашнинг ритмлилик даражасини аниқлаш учун таъминотнинг **ритмлилик коэффициенти** кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин:

$$K_p \leftarrow \Sigma P_\phi / \Sigma P_n$$

P_ϕ – тегишли давр учун товарнинг реал етказиб берилиши;

P_n – ҳар бир давр учун товарнинг график асосида етказиб берилиши.

Товар таъминотини рационал ташкил этишнинг муҳим шарти бўлиб, унинг **тезкорлиги** саналади. Бу тамойил товар ларни ташиб келтириш товарларга бўлган талаб ўзгариши, мавсумий ва бошқа тебранишлар ҳисобига кўпайтирилиши ёки қисқартирилиши керак, деб қарайди. Чакана савдо тармоғини товар билан таъминловчи улгуржи база ва бошқа корхоналар бундай ўзгаришларни тезкорлик билан ҳисобга олишлари ва ўзгаришиш киритишлари керак. Бунинг учун улар чакана савдо корхоналаридан ўз вақтида товарлар реализацияси ва товар заҳиралари ҳолати ҳақидаги ахборотни олишлари керак.

Товар таъминотининг **иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши** товарларни чакана савдо тармоғига етказиш жараёнида иш вақти, материал ва пул воситаларининг минимал харажатларини акс эттиради. Бу тамойил асосида транспорт воситалари, ортиш-тушириш ишлари механизацияларидан

фойдаланиш, товар ҳаракатининг рационал звеносини ўрнатиш, товар ҳаракатининг ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача бўлган оралиғида ортиқча омбор технологик операцияларини йўқотиш, товар қабул қилиш ва топширишда хужжатларни аниқ расмийлаштиришнинг самарадорлигига эришилади. Шундай қилиб, чакана савдо тармоғининг товар таъминоти юк айланишини камайтиришни, оптимал тарзда звенолаштиришни, товар партиялари ўлчами ва етказиб бериш частоталарини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган товар олиб киришнинг рационал схемалари асосида амалга оширилиши керак.

Марказлашганлик чакана савдо корхоналарини етказиб берувчи корхона кучи ва воситалари асосида товар билан таъминлашни назарда тутади. Бунинг натижасида магазин ишчилари товар таъминотига тижорий жиҳатдан жавобгар бўлишларига қарамасдан, ўзларининг бевосита харидорларга хизмат кўрсатишдан чалғимайдилар.

Товар таъминотининг барча босқичларида қабул қилинадиган прогрессив-**технологик** қарорлар асосида товар билан таъминлаш амалга оширилиши керак. Бу ерда чакана савдо тармоғини товар билан таъминлашни саноатлаштириш (индустриализация)нинг асоси бўлган модулли транспорт тизимлари катта роль ўйнайди.

Чакана савдо тармоғини товар билан таъминланишини ташкиллаштиришга қўйидаги муҳим омиллар таъсир кўрсатади:

- Товар таъминоти жараёнининг бошқарилиш даражаси;
- Товарларга бўлган талабни аниқлаш учун ишлатиладиган тижорат ахборотларининг ҳаққонийлиги;
- Чакана савдо тармоғининг жойлашганлиги;
- Омбор хўжалигининг жойлашганлиги ва ҳолати;
- Транспорт шароитлари;
- Чакана савдо корхоналарининг савдо-технологик воситалар билан таъминланганлиги.

9.3. Товар таъминоти шакллари ва чакана савдо тармоғига товарларни ташиб келтириш схемалари.

Товарларнинг кўпи улгуржи корхонадан чакана савдо тармоғига ташиб келтирилади. Нон ва нон маҳсулотлари, сут ва гўшт маҳсулотлари сингари кундалик талабдаги истеъмол товарлари корхонага бевосита ишлаб чиқариш корхонасидан келтирилади. Йирик маҳсуслаштирилган универсал магазинларга транзит асосида саноат корхоналаридан бошқа товарлар, жумладан, мураккб ассортиментли товарлар келтирилиши мумкин. Мураккаб ассортиментдаги (маданиятга доир товарлар, кийим-кечак, пойафзал ва х.к.) товарларнинг кўпчилиги дўйонга бутловчи корхоналар, шахсий тадбиркор ёки фермер хўжаликларидан келади.

Товар таъминоти манбасининг танланиши кўп омилларга боғлиқ:

- Товар ассортименти;
- Дўкон типи ва ўлчамлари;

- Товар айланиш ҳажми;
- Дўконларни доимий тарзда таъминланиш имконияти;
- Товар ҳаракати звенолари сони;
- Товар айланиш тезлиги;
- Транспорт харажатлари қиймати.

Товарларнинг қаердан келаётганига, яъни манбасига қараб чакана савдо тармогини товар билан таъминлашнинг транзит ва омбор шакллари кўлланилади.

Товарларни магазинларга етказиб беришнинг **транзит шакли** бевосита саноат ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналаридан амалга оширилади. Бундай шаклда товар айланиши тезлашади, товарнинг ушланиб қолиниши қисқаради, йўқотилиши камаяди. Шунингдек, товар таъминотининг бу шакли чакана савдо тармоғининг кўплиги ва йўналганлиги туфайли чекланган тарзда кўлланилади. Бу шакл асосан оддий ассортиментдаги товарлар, шунингдек, истеъмол туманларида ишлаб чиқарилиши амалга ошириладиган (нон ва нон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари ва х.к.) товарлар учун қўлланилади.

Қайта сортировкага эҳтиёж сезадиган мураккаб ассортиментдаги товарларнинг **омбор шакли** дўконга улгуржи корхона омборларидан келтирилади.

Чакана савдо корхоналари товар таъминотининг оптималь манбалари ва шаклларини ҳар бир товар групҳи учун ишлаб чиқилган ташиб келтириш схемалари ёрдамида танлаш мумкин. Бу схемалар товарнинг саноат корхоналари, улгуржи база ва бошқа етказиб берувчилардан чакана савдо корхоналарига ҳаракат қилиш тартибини ҳар бир товар групҳи, зарурий ҳолатларда алоҳида кичик товар групҳи бўйича аниқланади. Схемалар товарларни ҳар бир чакана савдо корхонасига етказиб берилишининг аниқ тартибини назарда тутади. Уларни ишлаб чиқиш бир қатор тамойиллар асосида амалга ошириш тавсия этилади. Масалан, истеъмол кооперациясида схема қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- Товарларнинг керакли ва минимал оралиқ омбор звеноларидан ўтиши: саноат корхонаси-туманлараро улгуржи база-дўкон;
- Мураккаб ассортиментли товарларнинг угуржи савдосини йирик туманлараро улгуржи базалари орқали бир йўналишга қўйилиши;
- Товарларни чакана савдо тармоғига марказлашган тарзда етказиб берилишининг кенгайиши;
- Товарларнинг ҳаракатланувчи омборлар, товар намуналари зали, товаршунослар ва почта операциялари орқали амалга ошириладиган кенг улгуржи савдоси.

Товарлар ташибининг схемасини ишлаб чиқиш учун, энг аввало, товар ҳаракатининг туманлараро улгуржи базаси ва туман кооператив ташкилотларининг улгуржи корхоналаригача бўлган йўли аниқланади. Товарларнинг бу улгуржи звеноларга саноат корхоналари, товар чиқувчи

бошқа манбалар ва савдо-сотиқ базаларидан ташиб келиниши кўриб чиқилиши лозим.

Мураккаб ассортиментли товарларнинг улгуржи савдосини йирик туманлараро улгуржи базалари орқали бир йўналишга қўйиш майда улгуржи корхоналарда бу товар ларнинг чанг босиб қолишига тўсқинлик қилади ва ишлаб чиқариш корхоналари билан рационал алоқани ўрнатиш имкониятини туғдиради.

Бир қатор талабларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган товарларнинг улгуржи корхоналарга олиб кириш схемалари шу товарларни чакана савдо тармоғига олиб киришнинг аниқ схемаларини ишлаб чиқишига асосланади.

Улгуржи базалар билан бир қаторда чакана савдо корхоналарига улгуржи корхоналар орқали айланиб ўтган ҳолда келтирилиши лозим бўлган товар схемалари ишлаб чиқилади. Уларда маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги товар ларининг магазинларга ташиб келтириш тартиби кўриб чиқилади. Бу, биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотлари, сут ва гўшт маҳсулотлари ва бошқаларни ташиб келтиришга тегишли.

Товарларни улгуржи корхона ва чакана савдо тармоғига олиб кириш схемаларини ишлаб чиқишида малакали савдо ходимлари иштирок этишлари керак.

Товарларни ташиш схемалари доимий тарзда кўриб чиқилиши, товар келишининг янги манбаларини пайдо бўлиши ёки бошқа ҳолатлар аниqlаниши керак.

Таянч иборалар

Товар таъминоти. Рационал ташкил этиш. Оралиқ омбор звенолари.. Мураккаб ассортиментли товарлар. Туманлараро улгуржи базалар. Товарларнинг омбор шакли. Товарларни транзит шакли Хизмат кўрсатиш. Сақлаш. Асосий жараёнлар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Магазин савдо-технологик жараёни қандай қисмлардан иборат ?
2. Магазинда иш фаолиятини самарали ташкил этиш қандай принципларини биласиз?
3. Товарларни сақлашда нималарга эътибор бериш керак?
4. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида товарларни сотишига тайёрлашда қандай ўзига яраша хусусиятлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Егоров В.Ф. Организация торговли. М.-Санкт-Петербург: Питер.2004.
2. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.

3.Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъх процессов»
М. Экономика 2001.

4. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
5. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговых предприятий. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Аванесов Ю.А., Ключко и другие. «Основы коммерции». М., ТО «Плюкс-арт», 2000.
2. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: Учебник.-3-е изд., Перераб. и доп., М.: Издательство «Финпресс», 2003,-496 с.
3. Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2002.
4. Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговых процессов» М. Экономика 2001.
5. WWW. PITER.COM.
6. Rambler-<http://www.rambler.ru/>;
7. Яндекс- <http://yandex.ru/>;

ИЗОХЛИ ЛУ/АТ

Технология - у ёки бу ишни бажариш учун керак бўлган операция, ҳаракат ва усуслар кетма-кетлигидир.

Транспорт омиллари: транспорт алоқа йўлларининг ҳолати, товарларни етказиб беришда қўлланадиган транспорт турлари.

Ишлаб чиқариш омиллари: ишлаб чиқариши жойлаштириш, ишлаб-чиқариш ташкилотларини ихтисослаштириш, айрим товарларни мавсумий ишлаб чиқариш.

Савдо омиллари : савдо ташкилотларини жойланиши, катта-кичиклиги, ихтисослашганлиги, товар ассортиментини мураккаблик даражаси ва уларни хусусиятлари, чакана савдо тармоқларини товар таъминланишини ташкил этиш даражаси.

Умуммиллий даражасидаги улгуржи ташкилотлар - товарларни бутун мамлакат бўйлаб сотадиган ташкилотлар.

Улгуржи айланма ташкилотчилари - бу товар биржалари, улгуржи ярмаркалар, аукционлар, улгуржи озиқ-овқат бозорлари.

Сараловчи-тақсимловчи омборлар - одатдаги (текущий) товар захиралирини тўплашга мўлжалланган омборлар.

Транзитли - ўтказиб юборувчи омборлар темир-йўл станцияларида, сув бўйлари пристанларида жойлашиб, юкларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиб юборадиган омборлар.

Мавсумий сақлаш омборлари - картошка ва сабзавотлар омборхоналари ва мавсумий товарларга ишлов бериш ва сақлаш омборлари.

Муддатдан олдин келтирувчи омборлар - узок вақт мобайнида сақланадиган товарлар жойлаштириладиган омборлар.

Тўплаб борувчи омборлар- саноат корхоналаридан кичик партияда товарларни қабул қилиб, катта партияларда истеъмол қилувчи районларга жўнатишадиган омборлар.

Универсал омборлар - озиқ-овқат ёки ноозиқ-овқат товарларининг кенг ассортименти мужассамланадиган омборлар.

Ихтисослашган омборлар - бир товар ёки бир неча бир бирига мос келган товар гурухларини сақлайдиган омборлар.

Умумтовар омборлар - маҳсус режимни талаб қилмайдиган озиқ-овқат товарлари сақланадиган омборлар.

Маҳсус омборлар - сабзавот сақловчи омборлар, совуткичлар ва бошқалар киради.

Ёрдамчи хоналар - идишларни, кўп оборотли контейнерларни сақлашга мўлжалланган хоналар.

Қўшимча-техник хоналар - машина бўлимлари, вентиляция камералари, иситиш, хўжалик моллари ва инвентарларни сақлаш, таъмирлаш хоналар.

Административ-маиший хоналар - административ-контора хизматлари, дам олиш ва овқатланиш жойлари, қизил бурчаклар, гардероб, товар намуналари зали, душ, санитари узеллари учун мўлжалланган хоналар.

Товар намуналари зали - бевосита ҳисоблаш маркази ёки маълумотларни механизациялашган усулда ишлов бериш бюроси хоналари.

Кранлар юкларни вертикал ва горизонтал ташилишида ишлатиладиган мослама.

Қадам - кўндаланг қўйилган устунлар, яъни деворлар орасидаги масофа.

Оралиқ - узунасига қўйилган конструкциялар орасидаги масофа.

Қават баландлиги - шип билан пол ўртасидаги масофа.

Резервуар - пўлатдан тайёрланган, сифими 5,10,25,50,75,100 куб.м. бўладиган, нефть маҳсулотларини қўйиш ва тўкиш, ва ҳаво чиқариш учун мослама.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Тошкент. «Ўзбекистон» Нашриёт-МАТБАА Ижодий уйи, 2005 й.
- 2.Каримов И.А. 2003 йил якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-«Ўзбекистон овози» газетаси, 2004 йил 10 февраль, 16 сони.
- 3.Егоров В.Ф. Организация торговли. Учебник. Москва-Санкт-Петербург: Питер.2004.
- 4.Л.П.Дашков, В.К.Памбухчиянц. Организация, технология и проектирование торговъюх предприятий. Учебник. Москва: ИВЦ Маркетинг, 2001 г
- 5.Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. Учебник. Москва: Издательский дом «Дашков и К», 2000.
- 6.Панкратов Ф. Г., Памбухчиянц В. К. «Коммерция и технология торговли», М. ИВЦ «Маркетинг» 2000.
- 7.Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговъюх процессов» М. Экономика 2000.
8. Маркетинг. Журнал в России и зарубежом. Москва. 2003
9. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Коммерция и технология торговли. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2006 г.
10. Дашков Л.П., Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговъюх предприятий. Учебник. М.:«Дашков и К°», 2006г.
- 11.www.dis.ru
- 12.WWW. PITER.COM.
13. Rambler-<http://www.rambler.ru/>.
- 14.Яndex- <http://yandex.ru/>.

Қўшимча адабиётлар:

1. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000, 528б.
2. **Каримов И.А.** Иқтисодиётни эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори. Т.: Тошкент оқшоми.№87. 24 июль 2000.
3. **Каримов И.А.** Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш – устивор вазифа. – Т.: Щалқ сўзи. №9. 12январь 2001 й.
4. **Каримов И.А.** Иқтисодиётнинг эркинлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш асосий мақсадимиз. Т.: Халқ сўзи. 2002

йил 15 февраль

- 5.Аванесов Ю.А.,Клочко и другие. «Основы коммерции».М., То «Пьюкс-арт», 2000.
- 6.Бурмистров В.Г. Организация торговли **непродовольственными** товарами. М.: Экономика, 2000.
- 7.Денсбург В., Манкрид Р., Тейлор В. Основы оптовой торговли. Санкт-Петербург, Нева-Ладогаонсга, 2000.
- 8.Замковский Д. Я.Оптовая торговля **непродовольственными** товарами. М. Экономика, 2001.
- 9.Панкратов Ф.Г и другие. «Организация и технология торговых процессов» М. Экономика 2000.
- 10.Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. Учебник. Москва: Издательский дом «Дашков и К», 2000.
- 11.Панкратов Ф.Г., Серегина Т.К. «Коммерческая деятельность». М.: ИВЦ «Маркетинг», 1996.
12. [www.4p.com.ua.\(books\)4.html](http://www.4p.com.ua.(books)4.html)
- .13.“@RUS”- [http://atrus.ru./](http://atrus.ru/);
- 14.List .RU- <http://www.list.ru/>;
- 15.Russia on the Net- <http://www.ru/>;

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ:

1. Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. Учебник. Москва: Издательский дом «Дашков и К», 2000.

Ушбу дарсликда «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанига таалуқли қуйидаги мавзулар ёритилган:

1. Технология снабжения розничнүх иорговүх предприятий.
2. Тара и тарнүе операции.
3. Технология приёмки товаров.
4. Технология хранения и подготовки товаро к продаже.
5. Технология размечения и вўкладки товаров в торговом зале.
6. Технология продажи товаров.

2. Егоров В.Ф. Организация торговли. Учебник. Москва-Санкт-Петербург: Питер.2004 г.

Ушбу дарсликда «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанига тегишли қуйидаги мавзулар ёритилган:

1. Торговёе и технологические процессы в торговүх предприятиях.
 2. Оптовёе торговёе структурь.
 3. Организация тарного хозяйства.
 4. Организация тарного хозяйства.
 5. Товарнёе складў в торговле.
 6. Организация работў на складах.
 7. Транспортнёе операции.
3. Л.П.Дашков, В.К.Памбухчиянц. Организация, технология и проектирование торговүх предприятий. Учебник. Москва: ИВЦ Маркетинг, 2001 г.

Ушбу дарсликда «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанига таалуқли қуйидаги мавзулар ёритилган:

1. Основў построения процесса товародвижения.
2. Оптовёе торговёе предприятия, их функции, типў и видў.
3. Товарнёе складў, их устройство и планировка.
4. Технологическое оборудование складов.
5. Тара и тарнёе операции в торговле.
6. Организация перевозки товаров.

**«Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш»
фанини ўқитиши жараёнида янги педагогик технологиялардан
фойдаланиш услугбий кўрсатмалари**

ТРЕНИНГ «МУЛОҚОТ»

1-мавзу: Савдо жараёнлари технологиясини тузилиш асослари.
(Тақдимот усулидан фойдаланилади)

2-мавзу: Улгуржи савдо ташкилотлари, уларни вазифалари,
типлари ва турлари.
(Слайдлардан фойдаланилади)

3-мавзу: Товар омборлари, уларни тузилиши ва планировкаси
(Плакатлардан фойдаланилади)

4-мавзу: Юкларни транспорт воситаларида бошқа жойга ташиш
технологияси. (Янги қонунлардан фойдаланиш)

ТРЕНИНГ ХАҚИДА ТУШУНЧА

Тренинг жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаши, дарс жараёнида талабаларни дискуссия қилишга қаратилган бўлиб, бундай машғулотлар асосан амалиёт дарсларида олиб борилади.

МАҚСАД

Талабаларнинг билим олиш даражасини юксалтириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, муаммо асосида талабаларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, баҳслашларига шароит яратиш.

ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ

Амалий машғулотни бошланишидан аввал тингловчиларни мулоқат баҳс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан тиништиради, сўнгра ушбу тренинг БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ўтказилишини тушунитиради.

1-БОСҚИЧ

Машғулотлар мулоқатнинг мавзусини аниқлашдан бошланади, Масалан, «Товарларни мазилига етказишда қандай жараёнлар амалга оширилади?». Шу мавзуни ўртага ташлаб тингловчилардан хужжатлар хақида маълумот олади. Талабаларни 2 гурӯхга бўлади.

2-БОСҚИЧ

Талабалар ўз мавзулари асосида керакли материаллар: далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, мақолалар, иқтисодяи олимларнинг сўзларидан фойдаланадилар. Гуруҳни аудитория раҳбари бошқаради.

3-БОСҚИЧ

Талабалар мулоқатга тайёр бўлгач, педагог гуруҳларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради(ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гуруҳ вакили гурӯҳ номидан сўзга чиқиб уларга берилган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Гуруҳ вакили сўзини тугатгач, гуруҳнинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

4-БОСҚИЧ

Машғулотнинг 3-БОСҚИЧИдаги каби бу БОСҚИЧда ҳам педагог навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. 2-гуруҳ ҳам 1-гуруҳ каби ўз мавзуси бўйиса ҳимоя қиласи. Щимоя тугагач, педагог машғулотнинг кейинги БОСҚИЧИга ўтади. Хар иккала гуруҳнинг ҳимояси вақтида педагог иложи борича уларга халақит бермасликка ҳаракат қиласи. Щеч қайси гуруҳга ён босмаган холджа мулоқатни бошқаради, гуруҳлар ҳимояси вақтидатартиб сақлашига ва мулоқатни ўтказишга қўйилган талаб, қоидаларни тўлиқ бажарилишига ҳаракат қиласи. Иккала гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

Амалиёт оҳирида педагог ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга ўз миннатдорчилигини билдиради ва машғулотни якунлайди. Ушбу педагогнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

АҚЛИЙ ЩУЖУМ

Ақлий ҳужум гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган қўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган усулдир. Бу хақиқатдан ҳам талабаларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи усулдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади. Ўқитувчи савол ёки мавзуни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўқув фаоллиги 5-10 дақиқа оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади. Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланилиши мумкин: масалан, қандайдир мавзуни муҳокама қилиш учун янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир мұааммони ҳал этиш учун.

ФИКРЛАР ЩУЖУМИ

Гурухлар жамоа бўлиб «Фикрлар хужуми»ни олиб бориши. Бу усулдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йигиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш ғоясидан холи қилиш, ижодтй вазифаларни ечиш жараёнида дасилаб пайдо бўлган фикрларни ечишдир. Бу усулнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқкан ғоялар танқидини мутлоқ тақиқлаш хар қандай луқма ва ҳазил мутойибани рағбатлантиришдир. Бу усулдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи – машғулот раҳбарига боғлиқ. «Фикрлар хужуми» иштирокчилари миқдори 10-20 кишидан ошмаслиги керак.

Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

Барча иштирокчилар кичик-кичик 6-7 кишидан иборат гурухларга бўлинади ва ҳар бир кичик гурух хал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда ўзаро «Фикрлар хужуми» ўtkазади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гурух вакили ўз гурухларидан ишлаб чиқилган ғоя хақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигига жамоа бўлиб, унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинади ва баҳоланади.

**«САВДО ЖАРАЁНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ» фанидан
ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯНИ
қўллаш бўйича тайёрланган материаллар
(слайдлар учун)**

1-СЛАЙД

**1-МАВЗУ. САВДО ЖАРАЁНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТУЗИЛИШ
АСОСЛАРИ**

Товарларни тармоқлардан ўтиб бориши.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хом ашё давридан то истеъмол давригача битта, иккита ёки ундан кўпроқ тармоқлардан ўтиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқаришда тармоқлар бир-бири билан узлуксиз боғлиқдир.

Биринчидан, табиий бойликларни саноатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, боғдорчилик, балиқчилик, ҳирмон ресурсларини етказиш жараёнини ўз ичига олади.

Иккинчидан, биринчи гуруҳ тармоқларига қайта ишлов берувчи тармоқлар киради. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш, матолардан кийим -кечаклар тикиш, ўрмон маҳсулотлардан мебеллар ясаш ва ҳоказолар.

Учинчидан эса, биринчи ва иккинчи гуруҳ ишлаб чиқариш тармоқларига хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Улар хом ашё ва товар маҳсулотларини сақлаш, савдо-сотик, реклама ва ахборот билан таъминлашдан иборатдир.

**Технологик жараёнларнинг рационал тузилиш
тамойиллари.**

Технологик жараённи рационал ташкил этиш қўйидаги асосий тамойиллардан иборат:

- товарларни келтиришда қисқа йўлларни қўллаш;
- чакана савдо тармоқларини таъминлашда марказлашган етказиш усулларини кенг қўлланиши билан биргаликда товарларни келтириш оптимал шакли ва поғоналарини белгилаш;
- рационал транспорт воситаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- ортиш-тушириш ва омбор ишларида механизация воситаларини ва тара жиҳозларини кенг қўллаш;
- товар ҳаракатини технологик занжирларини доимо такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

2-СЛАЙД

2-МАВЗУ. УЛГУРЖИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, УЛАРНИ ВАЗИФАЛАРИ, ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Улгуржи савдони замонавий масалалари.

Улгуржи савдони олдига қўйиладиган янги масалалар, янги мақсадлар кўзда тутилади:

- товархаракати каналларини ривожланган структурасини тузиш;
- товар оқимини керакли интенсивлашини қўллаш;
- товархаракати жараёнини молиявий таъминлашни қўшимча манбаларини шакллантириш;
- муомала ҳаражатларини камайтиришни таъминлаш.

Улгуржи савдони улгуржи харидорларга нисбатан вазифалари қўйидагилар:

- талаб ва таклифни баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ассортиментини савдо ассортиментига айлантириш;
- товар заҳираларини тўплаш ва саклаш;
- товарларни етказиб бериш;
- кредитлаш;
- информацион ва консалтинг ҳизматини амалга ошириш.

Улгуржи савдони товар таъминловчиларга нисбатан вазифалари:

- тижорат фаолиятини бир жойга тўпланиши;
- товарга бўлган мулк шаклини ўзгариш жараёнини қуллаб-қувватлаш;
- товархаракати жараёнини инвестиция ёрдамида таъминлаш;
- тижорат вазифасини камайтириш;
- маркетинг ҳизмати.

3-СЛАЙД

3-МАВЗУ. ТОВАР ОМБОРЛАРИ, УЛАРНИ ТУЗИЛИШИ ВА ПЛАНИРОВКАСИ

Омборларнинг вазифалари.

Омборлар қўйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- таъминловчилардан товарларни олиш ва уларни сифатини назорат қилиш;

- товар захираларини тўплаш, уларни сақлаш шароитларини таъминлаш;
- товарларни саралаш ва сотишга тайёрлаш;
- улгуржи харидорларни буюртмаларини комплектлаш;
- чакана савдо тармоқларини товар билан таъминлаш.

Омборларнинг турлари

Омборлар бажариладиган вазифаларни характерига қўра сараловчи-таҳсимловчи, транзитли-ўтказиб юборувчи, мавсумий сақловчи, олдиндан келтирувчи ва жамғарувчига бўлинади.

Сараловчи-таҳсимловчи омборларда одатдаги (текущий) товар захираларини тўплаш мақсад қилиб қўйилади. Бу омборларда товарлар узоқ муддат сақланмаганлиги туфайли уларнинг асосий вазифаларига товарларни сон ва сифат бўйича қабул қилиш, уларни саралаш ва беришга тайёрлаш ва чакана савдо тармоғига жўнатиш киради. Буларга истеъмол районларида жойлашган улгуржи савдо базалари, ҳамда чакана савдо ташкилотларининг омборлари киради. Бу омборларда чакана савдо ташкилотлари учун қулай ассортиментдаги товар оқимлари шаклланади ва савдо тармоқларига жўнатилади.

Транзитли - ўтказиб юборувчи омборлар темир-йўл станцияларида, сув бўйлари пристанларида жойлашиб, юкларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиб юбориш мақсадида қабул қиласди. Бу омборлар юкларни қабул қилишни, қисқа муддатли сақлашни ва жўнатишни амалга оширади.

Мавсумий сақлаш омборларига картошка ва сабзавотлар омборхоналари ва мавсумий товарларга ишлов бериш ва сақлаш омборлари киради.

Муддатдан олдин келтирувчи омборларда узоқ вақт мобайнида сақланадиган товарлар жойлаштирилади. Бундай омборлар йилнинг айрим даврларида етказиш қийин бўлган районларда ташкил этилади.

Тўплаб борувчи омборлар саноат корхоналаридан кичик партияда товарларни қабул қилиб, катта партияларда истеъмол қилувчи районларга жўнатишади.

Ассортимент фазилатига қараб омборлар универсал ва ихтисослашган бўлади.

Универсал омборларда озиқ-овқат ёки ноозиқ-овқат товарларининг кенг ассортименти мужассамланади. Бундан ташқари, бу гурухга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларни асосий гурухларини сақлашга мўлжалланган омборларни киритиш мумкин. Бундай омборлар матлубот жамиятларининг омбор тармоғини асосий қисмини ташкил этадилар.

Ихтисослашган омборлар бир товар ёки бир неча бир бирига мос келган товар гурухларини сақлашга хизмат қиласдилар.

Омборлар ўрнатилган сақлаш режимларига қўра **умумтовар** ва **махсусларга** бўлинади.

Умумтовар омборлари савдодаги омборларни асосий тuri ҳисобланиб, уларда маҳсус режимни талаб қилмайдиган озиқ-овқат товарлари сақланади.

Махсус омборларга сабзавот сақловчи омборлар, совуткичлар ва бошқалар киради.

Омбор майдонларига ва омбор ҳажмига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.

Янги қурилишларни ёки ишлаётган омборларни реконструкция қилиш саволларига ечимларни топишда, омбор майдонларига ва ҳажмига бўлган эҳтиёж қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$S_n \leq NQ,$$

Бунда S_n - омбор майдони (ҳажми)га бўлган эҳтиёж; N - сифими 1 млн сўм товар захирасига тўғри келадиган нормативи; G - омборда сақланиши мумкин бўлган товар захираси.

Омбор майдонини (умумтовар майдонлари учун) товар захираларини шартли икки ўқли вагон сонида ва куб метрда, ҳамда (совутгич ва сабзавот-хўл мевалар омборлари учун) шартли тонналарда белгиланадиган кўрсаткичларида хисобланиши мумкин.

Бу ҳолатда аввал омборда мўлжалланган ҳар бир товар гуруҳи бўйича максимал товар захиралари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{OK}{Q_{max} K} \leq \frac{365 C}{}$$

Бунда Q_{max} - товарларни максимал захираси, шартли вагонларда; O - мос товар гуруҳи бўйича йиллик омбор товар обороти, млн. сўмда; K - товар захираларини шаклланишини нотекислик (неравномерность) коэффициенти, 1,2 - 1,3 га тенг бўлади; C - бир вагон товарнинг ўртача нархи, млн. сўм.

4- СЛАЙД

4 - МАВЗУ. ОМБОРЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР.

Товарларни сақлаш учун жиҳозлар.

Товарларни сақлаш учун жиҳозлар қуйидаги гурухчаларга бўлинади: тарали-донали товарларни *таҳлаш* ва сақлаш учун; устма-уст ортиладиган ва уйма ва сочилувчан товарларни сақлаш учун; суюқлик товарларни сақлаш учун.

Тарали-донали товарларни таҳлаш ва сақлаш учун стеллажлар ва тагликлар қўлланилади.

Стеллаж типини танлаш, сақланадиган товарлар ассортиментига, тара ўринларини габаритларига, юклар билан иш олиб борувчи юк кўтарувчи-транспорт жиҳозларига боғлиқдир.

Стеллаж жиҳозларини эҳтиёжини аниқлаш формуласи:

Qt

Qст қ -----, бунда

Vст

Qст - стеллажларни сони;

Q т - стеллажларда сақлаш учун мўлжалланган товарлар миқдори, куб.м.;

Vст – стеллаж ҳажми, куб. м.

5- СЛАЙД

7-МАВЗУ. ЮКЛАРНИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА БОШҚА ЖОЙГА ТАШИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Темир йўл транспорти ёрдамида товарларни
бошқа жойга ташиш.**

Юкларни ташишда темир йўлдаги қатнов йўллари:

маҳаллий қатнов - юк битта йўлда ташилади;

бевосита қатнов - юк икки ва ундан ортиқ йўлда ташилади;

бевосита-аралаш қатнов - юк темир йўлда транспортнинг бошқа турлари иштирокида ягона ташиш хужжати бўйича ташилади;

бевосита халқаро қатнов - икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг темир йўллари иштирокида юк ташиш.

**Ташиладиган юк партиясининг ҳажмига қараб
юк ташиш қуидагиларга бўлинади:**

майда жўнатишлар - бунда юкнинг оғирлиги 10 тоннадан ошмаслиги, лекин 20 кг дан кам бўлмаслиги, ҳажми эса тўрт уқли вагоннинг **1/3** қисмдан қўпини эгалламаслиги керак;

кичик тоннали жўнатишлар - тўрт уқли вагон оғирлиги 10 тоннадан 20 тоннагача бўлган ва шу вагоннинг яримидан қўпини эгалламай, битта накладной билан ташиладиган юк партияси;

вагонбай жўнатишлар - бунда юкнинг вазни ёки ҳажми алоҳида вагон талаб қилса, битта накладной билан жўнатилади;

маршрутли жўнатишлар - бунда юк бутун поезд составига ортиш учун етарли миқдорда бўлади;

группалаб жўнатишлар - бунда маршрутли жўнатиш учун етарли бўлмаган юкни вагонлар группасида жўнатади.

